


А. С. ҲАСАНОВ, Т.Ў.МИРЗАҚУЛОВ

ИСТИҚЛОЛ: ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Тошкент
«Муҳаррир» нашриёти
2010



63.3 (59) - 418-00 тарихи

Илмий-услубий қўлланмада кўҳна ва навқирон тарихимиз, хусусан, Курама воҳаси тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари, қадимги Илоқ давлатида кончилик ва металлургия тарихи, маъданлар билан боғлиқ жой номлари халқнинг турмуш тарзи, иқтисодий-маънавий ҳаёти, дунёқараши билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилган. Тегишли бўлимларда Алишер Навоий ижодининг миллий ва умуминсоний тамойиллари, ўзбек тилининг мустақиллик давридаги тараққиётининг айрим томонлари ёритилган. Қўлланмадан соҳа фанлари ва ижтимоий фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Муаллифлар:

Ҳасанов Абдурашид Салиевич,
техника фанлари доктори, профессор
РТФА академиги (РАЕН),


Мирзакулов Турсунали Утаевич,
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Ёрматов Исомиддин Турғунович,
филология фанлари доктори, профессор

Муталов Абдуҳамид Муталович
техника фанлари номзоди, доцент

*Қўлланма Навоий давлат кончилик институти
илмий-услубий Кенгаши қарори асосида
нашрга тавсия этилган.*



1040542
2

КИРИШ

1. ҚУРАМА ВОҲАСИНИ ИЖТИМОИЙ -ТАРИХИЙ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Тарихий - ижтимоий, табиий-иқтисодий шароитга кўра ота-боболаримиз тоғ-кон ишлари, маъданлардан турли металл буюмлар олишга ихтисослашганлар. Минтақада ўз даврида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан кучли Илоқ давлати пайдо бўлган. Ана шу давлатнинг тузилиши, бсшқарув таркиби, иқтисодиёти ва маънавиятини тадқиқ этиш шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу давлатнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни, иқтисоди, айниқса, кон-металлургия соҳасидаги тарихий тажрибасини атрофлича тадқиқ этиш, умумлаштириш халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини янада аниқроқ кўрсатиш имконини беради.

Халқнинг ижтимоий турмуш тарзи, иқтисодий ҳаёти, албатта, унинг руҳияти, маънавиятида ўз ифодасини топади. Олмалик-Оҳангарон минтақаси аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик билан бирга маъданлардан металл олиш, улардан турли нодир буюмлар ясашга ихтисослашган. Шу сабабдан, минтақани ижтимоий - тарихий ўрганишда халқ касб-ҳунарлари тарихини ҳам ўрганиш зарур. Ҳунармандчилик тарихида шаҳарлар муҳим макени эгаллайди, шаҳар маҳаллалари бирон-бир ҳунарга ихтисослашади. Илоқ давлатидаги шаҳарлар тарихини ўрганишни касб-ҳунарлар тарихини ўрганиш билан зич боғлиқликда олиб бориш талаб этилади.

Халқ тилида касб-ҳунарга оид кўплаб сўзлар тўпланиб қолган. Уларни йиғиш, соҳалар бўйича таснифи ва изоҳини бериш муҳим вазифа саналади. Касб-ҳунарга оид сўзларнинг тарихи халқ тарихининг узвий қисми бўлиб, уларнинг изоҳи тарихий даврлар бўйича олиб борилиши керак. Тегишли далиллар тўпланиб, тизимга туширилиб, маълум соҳалар, жумладан, кон-металлургия соҳасига оид сўзларнинг тарихий-этимологик, изоҳли луғатини яратиш давр талабидир.

Олмалик-Оҳангарон воҳаси халқи оғзаки ижоди намуналари тўпланган бўлса-да, улар етарли эмас. Мустақиллик туфайли халқнинг тарихий хотирасини тиклаш, миллий қадриятимизнинг узвий қисми бўлган

фольклор асарларини ёзиб олиш бу хотира ва қадриятнинг йўқолиб кетишининг олдини олган бўлар эди. Машҳур фольклоршунос олима Музайяна Алавиёвнинг қайд этишича, Қурама-Оҳангарон воҳасида "ёр-ёр"нинг махсус тури "чинка" ва "чинга" номи билан ҳозир ҳам мавжуд ("Ўзбек халқ маросим қўшиқлари", Тошкент, 1974, 14-бет). Буюк бобомиз А.Навоий адабиётимизнинг туғилиш манбаи, асоси "ёр-ёр" (чинка, чинга) ва ўлан эканини махсус таъкидлайди:

Навоий чу сарманзилинг чингадур,
Сурудинг дағи сураро - чинкадур.

Улуғ бобомиз асарларининг моҳиятини халқ оғзаки ижоди ва тарихий ўтмишимизга хос миллий ва умуминсоний қадриятлар ташкил этади:

Муғанний тузиб чинга вазнида чанг
Наво чекки, ҳай-ҳай ўлан, жон ўланг.
Десанг сенки, жон қардошим, ёр-ёр,
Мен айтайки, мунглуғ бошим, ёр-ёр.

Қурама воҳаси халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам узоқ тарихий ўтмишимиз ёдгорликлари бўлиб, уларни авайлаб сақлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Алишер Навоий ўз ижодида Марказий Осиё ва унга ёндош ўлкаларда яшовчи ўзбек халқ оғзаки ижоди ва халқ шевалари бойлигидан ҳам унумли фойдаланган. Бу эса асарларининг халқчиллиги ва кенг ёйилишига сабаб бўлган.

Қурама ўзбек шевалари қипчоқ лаҳжасига мансуб бўлиб, бу лаҳжа ҳам Навоий тил бойлигининг асосий манбаларидандир. Навоий асарларида Қурама шеваларига хос кўплаб сўз ва бирикмалар учрайдики, улардан айрим намуналар келтирмоқчимиз. Қурама шеваларида лунж урт дейилади ва Навоий асарларида оворт шаклида келган

Бижин (маймун) топса ер то ичига сиғар,
Не қилса овортига барин тикар.

Алишер Навоий ижодида кўмак сўзи "танглай" маъносини билдиради. Қурама шеваларида бу сўз кўмакай шаклида келиб, "кўмакайи булқилламоқ" иборасида сақланган, яъни "танглай остининг бир меъёрга қимирлаши" маъносини билдиради. Ҳозирги қозоқ, қорақалпоқ тилларида ҳам бу сўз кўмакай шаклида учрайди. Навоийда эса бу сўз кўмак шаклидадир:

Куйдим ишқимни аён айламагимдин,
Чеккай эдилар, кош, тилларимни кўмагимдин.

Курамада қўл маъносида илиги сўзи ҳам ишлатилади. Навоий ижодида ҳам айна шу маънода ишлатилади:

Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,
Мен илик жондин юдум, чекмас илик қонимдин эл.

Курамада ҳам "тўйга борсанг, тўйиб бор, тулки тўнинг кийиб бор" мақоли ишлатилади. Бу ердаги "тулки тўн" ибораси аслида "тўрқа тўн" шаклида бўлган. Навоий асарларида тўрқа сўзи қимматбаҳо кийимлик маъносини билдиради. Курама шеваларида бийик сўзи улуг, юсак маъносида келади: "ўзингдан чиққан тов бийик бўлсин". Навоий асарида ҳам бу сўз айнан шу шакл ва маънода келади:

Анга эваздур, санга шармандалиқ,
Анга бийиклик, санга афкандалиқ.

Қадимда катталар ва болаларнинг турли ўйинлари бўлган. Шулардан бири оқсуяк ўйинидир. Ойдин тунда ўйин бошлиғи суякни узоққа иргитган ва ким уни топиб бошлиққа олиб келиб берса, мукофот олган. Навоий "Маҳбул-қулуб" асарида "Одил шоҳ шарофатидан кечалари аёлларнинг аллалари тинмайди, болалар эса оқсўнгак, яъни оқсуяк ўйнайди", - деб ёзади.

Навоий ижодининг манбаларини аниқлаш, жумладан, лаҳжалар ва шевалар билан муносабатини белгилаш мустақиллик туфайли энг муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланди.

"Курама шевалари" номи билан фанга киритилган атама маъносига кўра нисбий бўлиб, аслида ўзбек миллий тилининг асосий қисми (компоненти) бўлган қипчоқ лаҳжасининг маълум бир кўринишларидан ташкил топган яхлит ижтимоий-этник бирлашмани англатади. Қадимги Хитой, Византия ва рус манбаларида бу улкан ва кўп сонли халқ жун, ху, гунну, сюнну (усун, уйшун), юэчжи, хун, куманлар, половецлар, қипчоқлар номи билан аталган ("История древнего мира", М., 1989, 243-245-бет).

Бу халқ ўтмиши Хунгария (Венгрия) номида сақланиб қолган. Қадимги туркий халқ кейинчалик ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, татар, бошқирд, туркман, озарбайжон каби миллатларнинг шаклланиши ва тараққиётида муҳим асос ва манба бўлган. Шу сабабдан, курама шеваларини тасодифан шаклланиб қолган

бирлашма, уюшма деган ғайриилмий тасаввурларга барҳам бериш мақсадида мавжуд шева далилларини туркий тиллар, ўзбек тили тараққиётининг қонуний бир кўриниши сифатида атрофлича ўрганиш мавриди келди.

Курама воҳаси этнографик жиҳатдан атрофлича ўрганилиши керак, чунки бу ерда, таниқли олим И.Ёрматовнинг қайд этишича, ўзбек-қурамаларининг япалоқ, самарчуқ, кўчартўп, бойтўп, қалмоқтўп, қатагон, жағалбойли, сувти, саритамғали, элтамғали, ачамайли, самирак, жалойир, уйшун, керайит, олчин, арғин, кебанак, чиликчи, чилкор, қорасийроқ, қайсар, тортувли, болғали, қайтмас, санам, шийқа, галаботир, жунбош, обиз, мўғул, бўрончи, эйвалак, керовчи, тама, телов, тароқли, дўлот (қаранг: "Илоқ тарихи", Тошкент, 2005, 81-бет), шунингдек, чамбил, қорахитой, тақали, ойтамғали, қорақўйли, яллама каби 92 бовли ўзбек уруғларига мансуб кишилар азалдан яшаб келганлар. Бу қабила ва уруғларнинг ўзбек халқи таркибидаги ўрни ва мавқеини тадқиқ этиш миллий тараққиётимиз тарихини чуқурроқ ўрганишга имкон яради.

Профессор И.Ёрматов ўзининг "Илоқ тарихи" (Тошкент, 2005, 82-83-бет) китобида хайрли ва савобли ишни амалга оширган: ўзбек миллати таркибидаги уруғларга хос тамғалардан айримларини келтириб ўтади ва шундай ёзади: "Олма-Ота шаҳридаги "Жалын" босмахонаси томонидан 1993 йилда нашр этилган "Қозоқларнинг кўҳна тарихи" сарлавҳали илмий гўпламда қозоқ миллати таркибига кирган 69 та уруғнинг номи ва тамғалари кўрсатилган. Улардан айримлари ҳозирги ўзбек миллатининг шакллантиришда ҳам иштирок этишган. Шу боисдан мазкур китобда кўрсатилган, ҳозир ўзбек миллати таркибида мавжуд бўлган айрим уруғлар ва уларнинг тамғаларини келтириб ўтамиз:

2. ҚУРАМА ВОҲАСИ МАЪНАВИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ УРҒ - ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР

Г/р	Уруғ номи	Тамғаси	Г/р	Уруғ номи	Тамғаси
1.	Қангли		10.	Теракли	
2.	Уйшун		11.	Арғин	
3.	Дўлот		12.	Матай	
4.	Жалойир		13.	Керайит	

5.	Курама	♀	14.	Тама	
6.	Қипчоқ		15.	Олчин	Λ
7.	Қўнғиро	///	16.	Жағалбойли	Т
8.	Манғит	∩	17.	Телов	↗ † ←
9.	Найман	∨			

Курама воҳасида қадимдан меҳмон ва мусофирларга яхши муносабатда бўлганлар. Бирор уйга меҳмон келса, уй эгаси унинг иззат-хурматини жойига қўйгач, ака - укалари, қариндош-уруғлари, қўшнилари навбатма - навбат меҳмондорчиликка чақиришган. Агар меҳмон шошилиб турса, у қўнган уй дастурхонига топган - тутганларини олиб келиб, зиёфат баҳонасида куюқ ва самимий суҳбат, аския пайровлари, хонандалар чақиришиб куй, наво чалишиб қўшиқлар айтишиб, меҳмоннинг кўнглини шод этишган. Меҳмон кутиш одоби ҳам ота - боболаримиздан, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос бир тарбия мактабидир. Шу билан бирга, бирор киши узоқ сафардан қайтса, уни барча қариндошлари, яқинлари келиб зиёрат қилишган. "Мусофир бўлмасанг, мусулмон бўлмайсан" деганларидек, мусофир бўлган инсонни қийинчилик ва машаққатларга чидаб, одабийлик мактаби синовларидан ўзигини, ирода ва ғурурини йўқотмай, эл-юртини бошқа ўлкаларга муносиб таништириб қайтган одам сифатида тавоб қилганлар. У имкон қадар олиб келган нарсаларни "мозор босган" деб кўзларига суртганлар. "Мозор босган" ибораси моҳиятидан шу нарса англашилганки, бошқа ўлгага бориб келган одам не-не муқаддас жойлар, зиёратгоҳлар, азизу авлиёларнинг мозорлари ёнидан ўтиб келиб, ҳар ўтаётганида "шу манзилда ором топганларнинг руҳи шод бўлсин, охираглари обод бўлсин", - деб дуога қўл очган. Бу билан элни нафақат Аллоҳ таоло, балки унинг назари тушган буюк зотларнинг руҳи ҳам қўллаиди, деган эътиқод мавжуд бўлган.

Оила, маҳалла, қишлоқнинг фарзандлари узоқ сафарга жўнаши арафасида уларга бутун бир нонни тишлатиб олиб қолиш одати бўлган. Бу билан "насибаси улуг бўлсин, шу жой, шу ердан ризқи узиlmасин, қайтиб келиб шу нонни ўзи есин" деган таомилга амал қилишган. Сафарга зарур нарсалар орасидан егулик (нон) билан бирга белбоғ, пичоқ ҳамда бир ҳовуч туғилган ер тупроғи ҳам қадрли нарса сифатида ўрин олган.

Бешикка беланган чақалоқнинг ёстиғи тагига нон, пичоқ қўйганлар, бу нарсалар болани турли ёвуз руҳлардан ҳимоя қилган. Бола туғилган кундан қирқ кунгача (чилласи чиққунча) уйда чироқ ёқиб қўйилган. Бу умумий бир одат бўлиб кўринса-да, аслида боланинг чақалоқлигида нур ва ёруғликдан мияси тўлишган, соғлом ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бўлган. Бу ҳозирги тиббиёт хулосаси. Ота-боболаримиз ва момоларимизнинг бекорга нур, ёруғлик ва оловга интилмаганликларининг яна бир сири шунда. Халқда беўхшов қилиқлар қиладиган болага нисбатан "чилласида чироқ кўрмаган" ибораси шундан қолган.

Момоларимиз болалар ва катталарга "Кинна кирибди" (курамада "кирна кирибди"), "бировнинг суқи кирибди" деб, кинна солишади. Бунда идиш, косага тоза ердан олинган кул солинади. Бу косага солинган кул белбоққа ўралиб, унинг оғриган ери - юзи, кўзи, қорни, биқини атрофида тўхтовсиз, бир маромда айлантирилади, кинначи касалнинг аҳволига қараб, ҳар хил тарзда кекиради, ёвуз руҳларни ҳайдагандек бўлади. Ҳозирги фан хулосаларига биноан, кул таркибидаги турли минерал моддалар бир маромда айлантирилганда, муайян майдон ҳосил қилиб, оғриқни тўхтатувчи, тинчлантирувчи вазифани бажарган. Бу нарса ҳам халқ топқирлиги, халқ тиббиётининг қадимги ютуқларидан биридир. Айниқса қарияларнинг айтишича Курама тоғ тизмаси этагида яшовчи кинначи кампирларнинг доврuti ва обрўси юқори бўлган. Сабаби улар қўнғир кўмирга бой бўлган ўлкада унинг кулидан кирна солишда фойдаланган. Олимларнинг таъкидлашиша Ангрен қўнғир кўмирида германий кимёвий элемент мавжуд бўлиб, кўмир ёнғач унинг таркибадаги германий оксид холига ўтади ва ундан кинна солиш пайтида жуда оз миқдорда гамма нурланиш хусусияти намоён бўлади. Замновий ядро техникасида германий айнан шу хусусияти ҳам кенг қўлланилади.

Курама воҳаси ҳақида акад. В.В. Радловнинг "Из Сибири" (М., 1989) китоби, В.В. Решетовнинг "Кураминские говоры Ташкентской области" (М., 1951) докторлик диссертацияси, Т.Файзиевнинг "Ўзбеки - курама" (Ташкент, 1963) номзодлик диссертацияси, Т.Содиқовнинг "Тошкент области шевалари" (Тошкент, 1974) каби манбаларда муҳим маълумотлар берилган. Шулар асосида Д.Казакбоева "Қорабоғ ўзбеклари тўй маросимининг тарихий семантикаси" мавзусида (қаранг: "Таълим тизимида янги технологияларнинг қўлланиши" мавзусидаги Республика илмий конференциясининг маърузалари, 1-қисм, Ангрен, 2004, 106-107-

бет) мақола эълон қилган. Мақолада Ангрен шаҳри яқинидаги Қорабоғ кўрғонида яшовчи аҳолининг тарихан мавжуд бўлган ва тўй маросими билан боғлиқ айрим одатлари келтирилган:

1. Эшик супура
2. Итоёқ қонлар
3. Нон синдирар (фотиҳа)
4. Қаллиқ ўйин
5. Бўхча келди (сеп жазар)
6. Маслаҳат оши
7. Сабзи тўғрар
8. Тўй базми

Бўйи етган қиз яшаётган ҳовли дарвозасининг ташқариси уй эгалари чиқиб улгурмасидан аввал ҳар тонг супуриб кетилган. Бу - шу хонадонга яқин орада совчи келишига ишора. Қизнинг ота-онаси қўшнилари орқали эшиксупураларнинг шахсини, куёв бўлмиш йигитнинг кимлигини аниқлаганлар. Маъқул келса, ўзларини сезмасликка олганлар. Даъвогар номақул бўлса, эшиксупуралар келмасидан олдин дарвоза ташқарисига сув сеппиб қўйилган. Бу - уларнинг сувдай совиб кетишларига, қайтиб келмасликларига ишора.

Итоёқ - итнинг овқатланиши учун ёғочнинг ичи ўйиб тайёрланган идиш. Бўлажак куёвлар ишни келиннинг итига муомала қилишдан бошлашган. Чунки олдинда бу ҳовлига қоронғи тушганда қайнотага сездирмай келишлар бор. Шу тариқа икки томоннинг дастлабки келишуви жонлиқ сўйиб, итоёқни қонлашдан бошлашган. Умуман олганда, Қорабоғ кўрғони ўзбекларнинг тўй маросимида куёв томоннинг харажати талаб қилувчи удумлар кўп бўлган. Мана улардан айримлари:

1. Тўққиз қора (келин томонга қалин (сут ҳаққи) сифатида бериладиган битта йилқи, эркак - урғочи қорамол, қўй, эчки, товуқ - жами тўққизта).

2. Қаллиқ ўйин - юкоридаги тўққизта жонлиқни беролмаган куёвнинг иши. Унинг ёши ўттиздан ошиб кетган. Аммо қалинни тўлиқ беролмайди. Қайнотаси унга раҳм қилай деса, қизининг элу юртда гап-сўз бўлишидан хавфсирайди. Бундай ҳолатларда қарияларнинг келишуви билан мулла чақиртириб, никоҳ ўқиб қўйилган. Куёв янганнинг қўлига тутгудек совга тополган оқшомларда қайнотаникига яширинча келиб, қаллиқ ўйнаган. Қалин тўлиқ тўланиб, тўй бўлгунга қадар баъзи келин-куёвлар бир иккита шаръий фарзандларга ҳам эга бўлишган.

3. Тўй базмида куёв томоннинг гарданига қўйиладиган чиқимлар қуйидагилардан иборат:

- А) от бойлар пули;
- Б) ўт ёқар пули;
- В) қамчи пули;
- Г) дарбоза пули;
- Д) тўққиз товоқ пули;
- Е) қиз сўйлатар пули;
- Ё) боқон солди пули;
- Ж) ўкил ота пули;
- З) гилам солар пули;
- И) кўтарам қўй пули;
- К) қўл ушлатар пули;
- Л) соч сийпатар пули;
- М) ойна кўрсатар пули;
- Н) тўшак солар пули;

Муаллифнинг қайд этишича, ҳозир Қорабоғда ўтказилаётган никоҳ тўйлари мундарижасидан саналган удумларнинг анчаси чиқиб кетган. Бироқ шуниси муҳимки, тўй маросимлари мазмунидан чиқиб кетган узвлар шунчаки бидъат бўлмай, мифологик, этник, педагогик, психологик ва бошқа турдаги қадимий тушунчаларига тегишли муайян тушунчаларни билдирган.

Бу воҳада тўй билан боғлиқ айрим удумлар ҳам бўлган. Улардан айримларига мисоллар келтирамиз.

Юз очди удуми

Юз очди удуми тўйнинг эртасига бўлиб ўтади. Унда келин чимлиқдан чиқиб, ташриф буюрган меҳмонларга салом беради, исириқ солинади, сўнг катта ёшли аёллар ёғ солинган коса олиб келади. Келинчак қўлини ёққа ботиради. Келиннинг қўли ёғли бўлсин, қадами баракали бўлсин деб, ўчоққа ёғ солинади.

Ўчоқ бошига чақирди

Ўчоқ бошига чақирди удуми тўйдан кейин учинчи кун бўлиб ўтади. Ўчоқ бошига чақирганда келиннинг ота - оналари ҳам келади. Ўчоқ олдида келин қайнонаси, онаси ва катта ёшли аёллар бошчилигида боради, аввал ёғ солинган идишдан ёғ олиб ўчоққа томилади, қўлини унга ботиради. Бу удумни ўтказишдан мақсад келиннинг қўли баракали бўлишини тилашдир.

Ўкил ота танлаш удуми

Ўзга хонадонга келин бўлиб тушаётган қиз куёв томондан ёши улуг, эл - юрт орасида ўз ўрнига эга эркак кишини ўкил оталикка танлайди. Агар ота бўладиган киши ҳам розилик билдирса, никоҳ ўқиладиган куни ўкил ота гувоҳликка ўтади. Келинчакнинг ота-онаси ўкил отага бошдан-оёқ сарпо беради. Келинчак узоқ йиллар мобайнида ўкил отаси ва унинг фарзандлари билан қариндошлик алоқаларини ўрнатади.

Гилам солди

Гилам солди удуми тўй куни бўлиб ўтади. Келинни куёв навкарлар олачага солиб уйга олиб кирадилар.

Бақон солди

Келинни узатиб кетиш куни куёв ва унинг жўралари келиннинг уйига чақирилади. Куёвнавкарлар келишгач эшикка бақон (хода) 2-3 метр баландликка кўндалангига қўйилади. Куёв ана шу ходадан ошиб ўтиб, уйга кириши керак. Агар куёв биринчи уринишдаёқ ичкарига кира олса, уни абжир экан, деб келин томондагиларнинг кўнгиллари жойига тушган, мободо куёв ходадан ошиб ўта олмаса, келин томондагиларнинг олдида уятга қолади.

Олача тортув удуми

Келин узатилиб кетаётган куни янгалари келинни олачага ўтирғизадилар, куёвжўралар "келин бизники" дейишиб, олачани тортадилар, келин янгалар эса "келинни бермаймиз" дейишиб, ўзлари томонга тортадилар. Сўнг куёвжўралар янгаларига сарпо беришиб, келинни сотиб олади.

Қиз чиқарди удуми

Қиз узатилиб кетаётганда ёши улуг аёллар "Нондай ризқ - насибаси улуг бўлсин" дея келиннинг қўлтиғига нон қистирадилар. Сўнгра пешонасига "Юзи ёруғ бўлсин" деб ун сурадилар, келин уйдан чиқиб кетаётганда, қариндош уруғлари ва ота - онасига бир умр меҳр - оқибатли бўлсин дея уйнинг тўрига қаратадилар.

Қарз бўлди удуми

Ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган йигитга катта ёшли амаки-си ёки тоғаси 10-20 сўм миқдорида пул беради ва "Сен қарз бўлдинг, қарзингни хизматдан келибоқ узасан", - дейди. Ҳарбий хизматга кетаётган йигит соғ - саломат, омон - эсон қайтиб келсин деган мақсадда ушбу удум ўтказилади.

Тушов кесди

Энди юришни ўрганаётган боланинг оёқларига ёши улуг аёллар ола ип боғлайдилар. Болани аммаси ёки холаси олиб қочади, онаси қувлайди. Етиб олгач, оёғидаги ипни кесади ва оёқлари орасидан "Ризқ-насибали бўлсин" дея кулча юмалатади. Бу удум энди қадам ташлашни ўрганаётган болани ҳаётда қоқилмай юрсин деб ўтказилади. Шунингдек, айрим одатларга қўра, шундай қарашлар ҳам бўлган:

Ўқлов - тахтани тикка қўймайди, гўрида тикка ётади.

Ҳамиртурушни супрадан узмайди, қут - барака бўлмайди.

Ўчоқ устини босмайди, ризқ - насиба узилади.

Чочув нима?

Чочув сўзи тўйларда тўй харажатларини келин томонга жўнатиш, келин ёки куёвни кутиб олишда турли меваларни бош ус-тидан сочиш тадбирини англатади. Бу иш тўй сабабчилари бахтли бўлсин, турмушлари фаровон бўлсин, аҳил ва ширин турмуш кечирсинлар каби эзгу ниятларнинг ифодаси сифатида жорий бўлган. "Чочувлаб кетмоқ" ибораси эса тўйга кетмоқ, тўйда қатнашмоқ, меҳмондорчиликка, ота-онасиникига "тўртқунлаб"- (келиннинг ота-онаси ва оиласига бориб келишини англатадиган муҳлат) кетмоқ каби маъноларда ҳам қўлланилган.

3. ҚУРАМАДА БОЛАЛАР ЎЙИНЛАРИ

Қурама тизма тоғи бағрида яшовчи аҳолининг қадимдан турли ўйинлари бўлган. Бу ўйинлар байрамлар ва халқ сайилларида, тўй ва йиғинларда уюштирилган. Оммавий ўйинлар билан бирга болаларнинг (айримларида катта ёшдаги кишилар иштирокида) ўзига хос ўйинлари ҳам бўлган. Ҳозир ана шу ўйинларнинг айримлари ҳақида қисқа маълумот берамиз.

Чиқилдик ўйини

Икки, уч ва ундан ортиқ болалар (ўғил болалар) алоҳида-алоҳида ёки мусобақалашувчи гуруҳларга бўлиниб, чиқилдик ўйнайдилар. 30-40 см узунликдаги мустаҳкам новда (таёқ) олинади, бу таёқ эначик дейилади ҳамда 10 см узунликдаги новда (таёқча) олинади, бу таёқча болачик дейилади. (Қаранг: Андижон шеvasида чиқалдак - чиллак ўйин: "палочки, употребляемые при игре в чижик": кичи йағачи чикалдак, катта йағачи даста. "Яна Андижон, Фарғонада: чикалдак - қаламча "черенок": узум чикалдаги". Ўйинлар навбатма-навбат узун таёқ - эначик билан кичик таёқчани - болачиқни ердан кўтариб, нисбатан узоқроқ масофага уриш учун мусобақалашадилар. Ютқазган гуруҳ "зувиллаш"га мажбур бўлади (бу ўйиннинг иккинчи номи "зувиллоқ" деб ҳам аталади). Ғолиб ёки ғолиб гуруҳ эначик билан болачиқни уради ва болачиқ тушган ердан то маррагача ютқазган(лар) овоз чиқариб зувиллаб югуриб келишга мажбур бўлган. Марра жойгача нафаси етмай қолса, ўша жойдан марра жойгача ғолиб ёки ғолибларни орқалаб кўтариб келиш зарур бўлган. Бу ўйин таёқ билан таёқчани узоққа иргитиш ҳамда ўпкага ҳавони йиғиб, бир маромда нафас чиқариш машқига ўргатишда катта аҳамиятга эга бўлган.

Гўрғоз ўйини

Болалар гуруҳларга бўлиниб, маълум келишилган масофадан айлана шаклида қазилган чуқурчалардан ўртадаги чуқурчага тўп (кичик копток)ни тушириш бўйича мусобақалашганлар. Ким ўртадаги чуқурчага тўпни туширса, чуқурчани қўриқлаётган бола коптокни олиб, болаларни копток билан уриш мақсадида қува бошлаган. Кимни копток билан урса, у чуқурча қўриқчиси бўлишга мажбур бўлган. Бу ўйин ҳам болаларни аниқ мўлжал олиш, чаққон ва тез ҳаракат қилишга ўргатувчи халқ ўйинларининг бир туридир (гўрғоз сўзи гўр - "чуқур" ҳамда қаз-қазимок, яъни чуқур қазимок маъносидаги қўшма сўзидир).

Кулоқчўзмай ўйини

Бир гуруҳ болалар ва катталар ўйини. Ўйин бошлиғи бирор нарса (латтага ўралган тош, қаттиқ жисм)ни узоққа улоқтиради. Барча болалар, ўйин қатнашчилари уни биринчи бўлиб қўлга киритишга ҳаракат қиладилар. Уни иргитган ўйин бошлиғи ўз жойидан силжимай туриши шарт. Улоқтирилган нарсани қўлга

киритган бола (одам) бошлиқ сари чопади, лекин у кучли тўсиққа дуч келади. Бошқа болалар унинг қулоғини чўзиб, нарсани тортиб олишга астойдил ҳаракат қиладилар. Охир-оқибатда ким бошлиқни ушлаб, нарсани топширса мукофот олади.

Бу ўйинда ҳам чаққонлик, эпчиллик, болалар қаторини дадил ёриб ўтиш каби ақлий-жисмоний малака шаклланади. Қулоқ-чўзмай қурама шеваларига оид сўз бўлиб, адабий тилда қулоқ чўзиш, қулоқчўзма каби шаклларда берилиши мумкин.

Лаппай (кўтай) ўйини

Бу ўйинда икки-уч метр атрофидаги айлана белгиланади. Айлана ўртасидаги ўн беш-йигирма дона миқдорида ёнғоқдек келадиган тошлардан пирамида шаклида уюм ҳосил қилинади. Ўйин қатнашчилари беш-ўн метрлик масофадан ликопча гарзидаги ясси тош билан тошчаларни айланадан уриб чиқариши керак. Кимнинг ясси тоши биринчи бўлиб уюмга тегиб тошчаларнинг бир қисмини чиқарган бўлса, оёқлари (бути) орқасидан эгилган ҳолда ясси тош билан тошчаларни майдон (айлана)дан уриб чиқара бошлайди. Ким тошчаларни уриб чиқара олмаса, кам уриб чиқарган бўлса, у ютқазган ҳисобланади ва жарима сифатида маълум миқдорда кетига тепки ейди. Ютган бола ютқазган боланинг орқасига тиззаси билан тепки беради.

Шахман ўйини

Шахман сўзи қурама шеваларида азалдан ишлатилади. Бу сўз қадимги сопқон сўзининг товуш жиҳатдан шевага хос бир қўринишидир. Баъзи худудларда бу сўз сакмон шаклида ҳам ишлатилади (қаранг: "Ўзбекско-русский словарь", М., 1959, 359, 378-бет): Болалар кичик айри таёқчага чўзилувчи резинани чарм билан боғлайдилар, чармга майда тош ўраб қушча (чумчуқ ва ҳ.)ларга отадилар. У айрим ҳолатларда экин ва меваларни қушлардан асраш учун ҳам ишлатилади. Қаранг: "Сопқон": 1. праша; сопқон отмоқ: метать прашой; ота олмаган сопқон ҳам бошга тегади, ҳам кетга тегади: "если метать прашой не умеючи, она ударит и по голове, и по задку". 2. обл. кнут, издающий при шёлканье резкий звук (употребляется для отпугивания птиц с виноградников и т.п.): "Ўзбекско-русский словарь", М., 1959, стр. 378.

¹Ўзбек халқ шевалари лугати. Тошкент, 1971, 302-бет.

Қадимги даврларда душман қалъасига тош отиш учун ман-жанақлардан фойдаланганлар. Бу қурол форс тилида фалохун (палохмон, тош солиб отадиган қурол) деб аталган. Манжанақ, палохмон ёки соққонлар уруш қуроли сифатида ишлатилган. Ўзбек тилидаги "қиз бола палохмоннинг тоши" ибораси янги маъно касб этган (қаранг: "Навоий асарлари луғати", Тошкент, 1972, 358, 631-бет).

Тилимизда ишлатиладиган саққон, соққон, сақмон, шахмон, шахман сўзи жуда қадимги тарихга эга бўлиб, у халқимизнинг ўтмишидан дарак берувчи воситалардан биридир. Катталар болаларга балки ўйин қуроли сифатида соққонга ўхшашлиги (вазифаси, ишлатилиши)ни ҳисобга олиб, кичик соққон-шахмон ясаб берган бўлсалар керак. Бу кичик қурол мўлжални тўғри олиш, мерганлик, қўриқлаш уддабуронлигини ошириш учун ишлатилганлиги турмуш талаби, эҳтиёжи билан изоҳланади.

Сен тур, сен чиқ ўйини

Болалар давра олиб, оёқларини чўзиб, ўзаро бир-бирига теккизиб ўтирадилар. Бошлиқ ёки болаларнинг каттаси (бу ўйинда қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам қатнашаверади) санашга тушади: у болаларнинг оёқларига қўлини, бармоқларини теккизиб санай бошлайди: "бирен, екен, учен, тўртен, бешен, алтан, овор балтан, қирқаёвуқ, қирман товуқ, сен тур, сен чиқ". "Сен чиқ" ибораси қайси боланинг оёғига текса, у ўйиндан чиққан-ютган ҳисобланади. Бу санаш охириги давра иштирокчиси (икки иштирокчи) қолгунча давом эттирилади. Охириги қолган иштирокчи гўё ютқазган ҳисобланади. Бу ўйин кўпроқ ёш болалар билан санаш ва ҳисоблаш малакасини, сезгирлик ва топқирликни ўстириш учун қадимдан ишлатилган. Буни ўйин сўзларининг маъносидан ҳам билиш мумкин: бирен, екен, учен, тўртен, бешен, олтон сўзларидаги-(е)н қўшимчаси Ўрхун-Енисей тошбитиклари яратилган даврлардан ҳам олдин ишлатилган ва тартиб, ўрин, жойлашиш маъносини билдирувчи тартиб сон қўшимчасидир. Кейинроқ бу қўшимча маъноси унутила бориб, унга-чи қўшимчаси орттирилган ва -инчи қўшимчаси пайдо бўлган: "биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, оғир, семиз юкли, қирқ оёқли, қирман (эпчил) товуқ, сен тур, сен чиқ".

Бирэш ўйини

Бу ўйинда уч, тўрт, баъзан беш-олти жуфт майда тошлар олинади ва улар тўп (ғуж) ҳолга келтирилади. Биринчи ўйинчи бир дона тошни юқорига отиб тўп тошларга битта-биттадан кафтини уриб, қўли (кафти) ичига йиғиб олиши зарур. Барча тошларни йиғиб ололмаган ёки ярмига бориб тошчаларни тушириб қўйган, сўнг чап қўлининг бош бармоғи ва кўрсаткич бормоғини ерга тираб, дарвоза ҳосил қилиб, тошчаларни мана шу дарвозадан биринкетин киритиши керак, "дарвоза"дан ўтказа олмаган ўйинчи ютказган ҳисобланади.

Бирэш сўзидаги эш сўзи қадимги сўзлардан бўлиб, ўртоқ, дўст, яқин, акаси ва опаларига эргашадиган каби (Эргаш, Тўхта, Турсун, Турғун каби исмларнинг маъносига ўхшаш) маъноларни англатган (Эшбой, Эшмат/Эшмуҳаммад, Эшчон, Эшали, Эшқўзи каби исмларда шу ҳолат кузатилади). Халқ тилидаги ип эшмоқ ибораси ўз маъносида ипларни бир-бирига ўрамоқ, чирмаштирмоқ маъноларини билдирса, кўчма маънода устамон, пухта, пишиқ, айёр каби маъноларни билдиради (унинг олдида унча-мунча одам ип эшолмайди).

Бирэш сўзидаги эш қисми бир сўзи билан бирикиб, бир жуфт, яъни тошчаларни жуфтлаштириш маъносини билдиради.

"Узбекско-русский словарь" (М., 1959, 560-561-бет) эш сўзининг қуйидаги талқинларини беради: Эш 1. Спутник, товарищ, подруга. 2. областной; послед; 3. пара чего-либо; 4. Эш (имя собственное, мужское).

Демак, бирэш сўзи англатган ўйин болалар, айниқса, қиз болаларни чаққонлик ва қўл бармоқларининг тез ҳаракатланиши учун муҳим омил бўлган.

Қиз болаларнинг макмак (катакчалардан катакчаларга сакраш), отмоктўп (тўпни навбатма-навбат бир-бирига отиш) каби ўйинлари ҳам қадимги ўйинлар сирасига киради.

4. ШЕВА СЎЗЛАРИ ҲАМ БОЙЛИК, МАЪНАВИЙ - ТАРИХИЙ МЕРОС

Ўзбек тили туркий тиллар оиласида энг кўп лаҳжа ва шеваларга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради, бу шева ва лаҳжалар (қорлуқ, қипчоқ, ўғуз лаҳжалари) миллий тилимизнинг шаклланишида муҳим манба (қисм, ташкил этувчи) вазифасини бажарган.

Курама тизма тоғи ёнбағирларида яшовчи аҳоли ҳам ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий мавқе, урф-одатларга эга. Бу нарса эса биринчи навбатда аҳолининг фикрлаш тарзи, онг ва хотираси, тафаккури ва турмушида акс этади. Бу жараёнларга хос тасаввур, идрок ва тушунчалар турли сўзлар ва гапларда, ибораларда муҳрланиб қолади. Курама воҳаси аҳолиси тилининг луғат таркиби, сўзлари ва иборалари бошқа туркий халқларнинг тиллари, ўзбек халқ шевалари билан умумийликка эга бўлса-да, шу билан бирга, фақат шу ҳудудга хос бўлган сўз ва иборалар ҳам анчагина миқдорни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, бу сўзлар бошқа шеваларда ҳам шакли ва талаффузи қисман ўзгарган ҳолда учрайди. Куйида ана шундай сўзларга намуналар келтирамиз.

Шибәга

Шибәга оила, қариндош-уруғ бирор қутлуг тадбир ўтказса, узрли сабаб билан кела олмаган, уруғда ҳурматли бўлган кишига бериладиган насиба (пишган гўшт, овқат, турли пишириқлардан тайёрланган совға) дир. Бу сўз бошқа шеваларда, хусусан, Иқон шевасида ҳам учрайди ва насиба ("удел, доля, участь") маъносини билдиради ва ўзи билан бирга олиб кетиладиган егулик маъносини ҳам англатади: "эплаган олти ошар, шибәғасини хўржинга тикар".

Суннат тўйи, чупран

Курамада ҳам ўғил болани эркалар сафига қўшиш билан боғлиқ қадимги удумлардан биридир. Патриархат давридан бу одат турли халқларда турлича кечади.

Оила бу тадбирни ўтказар экан, қўни-қўшни, маҳалла, қариндош-уруғларнинг дуосини олади, ўғли ёнига дастёр бўлиб қўшилганлигини элга маълум қилади. Албатта, бу тадбир катта тўй ёки кичик тўй (тўйчиқ) шаклида бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, бу иш меъёр даражасида-элдан чиқмаган ҳолда, ортиқча сарф-харажат, исрофгарчиликсиз ўтказилса, оиланинг ҳурмати-га ҳурмат қўшилади.

Курама воҳасида болаларга эркалаб мурожаат қилиш, уларнинг мурғак қалбига эзгу туйғуларни сингдириш билан боғлиқ одатлар ва улар билан боғлиқ сўз ва иборалар ҳам сақланиб қолган. Ота ёки она, катта отаси (Курамада: каттота) ёки бувиси болани қўлида баланд кўтариб бир неча марта "эр қарага бир қара, эр қарага бир қара" деб такрорлайди.

Эр сўзи қадимдан туркий тилларда ҳам жинсий биологик, ҳам ижтимоий (социал) аҳамиятга эга бўлган шахсни англатган. Шу сабабдан, дастлабки маъноси жинсни англатиш, яъни эркак ("самец") маъноси ёнига "турмуш ўртоғи", "кучли", "баҳодир", "қаҳрамон" алоҳида шахсларга нисбатан эса "табаррук, муқаддас" каби маънолар ҳам қўшилган: Эр Парпиота бува, Алп Эр Тунга - Афросиёб.

Эр Қора бирикмасидаги қора сўзи ҳам қадимдан "катта", "бош", "кучли" каби маъноларни билдиради. Қора ботир "катта ботир", Қорадов "катта дов", Қорабов (Қорабоғ) "катта бов"(бов: уруғ, қабила), Қорахитой (/катта хитой/ катта кидан: киданларнинг асосий қисми).

Кўринадики, лаҳжа ва шеваларда турғун иборалар- маталлар, қўшиқлар, эртақлар, топишмоқлар, мақолларда қадимги сўзлар ва улар англатган маънолар сақланиб қолади.

Эр қорага бир қара иборасида эр қора бирикмаси "кучли ботир", "паҳлавон" маъносини билдиради ва ота-онанинг боласининг кучли, ботир, эл-юрт ҳимоячиси бўлиб етишиши орзусини ифодалайди.

Айман

Қурама воҳасида болалар ва катталарга нисбатан "аймандай бўлиб қолма" ибораси ишлатилади. Бу сўз туркий тиллар ва ўзбек тилида "қўрқмоқ, ваҳимага тушмоқ, журъатсиз бўлмоқ, уялиб қолмоқ, бош тортмоқ, ўзини ноқулай сезмоқ, виждони олдида уялмоқ" каби кўплаб маъноларни билдиради. Демак, бу ибора ҳам инсонларни тўғрилиқ, ҳалоллик, мардлик ва жасурлик руҳида тарбиялаш мақсадида аниқ хислатларни чоғиштириш, ўхшатиш, таққослаш йўли билан амалга оширишда - қадр-қиммат, ғурур ва ориятни сақлаш учун қўлланилган.

"Йўл бўлсин" - "оларға"

Қурама воҳасида мурожаат шакллари ҳам ўзига хос бир тарз ва шаклларда амал қилади. Йўловчига қарата йўлда турган одам "Йўл бўлсин" деб мурожаат қилади. Улов устидаги одам "оларға" деб жавоб беради ва бу билан сафардан қутилаётган мақсад ва унинг натижасини англатган бўлади.

¹Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент, 1971, 316-бет.

"Чучкуринг"

Бирор кишининг уйига келган одамга уй эгаси "нега келдинг", "нима мақсадинг бор?" деб савол бериш ноқулай ва қўпол мурожаат бўлишини англаган ҳолда "чучкуринг" ("акса уринг") деб мурожаат қилади. Келиш мақсадини айтилмай, ийманиб турган одамга бу мурожаат куч-қувват бағишлайди, ўртадаги ноқулайликни йўқ қилиб, алоқа, муомала ўрнатиш учун қулай вазиятни юзага келтиради ва келган одам нима мақсадда келганлигини тортинмай қўнглида борини тўкиб солади ва уй эгасининг, ёрдам берувчининг меҳри ва саховатини ийдириш (ийдириш- қўнглини юмшатмоқ) учун бор махоратини ишга солади.

Чўнжор

Курама воҳасида одам ва унинг тавсифи билан боғлиқ сўзлар ҳам анчагина миқдорни ташкил этади: чўнжор сўзи "ботир, паҳлавон, қўрқмас, ёқимтой" каби маъноларда болаларга мурожаат (эркалаш) маъносида (чўнжарим) ишлатилади.

"Чуру-чуру"

"Чуру-чуру" одатда эчкини чақириш учун қўлланиладиган сўз. Тўй ва маросимда товоқ, коса етишмай қолиб, бирор киши ўртада қолса, одатда овқат икки кишига (иковора) берилади, икки ёндаги одамнинг коса-товоғидан овқат (шўрва) оладиган (ичадиган) одамга нисбатан "чуру-чуру", яъни икки томонга қарайдиган, англайдиган одамга нисбатан ишлатиладиган сўз бўлиб қолган.

Одам ва унинг хислатлари

Одамларга нисбатан салбий баҳо англатувчи ва ўша одамнинг табиати ва хислатини билдирувчи бир қанча сўзлар ҳам бор: ангит (пойлоқчи, жосус, Қадимги туркий ангчи - тингловчи, яширин пойлаб эшитувчи; қулоқ); гүпийма, понг ("ўпкаси йўқ, ҳовлиқма"); қапатай (яхшиликни билмайдиган, нонқўр); қиянқи (бўлар-бўлмасга жаражат кўтарадиган, қилдан қийиқ-қидирадиган); түюк (гапга тушунмайдиган); эсер (эси паст); долбос (босар-тусарини билмайдиган); воловод (аҳмоқ); ачал (кучсиз); жиписки (яширинча иш тутудиган, писмиқ); жемтик (текинхўр); жилимик (субутсиз, мулойим супурги); хўшшекчи (гап ташийдиган); кўккутан (ёмонликка муккасидан кетган); очорбоқ (оч арвоқ, тўймайдиган); қулман қудуқ (очкўз, тўймайдиган); аймоқи (ёш, ўрин, ҳурматни назарда тутмай ҳазиллашадиган); қизелек (қизларга ўхшаб қолган ўғил бола); лабек (пастки лаби осил-

ган одам); шов-шов одам-хотин (қўл ва мазмун-мақсадсиз гапирадиган); кайизюк - бош кепаги "перхоть"; қалақ - бурун ичида қотиб қолган бўлакчалар (мурунбўқи-бурунбўқи); шунгүрмоқ - бурун қоқмоқ; шунгүрик - бурун суви каби сўзлар.

Касаллиги, совуқ мижози авж олган одамга нисбатан "қасаллиги, совуқлиги ошқиниб кетибди" ибораси ишлатилади. Тўбелашмоқ эса "муштлашмоқ" бўлса, ўрчил-ўрлашмоқ "ён бермай баҳслашувчи, баҳслашмоқ" маъносида келади, жентигиш бермаслик (енгиш бермаслик) эса баҳс-мунозарада енгилмаслик учун астойдил ҳаракат қилиш маъносини англатади. Уқувсиз одамга нисбатан ийкими йўқ ибораси ишлатилади, менчикламоқ ўзиники қилиб олмоқ; тўмпиймоқ -хафа бўлмоқ, тўнини тескари кийиб олмоқ; иттирқин - ҳар томонга тартибсиз сочилиб кетмоқ; эсиркамоқ -аямоқ; овзи кўвмоқ - оғиз бўшлиғининг қуриши; гўйшемоқ - (ҳайвон ва одамга нисбатан) бир текисда чайнамоқ, ковш қайтармоқ; ойпоп емоқ - овқатни олди-кетига қарамай оғизни тўлдириб суқтойларча ейиш; кўлангаёқ - оёқ кийими (этик)ни пайтавасиз киймоқ; чункиллашиб - оила аъзоларининг дастурхон атрофида аҳил ва иноқ бўлиб гаплашиб ўтириши ва бошқалар. Илкис- қўл ва оёқда чиққан жойнинг тез-тез чиқиб "ўйноқи бўлиб" қолиши; алакан-кифт; бўрбой - тақим; бақай - суяк, болдир суяги "кость, малая берцовая кость"; бошқа шевалар (Урганч, Хива, Қўшқўпир, Хонқа, Хўжайли) да поча, ҳайвон почаси, оёқнинг пастки қисми, тўпиқ "шиколотка" каби маъноларни билдиради¹.

- кўкс, кўкрак, кўнгил, қалб маъноларида келади ва кўкайинг кесилсин қарғишида сақланиб қолган, "охиратнинг куйсин, йўқ бўлгин" маъноларини беради ("йўқ бўл"-қадимда ўлмоқ, вафот этмоқ маъносини билдирган); шу маънода "кўкрагингга кўк тош кўйилсин" ибораси ҳам сақланиб қолган.

Ғалча сўзи гапини тушуниб бўлмайдиган, ғудранадиган (ғалча-қалмоқ) одамни англатади ва ўзбек шеваларида куйидаги каби маъноларда учрайди:

ғалча I (Қорамурт шевасида) -анқов "ротозей".

ғалча II (Қарноқ шевасида) - гадоё "нишый, попрашайка".

ғалча III (Хива шевасида) - пакана, митти "низкорослый, маленький, крохотный": байақрақ бир ғалча одам сизни сўраб йурвади².

¹Қаранг: Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. М., 1974, стр.240-250.

Курама воҳасида эса гапини тушуниб бўлмайдиган, тушунарсиз гапирадиган одамга нисбатан галча сўзи ишлатилади.

Озиқ - овқат, об - ҳаво, турмуш тарзи

Оқшўрно - гўшт қайнатилиб, фақат пиёз ташланадиган, солинадиган овқат қайнатма шўрва; тўрта - сариёғ куйдирилганда охирида қоладиган чўкинди, қолдик; куртава - қурт сувда эзилиб тайёрланадиган суюқлик ва бошқалар.

Галла ўсимликларидан бири - буғдой Курама-қипчоқлар тарихида фожиали вазифани ҳам бажарган. XIX асрда Қўқон хонлиги лашкари Курамага юришларидан бирида қўлга тушган аҳолини бир сойликка тўплаган ва кейинги сойликка битта-биттадан чақирган. Кейинги сойликка борган одамга буғдой доналарини кўрсатиб, бу нима деб сўрашган, агар "буғдой" деса, омон қолган, "бийдай" деса, боши қиличдан ўтказилган, чунки курама-қипчоқлар тилида буғдой "бийдай" деб айтилади. Қатағон уюштириш учун ана шу биргина сўзни айтиш кифоя қилган.

Курамаликлар тажрибасида иқлим, об-ҳаво билан боғлиқ тушунчаларнинг ғоят синчковлик ва нозик дид билан, энг асосий белгисини кўрсатган ҳолда номланганлигига гувоҳ бўламиз. Бу шу ерда яшовчи халқнинг кўп асрлик тажрибаси билан боғлиқ, албатта.

Фасллар алмашинуви, айниқса, куз тугаб қиш бошланадиган пайтларда парранда, шамол келишига қараб говурти келмок бирикмаси ишлатилади, лекин фасл алмашинувидан дарак берувчи об-ҳаво, иқлим ўзгаришлари даракчиларининг келиши бошланганлиги англашилади. Атроф-табиат об-ҳавоси исиб кетса, бирор кичик шабада (эпкиң) эсмаса, ҳаво лим бўлди ибораси келтирилади. Бувалдирик сўзи об-ҳавонинг айний бошлаши, булутланиш, туман тушиши ҳолатларини билдиради: бу манғит шевасида бувақ "булут, туман", Қоракўл шевасида бувақ "булутли ҳаво" каби ўхшаш, яқин шаклларга эга⁶

Санглоқ сўзи (сойлик, тош кўп жой) Курама шеваларида сайноқ шаклида келади. Шу билан бирга, сайноқ сўзи "кечки сайноқ қизарибди" иборасида ҳам келади. Куёш ботаётган пайтда уфқ қизарса, демак, эртага ҳаво очик бўлиб, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади.

Курамада совуқнинг ҳар хил турлари фарқланади. Чунончи, қорасовуқ (қуруқ ва қаттиқ совуқ), унинг бир тури -ушук (туманли совуқ) дарахт ва одамларга, табиатга катта зиён етказиши

мумкин. Бундай ҳолатларда ушук урибди-совуқ урибди ибораси ишлатилади. Саҳарда тушган шудринг чиқ деб номланади. Қишда совуқ бўлиб, қор ёғмасдан шамол таъсирида дарахт ва ўсимлик юпқа пар билан қопланса, сир ёғди дейилади.

Курамаликлар нутқида ингир сўзи ҳам ишлатилади. Машҳур олим, туркийшунослик фанининг асосчиси Маҳмуд Кошғарий (XI аср) ўзининг қомусий "Девону луғотит турк" асарида бу сўзга ёруғлик билан қоронғиликнинг бир-бирига аралашishi, қўшилиши, ўғузлар бунини имир дейдилар деб баҳо беради¹. Ҳақиқатан ҳам, кечки ғира-шира пайт ингир сўзига хос маъно бўлиб, бу маъно курама-шеваларида ҳозиргача сақланиб қолган.

Курама тизма тоғлари ўсимлик ва ҳайвонот дунёси (флора ва фауна) ҳам ўзига хос, такрорланмас ва жозибалидир.

Мевали ва мевасиз дарахтлардан ёввойи олма, узум, олча, итбурун (ийтмврүн), ирғай, қокшол, тўбилғи (бу дарахт новдаларидан қамчи дастаси, турли таёқлар, дасталар ясалади); равоч, татран (япроғи йирик ўсимлик), шашир ва тўлкибой (майда мол-ушоқ моллар-эчки ва қўй учун қишга шу ўсимликлар ўриб олинади), чия (бутасимон ўсимлик)-майда-майда қизил юмалоқ мевалар беради; чучмома, тўппителпак, қўзиқулоқ; фақат курамада махсус тури бўлган оқлола ва қизиллола ("тюльпан"); қўзиқорин- ташқи томони қўзи қорни терисига ўхшаш юмшоқ, ғадир-будур; девонателпак- "грибы" маъносида.

Адрасмон (ҳазораспон)- исириқ халқ табобатида кенг ишлатилади; унинг тутуни инсу жинс, касалликларни ҳайдайди деган; тушунча унинг тозаловчи вазифаси билан боғлиқ.

Қадимдан қишлоқ, маҳалла молини боқувчи, ҳар куни эрта билан (эртаметан) молларни санаб олиб, кечқурун уларни зиён етказмай эгаларига топширадиган шахс-полачи ҳурматли одам бўлган. У қишлоқ аҳлига қарата шундай деган бўлиши мумкин: "мен ҳар куни иссиқ демай, совуқ демай молларингизга қарайман. Уларни тайпан (ўру қир)лардан, иллийга, тўменга (пастки жойга), кўғаламайлонга (кўкаламзор жойга), машоқ билан тўла бийдай (бепоён) далага, сўқмоқ ва жоғалов (ёқалаб борадиган йўллар) орқали олиб бораман, чўқанаққа (чўқурга) тушиб қолса, олиб чиқаман. Тўл туширса (болаласа) иссиқ чопонимга ўрайман, қишда чағалбет ва бетқай (қишда ҳам қуёш тегадиган

¹Қаранг: Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент, 1971, 41-42-бет.

²Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент, 1971, 72-бет.

жойлар)да, ёзда терскай (қуёш кам тушадиган томон)да боқаман. Молни эрта саҳарда олиб келинг, жой (кечроқ) олиб келманг, тўйқусдан (тўсатдан) бўри- шоқол, чиябўри учраса, итларимдан омон қолмайди. Оғзингиз увузга, қағанаққа (янги туққан мол сутидан тайёрланган овқат), кандикларингиз (кандик-уйда ғалла солиш учун тайёрланган махсус жой) бугдойга тўлсин". Чўпоннинг бу сўзлари унинг қишлоқдошларига, албатта, таъсир ўтказган. Чўпон кечқурун моли бор ҳар уйга келиб "Ошолон" деб мурожаат қилган. Ошолон-бу чўпон (подачи) учун бериладиган ҳар кунлик ҳақ бўлиб, мол эгаси унинг розилигини олишга, яхши ҳақ ва таомлар беришга ҳаракат қилган.

Чорвачилик ва деҳқончилик, ҳунармандчилик бу воҳада ҳам бир-бирини тўлдириб келган. Тўйга айтилса, тўйга айтувчи "мана шу одамникига-отини айтиб-жоппасига (ёппасига) тўйга, жоппасига тўйга" деб баланд овоз билан айтиб (чорлаб) чиқади. Одамлар жовлик (бир тўда) бўлиб, ўз оқсоқоллари билан биргаликда тўйга келишган. Ҳар ким кучи етганича қўшма берган. Тўйга узоқ-яқиндан меҳмонлар кўп келса, "О, бу тўйга сатте (нуқул) обрўили (обрўли) одамлар келди, болалар сибизғи (карнайга ўхшаш болалар ўйинчоғи), қизлар чоғговуз чалди, кураш, улоқ (кўкмар-кўпқари) бўлди, бахшилар четер (чертар) чалиб, дoston айтди",-деб мақтаб кетганлар.

Бошқаси эса "тўйда сер солиб турдим (кузатиб турдим), йантешик (ларча) дан овқат урланмади (ўғирланмади). Биров курдошини, биров ўртоғини эотиб (эргаштириб) келди, одам оёғи бир овуккача (бир вақтгача) сепсимади (камаймади), топганига барака берсин, хотинларига бой (эр) бўлиб юрсин",-деб олқишлаган.

Қурамада, умуман, ўзбек халқ шеваларида қўл бармоқларининг аталиши ҳам инсон онгида борлиқнинг турли даражада акс этиши, бу жараёнда ўхшатиш, чоғиштириш каби усулларнинг муҳим ўрни борлигидан далолат беради, бошбармоқ товуш ўзгаришлари билан бошмалдақ шаклида ишлатилади. Кўрсаткич бармоқ Андижон шеvasида ўгриқўл деб аталса, Сайрамда барамалтақ дейилади, Сайрам шеvasида ўрта қўл (бармоқ) ўрма терак деб номланган ("Ўзбек халқ шевалари луғати", 200, 202-бет). Тошкент шеvasида эса кўрсаткич бармоқ, қорамалдоқ, қарамалдо кўринишида ишлатилади.

⁴Ўша манба, 56-бет.

⁵Изоҳлар учун қаранг: Каримов А., Мирзақулов Т. Ўзбек тилшунослиги тарихи, I қисм, Хўжанд, 1996, 9-бет.

Ўзбек халқ шеваларида, айниқса, кичик бармоқ хилма-хил номлар билан аталади: синчалақ (Андижон шевасида), чилди-чибак (Урганч), чилайча, чимчалақ, чинақай (Наманган), чина-чақ (Андижон), чинатоғ (Қашқадарё), Менинг ёрим хатлар ёзар кичкина бармоқи билан (Хоразм), чичала (Ҳазорасп), бўбак (баъзи шеваларда олти ойгача бўлган чақалоқ бўбак, бўвак, бўбек дейилади), кичкина бавак (Сайрам), кичкина бўбай (Тошкент), Қурама шеваларида чиначиқ, чинақай. (Сайрам), кичкина бўбай (Тошкент), Бу ўринларда кичкина бармоқ инсонларнинг ёш фарқига (кичик-катта) кўра номланганини сезиш қийин эмас. Кичик ва ўрта бармоқ орасидаги бармоқ отсиз (номсиз) деб ҳам юритилади.

Умуман олганда, Қурама воҳаси аҳолисининг ижтимоий-фалсафий, иқтисодий-маданий қадриятларини умуммиллий қадриятларимизнинг таркибий қисми сифатида ўрганиш миллий истиқлол ғоясининг теран илдишларга эгаллигини, аждоқларимизнинг эзгулик ва яхшилик тантанаси учун курашганликларини кенг кўламда кўрсатишга хизмат қилади. Бу борада Олмалиқ шаҳрининг энг қадимги даврлардан то шу кунгача бўлган тарихини қамраб олувчи энциклопедия (қомус) яратиш муҳим вазифа ҳисобланади.

5. "ОЛМАЛИҚ" ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИНИ ЯРАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ҲАҚИДА

Олмалиқ минтақаси, хусусан, Олмалиқ шаҳрининг ҳозирги тараққиёт даражаси, бошқарув ва ишлаб чиқариш соҳасида юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги, кон - металлургия ва химия sanoati масалалари, ижтимоий - гуманитар фанлар бўйича етук олимлар ва мутахассисларнинг шаҳар ташкилотларида иш олиб бораётганлиги "Олмалиқ" энциклопедиясини замонавий талаблар асосида яратиш имконини беради.

Энциклопедияда мақолалар алифбо тартибида берилади ва шаҳарнинг энг қадимги даврлардан то шу кунгача бўлган ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланиш тарихини қамраб олади. Унда шаҳарнинг умумий қиёфаси Ватан тарихи - Ўзбекистон тарихи билан зич боғлиқликда, Марказий Осиё ва жаҳон цивилизацияси тарихий тараққиётининг узвий қисми сифатида ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятлар ривож доирасида ўзифодасини топади.

Энциклопедиядан шаҳарнинг ижтимоий - тарихий, иқтисодий ва маданий тараққиёти тарихи билан бирга шаҳар ва республика ривожига улкан ҳисса қўшган ишлаб чиқариш қаҳрамонлари, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларнинг ходимлари - арбоблари таржимаи ҳолларига бағишланган луғат мақолалари ҳам ўрин олади. Қомусга нафақат республикада, балки ундан ташқарида ишлаган ва ишлаётган Олмалиқ шаҳрининг таниқли шахслари ҳаёти ва фаолиятига доир мақолалар ҳам киритилади.

Энциклопедия тарихий ютуқлар билан бирга шаҳар фаолиятининг ҳозирги ҳолати ҳамда тараққиётнинг устувор йўналишларини акс эттириши лозим. Умумий тамойил шуки, луғат мақолалари йирик масалаларни қамраб олиши керак, бунда турни англатувчи тушунчалар умумни англатувчи тушунчалар қамровига киритилади, натижада хусусий тушунча ва муаммоларни билдирувчи тушунчаларни нисбатан кенг доирада тавсифлаш имкони туғилади.

Энциклопедия умумий - илмий методологик концепцияга эга бўлиши билан бирга, тузувчиларнинг айрим қизиқиш соҳаларига доир фикрларини ҳам рад этмайди. Бу фикрларнинг фан ва ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан истиқболли ва фойдали бўлиши мумкинлиги ҳам эътиборга олинади.

"Олмалиқ" энциклопедиясининг яратилиши ва нашр этилиши шаҳар аҳолиси, илм - маърифат, умуман, зиёлиларнинг катта ютуғи ҳисобланиши табиий, чунки шаҳар тарихининг яратилиши аجدодларга ҳурмат бўлиши билан бирга, аҳолида, айниқса, ёш авлодда ўз шаҳри билан фахрланиш туйғусини ўстиришда катта аҳамиятга эга бўлади.

АСОСИИ ҚИСМ БИРИНЧИ БЎЛИМ

I. ИЛОҚ ДАВЛАТИ ҲАҚИДА

Илоқ давлати ўзбек давлатчилиги тажрибасида бошқарув тизимининг мукамаллиги билан алоҳида ўринда туради. Бу давлат ва унинг номи милоддан аввалги V асрдан бошлаб милоднинг XIV асригача учрайди. Шунингдек, давлат жойлашган дарё ва унинг ҳавзаси XIII аср бошларига қадар Илоқ деб аталган (кейинчалик Оҳангарон дарёси деб аталган).

Қурама воҳаси, жумладан, Оҳангарон водийси халқларининг энг қадимги даврлардан мўғул истилосига қадар бўлган кечмиши филология фанлари доктори, профессор, Тошкент вилоят педагогика институти ўзбек филологияси факультети декани Исомиддин Ёрматовнинг "Илоқ тарихи" (Тошкент, 2005 йил) китобида мукамал ёритилган. Бу водийда энг қадимги даврлардан бошлаб ибтидий жамоа кишиларининг манзилгоҳлари бўлган. Биргина Киндиктепада - Оҳангарон дарёсининг ҳозирги Туябўғиз сув омборига қуйилиш жойидаги қадимий шаҳарчада устки қисми бронза ва илк темир даврига, қуйи қисми эса 20-30 минг йил аввал яшаган одамлар турмушига оид маданий қатламлар мавжуд. Олим етарли далиллар асосида водийнинг турли жойларидан топилган археологик топилмалар "Тошкент воҳаси аҳолисининг илк темир давридан бошланган монголоид қиёфаси айниқса қовунчи даврига келиб ниҳоятда кучайган", - деган хулосага қўшилади. Воҳа аҳолиси, бир томондан, чорвачилик, иккинчи томондан, деҳқончилик маданиятини қадимги даврлардан - уруғчилик жамиятини қуришга киришаётган даврлардан эгаллаб борган. Муаллиф воҳа ва водий тарихини Ўзбекистон ҳамда ёндош минтақалар, жаҳон тарихи ва цивилизациясининг узвий бир қисми сифатида тадқиқ этганлиги таҳсинга сазовордир, чунки тарихни ўрганишнинг асосий мезонларидан бири воқеа ва ҳодисаларга тўғри, эҳтиросларга берилмай ҳолисона баҳо бериш ҳисобланади.

Илоқ қадимдан деҳқончилик ва кончилик минтақаси бўлиб, ҳукмдорлари "Илоқ деҳқонлари" унвони билан юритилган. Аҳолиси жантоварлиги ва эркесварлиги билан машҳурдир. X аср охир-

ларида Қорахонийлар таркибига кирган. Мўғуллар истилосидан сўнг Илоқ ерлари жалойирлар қабиласи тасарруфига ўтган.

Илоқ пойтахти Тункентда давлат зарбхонаси бўлиб, маҳаллий муомала учун мисдан, умумдавлат хазинаси учун эса қимматбаҳо металллардан танга пуллар тайёрланган. Кўплаб қумуш дирҳамлар ҳам зарб этилган. Тангаларда соф қумушнинг кўплиги сабабидан, жаҳоннинг турли минтақалари, жумладан, Швеция ва Норвегиядан тортиб Арманистонгача бўлган ҳудудда Илоқ тангалари хазиналари топилган.

Шарқ географлари томонидан жаҳондаги энг машҳур конлардан бири деб номланган Кўҳисим (Қумуштоғ) Нишбошсой юқорисида жойлашган бўлиб, Лашкарак (Лашкерек) конига тўғри келади.

Илоқ конларида тарихда 2.5 млн м.куб.дан ортиқ қазилма ишлари ўтказилган, шундан 50 % қумуш, 25 % олтин олиш учун қазилган. Олтин конлари Қизилолма, Кўчбулоқ, Оқтурпоқ, Сартабуткон, феруза конлари - Унгуриликон, Оқтурпоқ, Ферузакон, қумуш ва ноёб металл конлари - Конимансур, Қоратошқўтон, Консой ва бошқалар бўлган. Бу ерлардан жез давридан бошлаб мис, қўрғошин, қалай, жавоҳирлар, бўёқ ҳамда чинни тайёрлаш учун ишла-тиладиган гил ҳам олинган.

Илоқ конлари ҳаётида VI ва VII аср ҳамда X-XIII аср юксалиши йиллари бўлган. Маъданларни катта ҳажм ва миқёсда қазиб олиш ишлари йўлга қўйилган. Доимий ишчи кучи ёрдамида, бунда болалар меҳнатидан ҳам фойдаланилган, "кўчма металлургия" билан бирга, бир неча конлар яқинида (Қаттасой эритиш печи), шаҳарлар ва манзилгоҳлар (Тункент, Тўқкент, Тошбулоқ)да доимий эритиш печлари тўхтовсиз ишлаб турган.

Шу ўринда қадимда кон ишлари қандай йўл ва усуллар билан олиб борилган деган савол туғилади. Маъданларни излаш очиқ усулда ҳамда чуқур (унгур) - шурфлар ўйиш йўли билан олиб борилган.

Қазилма ишларида маъданлар изидан бориш - "темир кетидан қувиш" усулидан кенг фойдаланилган. Конлар очиқ конлар (карьер), ўйма конлар (камера), шахталар ҳамда унгурилар турларига бўлинади. Маъдан қазувчининг қуйидагича қуроллари: темир ва ёғоч поналар, турли чўкичлар, болғалар, кураклар, омбур, қисқичлар кабилардир. Қаттиқ тошлардан иборат ерлардан ўтиш учун ўт (олов) ҳамда сувдан фойдаланилган.

Чотқол - Қурама тоғларида 6 та ёғочдан ва 1 темирдан ясалган чархпалак (чиғир) лар топилган. Айниқса, Конжўл конида ўрна-

тилган чигир жуда чуқур жойдан маъдан тортиб олиш учун ишлатилган. Марказлашган бойитиш жойларида маъданларни майдалаш, бойитиш, ажратиш олиш жараёнлари ўша давр бўйича юксак технология талабларига жавоб берар эди.

Ёпиқ конлар - шахталардан сувни хайдаб чиқариш учун ёнлама сув йўллари (канана) ҳамда қувурлар ўрнатилган, кориз усулидан фойдаланилган. Шахталарни тоза ҳаво билан таъминловчи ҳаво йўллари ҳам назардан четда қолмаган. Хавфсизликни таъминлаш учун қаттиқ ёғоч ва тошлардан шахта деворлари мустаҳкамлаб борилган.

Энди Илоқ номи ҳақида. Жой номлари бўйича олим С. Қораевнинг фикрича, Оҳангарон водийси қадимдан Илоқ ёки Айлоқ деб аталиб, бу сўзлар араб ёзувида бир хил ёзилаверади. Айлоқ сўзи "Яйлоқ", яъни "ёзги яйлов" демакдир (С.Қораев. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари, Тошкент, 2005, 138-бет.)

Коншунос - мухандис Абдуллоҳхон Абдурахмонов фикрича, (қаранг: "Ҳидоят" журнали, 2005 йил, 10-сон, 28-бет), "Илоқ" сўзи арабча "ёилқ", "ёилақ", "ёалақ" сўзларидан келиб чиққан бўлиб, қимматбаҳо, дурдона, бебаҳо, қадрли, чароғон каби маъноларни англатади. "Илоқ" атамасига "қимматбаҳо бойликлар ватани", "қадрли ўлка", "чароғон ўлка" деб изоҳ бериш ҳақиқатга яқин.

Муаллифнинг ёзишича "Илоқ" атамаси олтинчи - ўнинчи асрлар орасида кенг тарқалган (ўша манба, 28-бет). Лекин Илоқ атамасининг араблар босқинига қадар ҳам кенг ишлатилганлигини ҳисобга олсак, бу сўз (жой, дарё, давлат номи)нинг туркий сўз эканлиги маълум бўлади.

Профессор И.Ёрматов ўзининг "Илоқ тарихи"(Тошкент, 2005, 43-бет) китобида шундай ёзади: "В.В.Бартольд XII асрда форс тилида ёзилган муаллифи номаълум қўлёзмадан шундай маълумотни келтиради: Туркийларнинг бобоаждоди Туркнинг Тутэл, Чигил, Барсхон ва Илоқ деган тўртта ўғли бўлган. Чигил ва Барсхон ўғуллари Иссиқкўлнинг жанубий-шарқий ҳудудларига, Илоқнинг авлодлари эса ҳозирги Оҳангарон водийсига келиб ўрнашади. Илоқ атамасининг генезиси масаласида, бизнингча, С.Қораев эмас, В.В.Бартольд ҳақ".

Имлоқ, Илоқ атамалари бир ўзакдан бўлиб, қадимги тилимизда им сўзи "яширин, сирли, бекитилган, махсус белги (пароль)" каби маъноларни англатган ва унинг бир маъноси ҳозирги тилимизда имламоқ сўзида сақланиб қолган. Илоқ атамасининг келиб чиқиши бўйича уни "сирли, бекитилган" каби маъ-

нолар билан боғлаш ҳам мумкин. Бу фикр ҳам воҳанинг маъданчилик соҳасидаги халқаро мавқеини назарда тутадиган бўлсак, ҳақиқатга яқин ҳисобланади.

Республикамизда рангли металллар ишлаб чиқариш асосан Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати маъданчилари зиммасига юклатилган, чунки Қурамотоғ бағри мис, рух, қўрғошин, олтин ва кумушга бой рудалардан иборатдир. Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида республикамиз мис, рух, олтин ва кумуш заҳиралари бўйича етакчи ўринларни эгаллаб турибди. Рангли металлларни ишлаб чиқариш, қайта эритиш учун энг аввало хом ашёларнинг кимёвий ва рационал таркибини ўрганиш, уларнинг ашё ва иссиқлик тенглигини келтириб чиқаришни билиш талаб этилади. Чунки эритиш печларини, дастгоҳларни танлаш, уларда хом ашёларни қайта ишлаш кўпроқ маъданлар таркибида жойлашган рангли металлларга боғлиқ бўлади. Қурамотоғ бағридаги Сарикчўққи ва Қалмоққир конларидаги ашёдан гашқари, бошқа узоқ юртлардан Олмалиқ мис эритиш заводига келтирилади. Уларнинг кимёвий рационал таркибини ҳисоблаш алоҳида аҳамият касб этади.

Қадимдан Ўрта Осиёнинг марказий ҳудудларидан бири бўлган Шош ва Илоқда эрамизнинг IV асридан XII асргача металл эритиш ва ундан мис, қўрғошин, олтин, кумуш ажратиб олиш айна авжига чиққан бўлиб, нафақат Шарқ мамлакатларини, балки Европа мамлакатларини ҳам рангли ва қимматбаҳо металллар билан таъминлаб турганлиги маълум. Шош ва Илоқ давлатининг пойтахти Тункентда (Оҳангарон тумани, Обиз қишлоғи) эритиш дастгоҳлари бўлган. XX аср ўрталаридан бошлаб унинг ёнгинасида жойлашган Олмалиқнинг тоғли ҳудудларида ўша қадимий конлардан рудалар қазиб олинмоқда.

Китобдан қадимий маъданчилик тарихининг анчагина ўрин олиши бежиз эмас, чунки ўтмишсиз келажак бўлмайди деганларидек, бобоқалонларимиз эритиб олган металллар кўп жиҳатлари билан мақтовга сазовор ва илмий тадқиқот ва таҳлилга лойиқдир. Чунки IV - XII асрларда олинган ва ташланма жойга чиқариб юборилган нокерак маҳсулот - "тошқол" таркибида мис бор йўғи 0,5-1,5 % гача (баъзан 2 % атрофида) бўлган бўлса, бугунги кунга келиб энг замонавий технология, асбоб ускуна ва дастгоҳлар билан таъминланган, деярли тўлиқ механизациялаштирилган ва автоматлаштирилиб, ЭХМ орқали назорат остида бораётган жараёнларда ҳам тошқол таркибида мис ўртача 0,5-1,0 % ни таш-

кил этади. Бундан маълумки, фарқ жуда кам. Фақат Тошкент вилояти ҳудудидаги рангли ва қимматбаҳо металлари мавжуд қадимий маъданчиликдан қолган тошқол ва иккиламчи маҳсулотларни ҳисобга оладиган бўлсак, улар бир неча миллион тоннани ташкил қилади. Ўтказилган қўп йиллик илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, келажакда барча қадимий маъданчилик қолдиқлари, улардан чиққан тошқол ва ярим маҳсулотлар таснифланиб таркибидаги металлларга қараб навларга бўлинади, кейин гидрометаллургия (чунки рангли металллар асосан кислоталарда эрийдиган, оксид ҳолида бўлади) ёки пирометаллургия усули билан бугунги кунда ишлаб турган техника орқали кварцли руда таркибига аралаштирилиб, қайта ишлатилиши ва қўшимча рангли қимматбаҳо металллар олиниши мумкин.

Энг замонавий жараёнлар орқали мис эритиб олаётган, дунёда етакчи ўринларни эгаллаб турган Чили, Хитой, АҚШ, Япония, Россия мамлакатлари заводларида ҳозирги кунда яллиғ қайтарувчи эритиш печлари ҳануз ишлаб келмоқда. Бу эритиш печи зиммасига дунёдаги олинаётган барча миснинг 40%дан ортиғи тўғри келади. Олмалиқ мис эритиш заводида ҳам битта яллиғ қайтарувчи печ, битта кислородли-машъалли эритиш печи ишлаб турибди. Олмалиқ тоғ - металлургия комбинати (ОТМК) технологияси иш жиҳатдан бошқа мис эритиш заводларидан ажралиб туради. Кислородли-машъалли эритиш печи бугунги кунда дунёдаги корхоналардан саккизта (яна иккита автоген печ қурилиш арафасида) заводда ишга туширилган, бироқ бу печ биринчилардан бўлиб Канаданинг "Коппер-Клифф" ва ОТМК-нинг мис эритиш заводларида ишга туширилган ва яхши самара бериб ишлаб келмоқда. Ҳар иккала печдан олинган штейн конвертерга, ундан олинган конвертор тошқоллари биринчи печга, яъни яллиғ қайтарувчи эритиш печига суяқ ҳолда (1200-1250°C) қуйилади. Ёпиқ занжир шаклида хомашё учала эритиш дастгоҳларида айланиб хомак мис ашёси олиш технологияси мажмуини ташкил этади.

Ҳар иккала печ тўғрисида қўлланмада зарур даражада, баътафсил маълумот берилган. Бугунги кунда дунё олимлари Япониянинг "Онахама" ва "Наосима", Канаданинг "Тимминс" заводларида ишлаб келаётган "Мицубиси", "Норанда" финларнинг "Оутокумпу" агрегат мажмуига ва Собик Иттифоқда ишлаб чиқарилган (Россия) "Ванюков жараёни"га юқори баҳо бермоқда. Юқорида қайд этилган жараёнларнинг нисбий солиштирама унум-

дорлиги, автогенлиги ва бошқа бир қанча техник - иқтисодий кўрсаткичлари шундан далолат берадики, XX аср охирларида жорий қилинган ушбу эритиш дастгоҳлари мукамал печлар сарасига кирази. Россия ва Қозоғистон мис эритиш заводларида яхши кўрсаткичлар билан ишлаб келаётган "Ванюков жараёни" ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдилар. Айнан ҳисоб, ашё ва иссиқ тенгликларини келтириб чиқариш ва бошқа эритиш печларидан фарқ қилгани учун ҳам "Ванюков жараёни" ўзининг афзаллиги билан ажралиб туради.

2. МАРКАЗИИ ОСИЁ МАЪДАНЧИЛИГИ

2.1. Қадимий давр маъданчилиги

Ўтказилган археологик текширув ва илмий тадқиқот ишлари натижалари металл ишлаб чиқариш қадимги тош асри охирлариданоқ бошланган, деб тахмин қилишга имкон беради. Аслини олганда, фойдали қазилмалардан чақмоқ тош ва бошқа қаттиқ минераллар тош асрида ажлодларимизнинг қурол-асбоблар ясашидаги илк хомашёси ҳисобланган. Кўлбулоқ манзили қарийб 20 йил ўрганилиб, мингларча нусхаларда тош қурол намуналари топилганлиги Олмалиқ минтақасининг қадимги маданият ўчоқларидан бири эканлигини кўрсатади.

Я.Ғ. Фуломов, М.Р. Қосимов, О.М. Ростовцев, М.А. Асқаровларнинг бу соҳадаги илмий тадқиқотлари, айниқса, диққатга сазовордир.

Металларни, айниқса, олтин ва кумуш каби ноёб қазилмаларни излаб топиш ва ишлатиш эрамиздан олдинги XX-XIX асрларга тўғри келади. Қадимги Урарту мамлакатаида металл ишлаб чиқариш эрамиздан олдинги XX асрдан бошланган, деб ҳисобланади. Қадимги ёзма манбаалар муаллифлари Геродот, Страбон Европа мамлакатлари маъданчилигидан хабар бериб, Ўрта Осиёга ҳам алоҳида урғу бериб ўтадилар, жумладан, Страбон ўз асарларида Ўрта Осиё халқлари ва айниқса Жайхун ва Сайхун (Амударё ва Сирдарё) бўйларида яшовчи халқлар олтин ва кумушнинг мўллигидан от-уловларининг барча асбоб-анжомлари, эгаржабдуқ, узанги ва юганларида темир ўрнига ҳам олтин ишлатганлар, деб ёзади.

Илк Ўрта асрларга оид қон қолдиқлари ва металл эритиш ман-

зиллари, айниқса охирги пайтларда кўплаб топилди. Бу даврга келиб кон топиш, уни қазииш ва металл эритиб олиш бирмунча тараққий этган. Металл олиш ва эритишнинг VI-VII асрларга оид намуналари Тункент (Олмалиқ жамоа ҳўжалигидаги Обиз қишлоғи ўрни), Бухоро, Тошкент, Фарғона вилоятлари тоғларида аниқланиб бир-бирига ўхшаш металл эритиш печларининг ишлаш тамойиллари ва тузилиши ўрганилди. Илк ўрта VII- VIII асрларга оид печларнинг бир гуруҳи Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Бошқубов ёки Бошчибўғ манзилида топилиб, Ю.Ф. Буряков томонидан тавсифланган. Олмалиқ минтақасининг Оқтурпоқ яқинидаги сочма олтин конларидан олтин VII асрдан то XII асргача турли ҳажмда гоҳ тўхтаб, гоҳ узлуксиз қазиб олинган, деб тахмин қилинади. Шунн қайд этиш керакки, кончилик, маъданчилик, металл эритиб олиш, қимматбаҳо тошларни топиш, уларни ишлатиш тарихини ёритишга келганда барча муаллифлар Фарғона, Шош ва Илоқ минтақасига алоҳида эътибор берганлар. Жумладан, араб солномачилари ўрта Осиёдаги энг кўп кумуш конларини инобатга олиб ёзишганда, албатта, Илоқдаги Курама тизма тоғининг каттагина қисмини "Кўхи Сим", яъни "Кумуш тоғи" дея алоҳида қайд этганлар. ўша солномачиларнинг кўрсатишларча, Шош ва Илоқ вилоятининг ўн саккизтадан то элликтагача катта - кичик шаҳарлари бўлиб, булардан қарийб ўнга яқинида металл эритиб олинган. Бу пайтга келиб печлар минорали шаклда оловбардош, ўтга чидамли пишган гиштлардан терилган бўлиб, унумдорлиги ҳам анча юқори бўлган. Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих ва археология институти олимлари, Ўзбекистон Миллий Университети (ЎЗМУ), Ўзбекистон маданиятшунослик институти ходимлари томонидан бу соҳада бирмунча мукамал тадқиқотлар яратилди. М.Н.Бурнованинг фикрича, I-II асрга келиб, ўрта Осиёда фойдали қазилмалардан фойдаланиш ўзининг энг юқори қаторига кўтарилган.

Рангли металлар ҳақида Абу Райҳон Беруний шундай маълумотлар келтирадики, уларга қараб ўрта асрларда юртимизда нодир ва рангли металлар анча такомиллашган технологик жараён билан олинганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, симобнинг жавҳарлари, яъни киноварь каби минераллари қимматбаҳо тошлар сифатида ишлатилган бўлса, уни паст ҳароратда эритиб, суюқ симоб, олтин ва кумуш олишнинг амальгамация усули қўлланилиши батафсил айтилади.

ўрта Осиёда металлар табобатда ҳам ишлатилган. Майдаланган металл ва сочма қум тошлар ичидаги олтин ва кумуш заррачалари

символ томчилари орасига тез ютилиб, амалда у билан суюқ аралашма ҳосил қилиши ва шу йўсинда уларни тош жинсларидан ажратиб олиш мумкинлиги атрофлича ёритилган.

Ўрта Осиёда кенг миқёсда топиладиган ва олинадиган металллардан бири олтиндир. Берунийнинг ёзишича, уни туркийлар - олтин, араблар - захаб, румийлар - харзус, сурияликлар - дахаба, ҳиндистонликлар - сувари деб атаганлар. Шундан сўнг Беруний дунёнинг бир қанча минтақа ва давлатларидаги олтин конлари ҳақида маълумотлар келтириб, унинг Миср, Қандаҳор, Сурия, Хуталлон каби мамлакатларда қўплигини таъкидлаб ўтади.

Кумуш метали ўз хусусияти билан олтиндан кейинги ўринни эгаллайди. Уни туркийлар - кумуш, форсийлар - сим, румийлар - аргидос, араблар - сима дейдилар. Кумуш ҳам асосан олтин олиш жараёнлари туфайли олиними келтирилади. Қадимдан зебу зийнат, танга пуллар тайёрлашда олтин ва кумушдан ўтадиган металл бўлмаслиги маълум бўлган.

Мис метали араблар тилида нухас, румийлар тилида халкос деб юритилган. Мис метали, асосан, Ироқ ва Хуросонда қазиб олинган ва эритилиб, мисгарлик буюмлари - мис, кўза, офтоба, човгун, мисқозон, челақ, тақинчоқлар, қўпғироқчалар, туморлар, сандиқчалар, ва эшик халқалари ясашда ишлатилган. Ўрта асрга келиб мис буюмлари сопол буюмларни турмуш ҳўжалигида ишлатишдан аста - секин сиқиб чиқарган. Шу боис, мис конлари кенг миқёсда ковланиб, рудалар бойиштириб, эритиб олина бошланган.

2. 2. Кўҳна илоқда мис маъданчилиги

Олимлар Ўрта Осиёдаги конлардан фойдаланиш энеолит даврининг қуйи қисмларидан бошланган деб тахмин қиладилар. Бронза даври билан антик даврларда мис буюмлари ва мис тангаларига бўлган талаб бу маъданни кўп миқдорда топиш ва уни эритишга асосий сабаб бўлган. Мис конлари ва металл эритиш ўчоқлари Ўрта Осиёда кўплаб топилган. Булар Навкат, Лянкан, Туямўйин, Фарғона, Шарқий ва Жанубий Қорамозор, Адрасмон, Консой, Чорухдайрон ва бошқалардир.

Олмалиқ мавзесида Олтинтопкан, Учқатли, Мискон, Қалмоққир, Сарикчўққи, Сарлоғон, Оқтош ва бошқа катта - кичик маъданли маконларни санаб ўтсак арзийди.

Шимолий Қорамозор конлари, Чирчиқнинг юқори қисмидаги конлар, Туркманистонда Говурдоқ мис қумтошлари ва

Кўҳитанг кон ҳавзалари, Зарабулоқ ва Зиёвуддин тоғларидаги мисконлари - "Тўртмискон" ва "Каттамискон" конлари шулар жумласидандир. Нурота тоғларидаги конлар ҳам Ўрта Осиёнинг йирик конларидан ҳисобланган.

Шош, Илоқ конлари Ўрта асрда Мовароуннаҳр ҳудудидаги давлатларнинг асосий конлари бўлган. Шу боисдан, бу ўлкада қадимги кон ва металл эритиш манзиллари кўплаб топилган ва ўрганилган. Чақмоқсой - Чотқолсойнинг ирмоғи бўйида мис - тошқол уюмлари 1913 йилда топилганлиги археологлар томонидан қайд этилган.

Чотқол ирмоғи бўлмиш Қорақумда олтин, мис, кумуш қазиб олинган кон излари аниқланган. Алам довонида ҳам тошқол уюми кўплаб тўпланиб қолган. Чотқолнинг сўл ирмоғи кон яйловларида қадимги кончилик излари мавжуд. Чотқолнинг Мингтухум ирмоғида ҳам қадимги тошқоллар ўрни аниқланган. Чотқолнинг сўл ирмоғи Оқбулоқ бўйида тошқоллар уюми 1934 йилда аниқланган. Ўлчамдарё қирғоғида Хумсон қишлоғидан 20 км юқорида 1912 йилда мис тошқоллари топилган. Ўлчам бўйлаб Хўжанд қишлоғидан 1,3 км ва Хумсондан 6 км масофа узоқликда Қадимги кон аниқланган. Қариқулсой бўйида мис, маъдан бойитиш манзили топилган. Унинг умумий майдони 100х100 м. Ундан юқорида эса кон ўйиқлари белгиланган. Тошкент вилояти Паркент туманига қарашли Невич қишлоғида 2 гектарга яқин жой маъдан эритиш тошлоқлари билан ястаниб ётибди. Бу жой полиметалл маъдан эритиш тошлоқлари манзили дея тахмин қилинмоқда. Шовғозсой, Оҳангарон дарёсининг сўл ирмоқларининг юқори қисмида катта майдонда металл қолдиғи топилган ва у деярли тўлиқ ўрганилган.

Ўрғоз, Совуқбулоқ ва Қизота сойлари юқорисида Ўрғоз - Қоратош (Оҳангарон тумани Олмалиқ ж.х ҳудудида) қалъаси қолдиғи баҳайбат девор шаклида сақланган. Бу қалъа атрофидаги олти жойда кон ўйиқлари аниқланган. Ўрғозсой тошлоқлари асосан темир, мис ва қўрғошин эритиб олинганидан дарак беради. Мискон тоғи ён бағридаги Қоратепадан ҳам бир қанча кон ўйиқлари мавжудлиги геологлар томонидан ўрганилган. Ю.Ф. Буряковнинг ёзишича, кон ер ости хандақлари кенглиги 1-3 метр ва баландлиги 0,9-1 метр бўлган. Бу жойлардан О.П. Маджи томонидан алоҳида мис тангалари йиғиб олинган. У Фарғонада 1010 йилда Насрбек Али томонидан зарб қилинганлиги аниқланди. Тункент (Имлоқ вилояти) шаҳар харобаларида, Б.Н. Наследовнинг ҳисобига кўра, 150 000 тонна тошқол тепаликлари сақла-

ниб қолган. Бу жойда улкан шаҳар бўлиб, у буткул Оҳангарон вилоятини ўз ичига олган Илоқ давлати пойтахти бўлиб, II асрдан то XII асрга қадар равнақ топган. Том маънода бу шаҳар Ўрта асрлардаги маъданшунослар шахридир. Шаҳар шимол ва ғарбдан Отчопар ҳамда Совуқбулоқ сойлари билан, шимоли - шарқда Оҳангарон дарё ўзани билан ва ғарбда махсус Қилча девор билан ва Хотун ариқ номли канал билан ўралган. Қарияларнинг ривоятига кўра, бу шаҳардаги барча тошлар ҳам тоғлардан келтирилмаган. Балки шаҳар бир неча бора тошотар манжанақлардан тошбўрон қилинган. Қадимий китоблар - "Ҳазрат Али ҳақида ҳикоялар" ва "Зайнол араб ва Zufунон ҳикоялари" талқинларига кўра, шаҳар зардуштий - оташпарастлар динида бўлган. Ўта ривожланган, унчалик катта жойни эгалламаган, аҳолиси жиҳатдан анча кичик бўлган Тункет аҳли кеча-кундуз рангли ва қимматбаҳо металларни эритиш бора машғул бўлган. Ривоят қилишларича, Имом Ҳусайнга отаси Ҳазрат Али лашкарлари Тункентга юриш қилиши керак эканлигини, у ердаги одамлар жуда бой яшагини, мис, олтин, кумушга бой конлари борлигини уқтиради. Солномачиларнинг ёзишича, узоқ урушдан сўнг маъданчилар шахри Тункент тошбўрон қилиниб, босиб олинади ва ислом дини жорий этилади. Бироқ, бу уруш замирида кўпроқ бойлик, тилла ва мис маъданларини қўлга киритиш мақсади бўлган.

Тарихдан шу нарса маълумки, IV-VI асрларда Шош-Илоқ турк ҳоқонлиги, X асрда Сомонийлар, XI асрда эса гоҳ Сомоний, гоҳ қорахонийлар ҳукми остида бўлган. XII асрга келиб, шаҳар иқтисодий жиҳатдан заифлашган. Бу ерга турли қабилалар ҳужуми доимо хавф солиб турган. XIII асрга келиб Чингизхон истилоси уни бутунлай вайрон қилиб юборди. Ривоят қилишларича, Чингизхон аскарлари уч ой давомида шаҳарга келадиган сув ариқлари ва озиқ-овқат йўлини бекитиб қамал қилиб турган. Аммо уч ой мобайнида ҳам шаҳарда озиқ-овқат ва сув танқислиги кузатилмаган ва аҳоли таслим бўлмаган. Шундан сўнг Чингизхон истилочилари бу шаҳарда ер ости сопол қувурлари орқали Курама тизмаси тоғларидан сув келиб турганини аниқлаб, сув йўлини бекитган. Шундан кейингина шаҳарликлар дарвозаларини очиб, душман билан мардона курашиб, ҳалок бўлганлар. Чингизхон истилочилари ҳар ерда бўлганидек, бу ерга ҳам ўт қўйиб, бор бойлигини талаб, аҳолисини нобуд қилганлар. Академик М.Е. Массон ва бошқа олимларнинг ёзишича, Тункент танга пулларини зарб қилишда Бухоро ва Самарқанддан кейин Ўрта Осиёда учинчи ўринда турган. Илоқда зарб қилинган тангалар

дунёнинг турли минтақаларигача бориб етган.

Олимларимиз Тошкент Давлат техника университети талабалари ва шогирдлари билан бирга 1996-1998 йиллари Тункент харобаларини деярли тўлиқ ўрганиб чиқдилар. 150 гектардан ортиқ ерни эгаллаб ётган Тункент харобалари, маъданчилар маскани (Рабод) ҳамда Шахристондан иборат бўлган шаҳар бўлган шаҳар қисмлари ва ундаги 7 та тошқоллар уюми таҳлил қилинди. Ҳар бир уюмдаги тошқоллар миқдори, ҳажми ва уларнинг асосан устки қатламдаги таркиби алоҳида ўрганилиб, чиқилди. 1.1-жадвалда ҳар бир уюмнинг ҳажми ва металлار миқдори берилган.

1.1-жадвал

Уюмлар	Тошқоллар, тн.	Ундаги мис, тн.	Таркибидаги металллар, кг.	
			Олтин	Кумуш
1	4309,42	72,4	0,45	849,82
2	3375,07	43,5	1,01	149,85
3	69361,54	839,3	27,75	12984,48
4	33657,50	127,9	13,46	2080,03
5	9864,80	32,6	2,96	728,02
6	11832,80	42,6	2,37	667,37
7	30603,00	171,4	6,12	1260,84
Жами	162878,80	1329,7	57,12	18720,41

Жадвалдан маълум бўлдики, тошқоллар миқдори 162878,80 тоннани ташкил қилади. Бу археологларнинг Тункент тошқоллари 150 минг тоннадан ортиқ деган тахминига мос келади. Унда мис таркиби 0,21% дан то 1,68% гача бўлиб, асосан, оксид ҳолида учрайди, чунки уларнинг йиллар, асрлар мобайнида аста - секин оксидланиши муқаррар. Олтин 0,2 г/тн дан 2 г/тнгача, кумуш эса айрим қатламларда 600 г/тн гача топилади. Тункентнинг маъдан ташландиқлари тўлиқ лойиҳалаштирилиб, илгари ишлатилган руда, тошқол, хомашё, хоммаки мис таркиби ва айрим физик-кимёвий минералогик хоссалари ҳам атрофлича ўрганилди.

Олмалиқсой бўйида, Оҳангароннинг сўл irmoғи, Қалмоққир конларидан юқорида, қадимий кончилик ўйиқлари, мис тошқоллари гўплами кўп сақланиб қолган. Худди шу пайтлари ўтказилган геология - қидирув ишлари туфайли қадимий кон

ҳандақлари ва тоиқоллари майдонини кузатиш улкан натижалар берди. 1925-26 йилларда С.Ф. Машковцев геология - қидирув ишлари натижасида катта ва кичик Қалмоққир мис конларини топди.

Халқ орасида бу ерда "Мискон" борлиги ҳақида қараш кент тарқалган, қолаверса, Мулла Мансур бобо геологлар билан илмий изланишларда мунтазам иштирок этиб, бу конларнинг тезроқ топилишига ўз ҳиссасини қўшди. 1931-1933 йилларда ҳам қадимги конлар ўрни геологлардан А.В. Королев бошчилигидаги гуруҳ томонидан ўрганилди. 1933 йилда Ф.И. Большон бу ерда жуда катта оксидланган мис кони борлигини аниқлади. Қадимги Қалмоққир, Сартабуткон, Қўрғошин конлари Ўрта Осиё ва Олмалиқ геология-қидирув экспедицияси ходимлари томонидан чуқур ўрганилди. Қалмоққирдан юқоридаги Оқтурпоқсой бўйида ҳам қадимги мис конлари ўйиқлари аниқланган. Нақпайсойнинг юқори қисмида Балтиқчи олтин-мис кони, Мискон, Совуқбулоқ, Сариқчўққи, Ковулди, Унгурликон, Тангил, Орабулоқ, Калтасой, Гулдурама, Тоған конлари қадимдан олтин ва мис металини олиш манбаи бўлган. Олмалиқ кон ҳудудининг жанубий қисмида, Чўянсойнинг ўнг қирғоғида темир эритиш майдони 1978 йилдан кузатила борилиб, ундан 1 км юқорироқда кўплаб писта кўмир тайёрлаш печларини топишга олимларимиз муваффақ бўлишган. Бу илмий изланишлар шуни кўрсатадики, агар ёқилғи тайёрлаш мумкин бўлса ҳамда шу жойда маъдан миқдори ҳам етарли бўлса, у ҳолда металл эритиб олиш печларини ясаш мақсадга лойиқ бўлиб, иқтисодий жиҳатдан самара берган. Устоз М.Асқаров бошчилигидаги ТошПИнинг Олмалиқ кон-металлургия факультети талабалари 1978 йилги кузатувлар даврида ҳам ўнга яқин тош қайлалар (металл эритиш учун печнинг ўтга чидамли сувоқлари), шамотли гиштларини топдиларки, бу қадимги мисгар ва чалангарларимизнинг ўтга чидамли минераллардан унумли фойдаланганликларидан гувоҳлик беради.

Конимансур кони қадимий Олмалиқ конлари ичида энг йирикларидан бири бўлиб, уни 1961 йилда Ю.Ф. Буряков ҳам кузатишга муваффақ бўлди. У маъдани очиқ усулда ковлаб олинган конлардандир. Майдони 40-50 метр, айрим жойда чуқурлиги 60 метрга ҳам етиб боради. Очиқ кон ўйиқлари узунлиги то 125 метргача, кенглиги 75 метр ва чуқурлиги 5 метргача боради.

Б.Н. Наследов ва А.В. Королевнинг кузатишларича, у кўп қаватли хоналардан (камералардан) иборат. Кузатувчилар у жой-

дан кўплаб қадимий кончиларнинг арчали таянчи, тукли устун каби асбоб анжомларини топишга эришдилар.

Асосий ўйиқ хоналар ўлчами 50 метрдан то 200 метр узунликкача борган. Бу жойдан олинган металл намунаси кимёвий таҳлил қилинганда, унинг таркибида 1% дан 7% гача қўрғошин, 186.5% г/тн, айрим ҳолларда 241-263 г/тн кумуш борлиги аниқланди.

Б.Н.Наследов таҳлиллари бўйича кумуш миқдори 580,632 ва ҳатто 756 г/тн гача бўлган. Кумуш айрим пайтларда 1240 г/тн ва 1370 г/тн га етган. Бу ерда топилган тош болғалар узунлиги 11 см, ўрта да даста учун бурғулаб топилган ўйиқ диаметри 2-2,5 см гача етган. Кон ўйиқларидан шимоли - гарбда маъданларни бойитиш ишлари манзили аниқланган. Бунда турли ўлчамдаги 3х4,5 ва 5,0 метрли майдончалар мавжуд бўлиб, улар металлни саралаш ва махсус ўлчамга келтириш учун ишлатилганлигини билдиради.

2.3. Мис саноатининг жаҳондаги ўрни

Ер шари харитасига назар ташлаб, унга илмий ёндашадиган бўлсак, узоқ мулоҳазага, чуқур ўйга кўмгувчи бир ҳолатга тушиш мумкин. Бугунги кунда мис металини ишлаб чиқараётган йирик мамлакатларни харитада бир-бири билан туташтириб чиқсангиз, улардаги ўхшашлик, қандайдир сирли мутаносиблик борлигига, айниқса, кимёвий таркибининг ўхшашлигига ҳайрон қоласиз. "Мисли белбоғ" зонасини ҳосил қилган бу мамлакатлар ҳақида алоҳида чуқур мулоҳазали сўз юритилади.

Бироқ ҳозирги пайтда дунёда энг ривожланиб келаётган, хом ашё манбасидан мис ишлаб чиқариш бўйича олдинги ўринларни эгаллаб турган мамлакатлар қаторига Чили, АҚШ, Япония, Россия, Хитой, Бельгия ва "мисли белбоғ" нуқталарида жойлашган Африка қитъаси, Канада ва Қозоғистон Республикасини қўшсак, ҳеч бир муболага бўлмайди. Булар орасида Япония ва Бельгия мамлакатларини ҳисобга олмаганда, бошқа барча мамлакатлар ўз юртларидаги мис ашёси манбаидан ташқари, четдан хомашё олиб келиб, қайта ишлаш ҳисобига ўз корхоналари унумдорлигини оширмоқдалар. Ривожланган мамлакатларда 60% гача олинган мис айнан иккиламчи мисли ашёлар, яъни четдан келтирилган ашёлар ҳисобига тўғри келади. Швеция ва Финляндияни эътиборга олмаганда, қолган барча Фарбий Европа заводла-

ри, асосан, ташқаридан келтирилган ашёларни қайта ишлашга мўлжалланган. Бу диёрларда асосан мис, олтингургурт бирикмаси, яъни сульфидли мис ашёси қайта ишланаётган бўлса-да, лекин биз аввал таъкидлаб ўтган "мисли белбоғ" нуқталари атрофидаги мамлакатлар ва АҚШ оксидли мис ашёларини гидрометаллургия усули билан қайта ишлаш натижасида ҳам қўшимча мис металини олмақда. Дунёда сульфидли рудаларни деярли бир хил усул билан қайта ишлаш йўлга қўйилган. Яъни:

Руда → Майдалаш → Бойитиш → Эритиш → Мис олиш

Умумий ўхшаш технология ҳисобланган: деярли бир хилли пирометаллургия усули, унчалик қимматга тушмаса-да, асосий сарф-харажатлар рудани фабрикага келтириш, майдалаш ва уни кенг қўлланилиб келаётган флотация йўли билан бойитишга кетади. Бойитиш натижасида олинган мис бойитмаси таркибида мис 10% дан 50% гача бўлади, гоҳида полиметалл штейн ёки мис - никелли фейнштейнлардан мисни никелдан ажратиб олишга тўғри келади, унинг натижасида олинган махсулот таркибидаги мис 60-70% гача бўлиши мумкин.

Дунё бўйича йилига умумий 19 млн. тн. (2009 йил ҳисобида) мис ишлаб чиқарилаётганини эътиборга олсак, текширилиб ўрганилган ва ҳозирча заҳира конларимиз камида яна 20-30 йил завод ва фабрикаларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаши мумкин. Техноген ва кондицион бўлмаган рудалар мисли ашёларини ҳам заҳиралар ҳисобига қўшсак, ҳали кўп ўрганилмаган, бироқ таркибидаги рангли металлар миқдорининг меъёрдан юқорилиги билан фарқ қилиб турган юзлаб конлар мавжудлигини эътиборга олсак, ХХI асрда давлатлар ўз корхоналарини ашё билан тўлиқ таъминлай оладилар. Дунёдаги мис конлари бор мамлакатларнинг географик жойлашиши ва уларнинг мутаносиблиги масаласида ҳали ҳеч бир олим бош қотириб кўргани ёки бу ҳақда бирор фикр билдиргани йўқ. Шунинг учун ҳам бу ҳақда ўз қараш ва ғояларимиз мавжуд. Мисли ва мис - никелли рудалар харитада ўзгача ёй ҳосил қилади. Унинг бошланиши Таймир ярим оролидан (Норильск комбинати, Россия) тортиб Кольск ярим ороли орқали Скандинавияга, ёйнинг қолган қисми эса Канада орқали ўтади. Бу конларда юқори сульфидлар кам миқдорда бўлиб, темир асосан пирротин, мис эса борнит ҳолида жойлашган.

Иккинчи ёй Югославия ўлкасида, яъни Болқон ярим оролидан ўтиб, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ўзбекистон ва Қозғис-

тон, сўнг Урал (Россия) тоғларида тугайди. Бу ерларда асосан мис халькопирит ҳолида, темир эса пирит ҳолида. Бироқ Жезқозғон (Қозоғистон) конларида рудаларнинг кимёвий таркиби бироз фарқли бўлса, айрим Урал тоғларидаги ва Шимолий Қозоғистон конларидаги мисли рудалар таркибида доимий рух элементи учраб туради. Айнан шу ёйга Кавказ (Арманистон, Россия) адирларидаги конларни киритсак бўлади.

Учинчи ёй Америка минтақаси бўйлаб шимолдан жанубга Тинч океанининг шарқий қирғоқлари бўйлаб Канада орқали АҚШ, Мексика, Перу ва Чили орқали ўтади.

Тўртинчи гуруҳга Африка орқали ўтадиган "мисли белбоғ" худудини киритсак бўлади. Бу шимолдан жанубга, Заирдан то Жанубий Африка республикаси минтақаларигача бўлган худудларни қамраб олади.

Бешинчи гуруҳга мансуб қазилма бойликлар конига асосан Мўғўлистон ва Байкал юрти фойдали қазилмалар конларидан (Удокан ва Солнечный мисли кон гуруҳлари) бошланиб то жанубий мис конларигача, ҳатто Хитой ва Филлипин тоғли конларигача бўлган жойларни қамраб олади.

Бу бешта гуруҳ, гарчи шартли равишда туюлса-да, "ёйлар" орасида қандайдир узвий боғлиқлик ва ўхшашлик мавжуд. Ер шарининг юмалоқлиги ва унинг ядроси томон илмий нуқтаи назардан мулоҳаза олиб борилса, металллар зонасининг тобора ортиб боришига, унинг томирлари эса асрлар мобайнида ер қобиғига яқин жойлашганлигига гувоҳ бўламиз.

2.4. Ўзбекистонда кончилик саноати

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов "Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида Ўзбекистондаги кончилик саноатига алоҳида тўхталиб ўтган. Табиий хом ашё ресурслари ҳақида сўз юритилар экан, Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган Ўзбекистон ўз тараққиёт истиқболлари жиҳатидан қулай географик, стратегик мавқега эга эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Юқорида қайл этилган асарда: "Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади", - дейилади. Бу ўлкада ҳақиқатан ҳам машҳур Д.Е. Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд

турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал - хомашё турларини ўз ичига олади. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган заҳиралари 970 миллиард долларни ташкил этади (2001 йил ҳисобида).

Фоят муҳим стратегик манбалар-нефть ва газ конденсати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металллар бўйича - 40 дан ортиқ, рангли, нодир ва радиофаол металллар бўйича - 40 та, кончилик - кимё хом ашёси бўйича 15 та кон қидириб топилган.

Бир қатор фойдали қазилмалар (металлар) бўйича Ўзбекистон тасдиқланган заҳиралар ва истиқболли рудалар жиҳатдан МДХ мамлакатадагина эмас, балки бутун дунёда ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Масалан, олтин заҳиралари бўйича Ўзбекистон дунёда 4 - ўринда, уни қазиб олиш бўйича 7- ўринда, мис заҳиралари бўйича 10 - 11-ўринда, уран заҳираси бўйича 7 - 8- ўринда туради.

Ўзбекистон Республикасининг салоҳияти жуда юқори. Айниқса, мустақиллик йилларида саноат, яъни кончилик саноати тез суръатларда ривожланмоқда. Қисқа тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда 2000 дан ортиқ саноат корхоналари ишлаб турган бўлса, улардан 50 % га яқини кон саноати тармоғига мансубдир, шулардан кўпчилиги, XX асрнинг 70-80 йилларида ярим маҳсулот ҳолида олинган маҳсулотлар бошқа Республикалардан, хусусан, Россиядан тайёр ҳолда олинар эди.

Геолог В.Н.Наследов томонидан 1926 йилда Қорамозор тоғларида бир қатор конларнинг очилиши бу ҳудудда илк маъданли конларнинг очилишига замин яратди. Минерал хомашёнинг турли хилларини қидириб топиш ва уларни ўрганиш ишларини тезлаштириш мақсадида 1925 йилда геология қўмитасининг Ўрта Осиё бўлими ташкил қилинди. Геология - қидирув ишларида маҳаллий аҳолига суянишган ҳолда, қадимий конларни яхши биладиган тоғлик аҳоли ёрдамида тоғ йўлларини, эски горларни, маъданли жойларни аниқлашда бирин - кетин яхши натижаларга эришила бошланди. 1929 йилда Самарқанд вилоятида Лангар молибден кони очилган бўлса, орадан 5 йил ўтгач, шу конда вольфрам рудалари борлиги аниқланди. 1933 - 1934 йилларда геолог Д.М.Богданович Ангрендаги Жигаристон ҳудудида каолин хомашёси бўйича қидирув ишларини амалга ошириш жараёнида қўмир конининг заҳираси борлигини аниқлади. Г.С.Чикризов бу коннинг саноат миқёсида халқ ҳўжалиги аҳамиятига молик

эканлигини аниқлади. Орадан 1-2 йил ўтгандан сўнг Ангрен кўмир ҳавзаларида қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

XX аср охириларига келиб, Тошкент вилоятига қарашли бўлган Ангрен кўмири Ўзбекистон эҳтиёжининг 58-60% ини қондириб келмоқда, яъни бир йилда ўртача 3 млн. тоннадан ортиқ қазиб чиқарилмоқда (2005). Республикамизда кўмир Ангрен конидан ташқари, Сурхондарё вилоятининг Шарғун ва Бойсун конларида ҳам XX асрнинг 50-йиллари охиридан бошлаб ер ости усулида қазиб олинмоқда.

Ўзбекистонда кончилик саноати бўйича 400 га яқин рангли металллар, кўмир, таз қазиб чиқарувчи корхоналар, нефть конлари, шахта маконлари ва турли конлар ишлаб турибди. Улар таркибда юқорида қайд этилган Олмалиқ ва Ангрен корхоналаридан ташқари, 1950 йиллари ўз ишини бошлаган Ингичка конини, 1956 йилда ўз фаолиятини бошлаган Чирчиқдаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмали металллар комбинати, Ўрта Чирчиқ плавикошпат комбинати, 1970-1980 йилларда ишга туширилган Учқулоч, Ковулди, Маржонбулоқ кон ва руда бойитиш фабрикаларини, 1966 йилда ишга туширилган Қўшбулоқ кони, 1973 йилдан маҳсулот бера бошлаган Ангрен олтин бойитиш фабрикаси, 1967-1969 йилларда МДХ давлатларидаги конлар орасида улкан ҳисобланган Мурунгов кон бойитиш корхонасини ва 1987 йилда фойдаланишга топширилган Зармитан конини санаб ўтиш мумкин. Уларнинг қаторига "Ўзбекнефть газ қазиб чиқариш" давлат акциядорлик бирлашмаси, "Ўзбекцемент", "Ўзбекмармар", иккиламчи хомашёдан - алюминий ишлаб чиқарувчи завод каби йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа корхоналар киради. Республикада олтин захираларини қидириб топиш ва фойдаланиш борасида оламшумул ишлар қилинмоқда. "Ўзбеколтин" бирлашмаси томонидан топилган Қорақўтон, Бичанзор, Қўшбулоқ ва Чодак конлари замирида ўз фаолиятини бошлаган, десак муболаға бўлмайди.

Муртуновда 50 га яқин сочма олтин конлари топилганлиги, бугунги кунда соф олтин олиниб, республика иқтисодига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган Навоий кон-металлургия комбинати нафақат Ўзбекистоннинг, балки Ўрта Осиёнинг энг йирик корхоналари сирасига киради. 1995 йили Навоий Давлат кончилик институтининг очилиши комбинатни ёш етук мутахасислар билан таъминлаш учун замин яратди. Кончилик ва металлургия жараёнини ўрганиб, унинг сир-асрорини, механик

ва кимёвий-технологик ўзгаришларнинг мажмуини таҳлил қилиб, унинг тасниф ва тасвирига қисқартиришлар киритиш, соддалаштиш, ихчамлаштириш, унда маҳсулот сифатини ўзгартирмай, унумдорликнинг юқори бўлишини таъминлаш давр тақозосидир. Айнан шу йўналишда Навоий давлат кончилик институтида олиб борилаётган сатъ - ҳаракатлар натижаси фан оламига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Навоий кон-металлургия комбинатининг дунё миқёсида ривожини ва ўрнини, Навоий вилоятидаги яхлит корхона ва муассасаларнинг мажмуи тараққиётини ўзаро боғлиқликда ўрганиш муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон рангли металлургия корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни асосан, унинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш билан бирга олтин, вольфрам, рений, осмий ва бошқа камёб металл кичик фойдали қазилма конларини ўзлаштириш ҳисобига ҳам кўпайтириш мумкин.

Янги технологияларни саноатга тадбиқ қилиш ва иккиламчи хом ашёларда чиқинди ва оқова эритмалардан керакли металлларни қайта ишлаш, минерал хом ашёлардан қўшимча ноёб, нодир ва қимматбаҳо металлларни йўлдош усуллар билан ажратиб олиш доимо долзарб масала бўлиб келган. Ушбу муаммони ечишда республикамизнинг таниқли олимларидан О.Ходжаев, З.Салимов, Қ.С.Санақулов, М.М.Якубов, А.А.Юсупходжаев ва бошқа олимларнинг ҳиссаси бекиёсдир. Айниқса, академик В.Раҳимов бошчилигидаги кон-геология йўналиши соҳасидаги олимларнинг 20 дан ортиқ илмий -тадқиқот ишлари кончилик ва металлургия соҳасида, саноатда кенг қўлланилиб келмоқда. Қ.С.Санақуловнинг таркибида рангли ва қимматбаҳо, ноёб металлари бор бўлган иккиламчи чиқинди ва тошқолларни қайта ишлаб, уларнинг таркибидан иқтисодий самара берадиган металлларни ажратиб олиш технологияси ишлаб чиқаришга жорий этилаётганлиги катта самара бермоқда.



V-VII асрларда зардуштийлар даврида тошдан териб қурилган ва ҳозирги кунгача Қурама тоғ тизмасининг Чодак (Наманган вилояти) ҳудудида сақланиб келган муғхонанинг кўриниши.



Баландлиги 2,5 метрдан ортиқ бўлган, юзини парда билан
тўсиб турган келинчак тимсолидаги "Келинчак тош". Наманган
вилоятининг Поп туманидаги Гулистон қишлоғи (илгариги
Мозор қишлоғи)



Буюк истиқлолимиз даврида улуг маънавий қадриятларимизни
акс эттирувчи тарихий ёдгорликлардан бири "Мотамсаро она
ва бола" ҳайкали (Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри).



I асрнинг 80-йилларигача хитойликлар, IV асрдан XII асрга қадар (мўғуллар истилосигача) туркий қавмлар томонидан олтин, қумуш ва мис қазиб олинган кўҳна Кўҳисимнинг бир қисми - Қалмоққир кони. Мустақиллик шарофати туфайли ушбу коннинг янги маконлари очилиб, бугунги кунда тўлиқ қувват билан ишлаб келмоқда (Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри).



Парпи ота зиёратгоҳининг умумий кўриниши



Муқаддас қоратош.

Парпи ота зиёратгоҳидаги
Мангубулоқ ҳавзаси.



1810-1815 йилларда Эшмуҳаммад халифа томонидан
зиёратгоҳга айлантирилиб, 1855 йилдан бошлаб унинг шогирди
Парпи ота томонидан кашф этилган Шеробод тепалигидаги
қадимий қадамжо (Тошкент вилояти Оҳангарон ҳудудидаги
Авлиё Парпи ота зиёратгоҳи 2010 йил).



Тошкент вилояти Пискент туманидаги "Қирққиз"
 зиёратгоҳидаги қирқбулоқ ва ундаги қадимий минг йиллик
 азим чинор ҳамда ривоятларга кўра тошларга айланиб қолган
 қирқ қизнинг ҳозирги кўриниши.

Олмалиқ худудида қадимдан олтин, кумуш, мис ва бошқа рудалар қазиб олинганлигидан хабар топган ҳукумат раҳбарлари Улуғ Ватан уруши даврида Қалмоққир, Оқтурпоқ каби қадимий конлардан олтин қазиб олиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бир нечта изланувчи артеллар ёрдамида бобокалонларимизнинг қадимий усули билан олтин қазиб олина бошланди. Аввалига маҳаллий оқсоқоллар эски горларни, улардан ер ости конларига олиб борадиган йўллари кўрсатиб бердилар. Сўнг кичик темир йўллар, уларда сирпаниб юрадиган аравачалар ўрнатилди. Кўз билан бир қарашда аниқлай оладиган мутахассислар ёрдамида оддий болға, болта, кирка, ўткир тош қирққичлар ёрдамида таркибида олтини бор рудалар вагонлар ва қопларда ер устига олиб чиқиладиган бўшланди. Ер устига олинган руда майдаланиб, сувда ювилар, тоғ жинси зичлигига қараб енгил унсурлар оғир маъдан жавҳарларидан ажратилар ва қайта-қайта ювилгач, соф олтин ажратиб олиниб, давлатга топширилар эди. Уч сменада кеча-кундуз фронт ортида иш қизғин олиб бориладиган, тўпланган, йиғилган олтин куми ўз вақтида олиб кетилмай, сменадан чиққач ажратиб олинган тоза олтинни қўриқлашар эди. Шундай қилиб, ўзбек ерида XX асрнинг биринчи олтини уруш вақтида олиниб, фронт учун, қолаверса, ғалаба учун ўзбек олтинлари катта ҳисса қўшганлигини таъкидлаш жоиз.

1946 йилда Олмалиқ мис-молибден комбинатини қуриш бўйича лойиҳа топшириғи тасдиқланди. Урушдан кейинги йилларда, Қўрғошинкон ва Олтинтопкон полиметалл конларида қидирув ишлари тугалланди. 1948 йилда Олмалиқда Қўрғошин-рух ишлаб чиқарувчи комбинат қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Рангли металлургия Вазирининг 1948 йил 12 июлдаги қарори билан янги қурилиши бошланган Олтинтопкан комбинатига раҳбар бўлиб Н.А.Цагоев тайинланди. 1954 йил янги Олмалиқ мис-молибден комбинати Д.Л.Власов раҳбарлигида фаолият кўрсата бошлади. Шу йил Қалмоққир макони карьер сифатида ишлаб бошлади. Қалмоққир чуққиси, унинг қирлари, асосан, нокерак тоғ жинсларидан иборат бўлиб, катта қир портлатиб, аста-секин ташланма жойга чиқариладиган бўшланди. Шундай қилиб, қадимий қўҳна Қалмоққир кони 6 йил мобайнида деярли устки қисми текисланиб, бутун нокерак тоғ жинслари олиниб мисга, молибденга, қолаверса, олтин, кумушга бой маъданли кон очилди.

Ҳозирги кунда Қалмоққир конининг ўзи йирик руда қазиб олинadиган саноат ҳисобланади. Дастлабки рудалар бу ерда 1956 йилдан қазиб олина бошланди. Замонавий техникаларнинг кели-

ши бу ердаги кон ишларининг жадал суръатлар билан олиб борилишини таъминлаб келмоқда.

Комбинат таркибига кирувчи Қўрғошин кони эса 1952 йилдан 1990 йилгача ишлаб келди. Бу ердаги рудалар камайиб боришига қарамай, фойдали қазилмаларни бойитиш фабрикасига ташланма жойларда сақланадиган баланс орти рудалари қисман келиб туради.

Оқорида келтирилган конлардан қазиб олинган рудалар қайта ишланиб, керакли металл олиш учун Олмалиқ шаҳрида завод ва фабрикалар қурилишига сабаб бўлди.

1954 йили Қўрғошин - рух бойитиш фабрикаси ишга тушган бўлса, 1963 йил 31 декабрдан Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг асосий тармоғи бўлиб келаётган мис эритиш заводи ўз ишини бошлади.

Олтинтопкан, Қўрғошин рух комбинати Олмалиқ мис-молибден комбинати билан қўшилиб, битта Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатига айлантирилгач, 1958 йил 14 январдан П.С. Поклонский бош директор лавозимида иш бошлаб, анчагина ўзгариш киритди. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг раҳбарлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишимизнинг асосий сабаби - Ўрта Осиёда энг йирик комбинатлардан бири бўлган Олмалиқ ТМКининг йилдан - йилга ривожланишида комбинат раҳбарларининг салмоқли ҳиссаси борлигидадир. Қуйида комбинатга қарашли бўлган йирик корхоналар ҳақида алоҳида тўхталиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида тавсиф бериб ўтамиз. Чунки ҳар бир корхона у маконми, завод ё фабриками, ўзининг тарихий аҳамиятига лойиқ ривожланиш босқичларига эга.

XX аср ўрталарида ўз фаолиятини бошлаган комбинат асосан қуйидаги асосий завод, 7 фабрика ва бошқа муассасалардан ташкил топган. Фойдали қазилма конлари таркибига кирувчи маконлар: Қатмоққир, Сариқчўққи, Учқулоч, Пайбулоқ, Совуқбулоқ, бундан ташқари унча катта бўлмаган ўндан ортиқ катта - кичик конлари мавжуд. Улар комбинат қарамоғида бўлмаса-да, у ерда қимматбаҳо ва рангли металллар қазиб олинмоқда.

Далиллардан маълум бўлиб турибдики, деярли барча конларнинг топилишида археологлар хизмати беқиёсдир. Улар нафақат янги конларни топишга, балки ташланма, иккиламчи тошқоллар таркибининг кимёвий - физикавий хоссасини ўрганиб, қандай металллар эритилганлигини ва шу атрофда қандай металл кони борлигини аниқлаб беришган.

Конлар ҳақида маълумотлар жуда кам. Чунки қаерда олтин, кумуш, мис конлари мўл бўлса, ўша жойнинг ҳукмдорлари солномачи, саёҳатчиларга ва тарихчиларга конлар ҳақида ёзишга рухсат бермаганлар. Тахт талашиш, моду дунё учун бир давлатдан иккинчи давлатга юриш қилиш замирида кўпроқ қимматбаҳо маъданлар заҳираси турган. Қурама тизмасининг қадимдан "Кўҳи сим" деб аталиши бежиз эмас. Шунингдек, бу тизма атрофида йирик шаҳарларнинг бўлиши ҳам айнан "Кўҳи сим" туфайлидир.

Тункентнинг устки қисми – ҳозирги Мискон, Совуқбулоқ кони, Сарикчўққи, Ковулди, Унгурликон, Қорабулоқнинг барчасида рангли, қимматбаҳо маъданлар кони бўлган.

Тункент шаҳрида катта ер ости йўли бўлиб, бу йўл, асосан, бир томони билан тўғри Сарикчўққи кони томонга, Қорабулоқ сойи ёнидан Унгурликон бўғизидан чиққан деган тахминлар бор. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Тункент шаҳри асли ўзи катта қадимий кумуш кон устида қурилган бўлиб, шаҳар остида унчалик чуқур бўлмаган жойларда кумуш кони бор деган тахминлар ҳам бор. 1997–1998 йилларда фан илмий–техник ва ўқув марказининг ходимлари томонидан муаллифлар ва олимларимиз бошчилигида олиб борилган илмий изланишлар бу тахминларга анча аниқлик киритди. Бу узоқ йиллар Олмалик тоғ–металлургия комбинатида бош геолог бўлиб ишлаган В.Ю.Деда "ФАН" марказининг илмий ишларига юқори баҳо берган эди.

Қадимий давр маъданчилиги бўлимига якун ясаб, шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, асримиз бошида маъданчилик Ўрта Осиёда, хусусан, кўҳна Мовароуннаҳрда анча ривожланган бўлса, VIII асрдан то XII асргача бўлган даврда энг юқори даражага кўтарилган. Бутун Қурама тизмаси бўйлаб авжига чиққан маъданчилик эритиш масканларида ўнга яқин рангли, қора, қимматбаҳо металллар эритиб олинган, деган хулосани айта оламиз.

Олтинтопкан конларига тааллуқли қўрғошин–рух рудалари заҳираси кўплиги жиҳатидан ҳайратга соларли даражада бўлиб, уларни қазиб олиш ишлари 1950 йили бошланган.

Қалмоққир, Олтинтопкан конлари қатори Сарикчўққи кони ҳам 1960 йилдан буён мис – молибден рудаларини қазиб олиш бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлиб келмоқда.

Комбинат ихтиёридаги конлар ичида энг ёши Учқулоч ҳисобланади. У ердан 1983 йилнинг ёз ойида руда қазиб олина бошланган. Геологларнинг таъкидлашича, бу кон келажаги порлоқ конлардан ҳисобланади.

Хомашёлар асосан комбинат корхоналарида қайта ишланади. Қандай кон бўлишидан қатъи назар, Курама тизмасидаги ҳар бир конда маъданлар таркибида маълум миқдорда кумуш бор. Таркибида олтин, кумуш заҳираларига бой конлар сафига Қалмоққир, Узоқдаги, Мискон, Сарикчўққи, Қизота, Пастки Ковулди ва бошқа конларни киритиш мумкин. Олмалиқ теграсидаги олтинли кварц ва сульфидли олтин шаклидаги қазилма бойликларни 3 хил геологик типга бўлиш мумкин:

- кам сульфидланган (0,5-1%) олтин - маргимушли қазилма конлари. Улар, асосан, жанубий Ковулди, Қўлбулоқ, Қорасой ва бошқа конларда;

- олтин - кумушли. Бу қазилма бойликлар Ковулди, Орабулоқ, Тангил ва бошқа конларда;

- олтин - теллурли асосан сульфидланган (10-80%) қазилма бойликлар Оқтупроқ, Гулдурама, Балиқти, Тоған, Калтасой конларида жойлашган.

Қўрғошин - рухли қазилма бойликлар Қўрғошинкон, Олтинтопкан, Учқулоч металл конларида мавжуд.

Илоқ конлари нодир металлари, айниқса, юқори сифатли кумуш билан шуҳрат қозонган. Милoddан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмидан милoddнинг 10-асригача машҳур бўлган. Шарқ географлари Илоқ кэнини Афғонистондаги энг машҳур "Янги Панжшир" кон номи билан атаганлар. Шунингдек, улар бу ерда Қўҳисим (Кумуш тоғ) кони ҳам борлигини қайд этишган. Илоқ конидан олтин қазиб чиқариш иккинчи ўринда турган. Археологик ва геологик тадқиқотларга кўра, Беруний ҳам Илоқ конини Феруза кони деб тилга олган.

Амир Темур даврида Илоқ конларини ишга туширишда янгидан жонланиш юз берган, аммо кейинчалик кон ишлари яна тўхтаб қолган 1920 йиллардан кейингина Қадимий Илоқ кони ўрнида Чотқол-Курама саноат минтақаси вужудга келди.

2.5. Курама воҳаси ва ёндош ўлкалар

Тарихан қаралганда, Курама воҳаси ёндош ўлка ва шаҳарлар билан доимий муносабатларда бўлган. Айниқса, Қўқон шаҳрининг Курама воҳаси билан ижтимоий-иқтисодий алоқалари алоҳида ўрганилиши керак Олмалиқ қадимда Илоқ давлатининг асосий ҳудуди бўлиб, бу ерда фойдали қазилмалардан турли нодир буюмлар, уй-рўзгор анжомлари, қурол - аслаҳалар тайёр-

лаш, тангалар зарб этиш асосий касб бўлган. Худудларнинг ўзаро яқинлиги Фарғона водийси ва Олмалиқ минтақаси ўртасида ўзаро алоқаларнинг мунтазамлигини таъминлаб турган.

Водийга Қурама орқали учта довон йўли ўтган. Улардан биринчиси Кўрпасой, Шовғозсой қуйилиш жойидан Кандирсой орқали Кандир довони бўйлаб Аштга - Ошоба ва Адрасмонга, Понғоз ва Шайдонга, ундан эса Қўқонга ўтиш мумкин бўлган. Иккинчи довон Бобойиоб тоғ бағридан Қамчиқ орқали Чодак тоғ ён бағри бўйлаб Пунганга, сўнг Ашт, Косон ва Қўқонга ўтган. Учинчи довон Қорақиясой ва Қўйлиқсой бўйлаб Оқтош бўйлаб Эрматсой, Сардоб довони орқали Қурама тизма тоғи ва Мўғултоғ тоғлари оралиғи билан Табошар, Қонсой, Чорухдайрон масканлари оша Хўжандга етиб келишни таъминлаган.

Водийга, хусусан, Қўқон хонлигига қарашли озиқ-овқат, ўлпон-солиқлар ва турли буюмлар Қозогистон худудлари, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари кентларидан йиғилиб, мана шу довлар оша етказилган.

Қўқон хонлигига Умархон (1809-1822й.) ва Муҳаммад Алихон (1822-1842й.) ҳукмронлик қилган йилларда Қурама воҳасида суғориш иншоотлари кенгайтирилган. Янги ариқлар қазилди. Шулардан бири Оҳангарон дарёсининг сўл қирғоғи - Олмалиқ худудидаги қишлоқларда амалга оширилган. Анчагина масжид ва мадрасалар қурилди. Шулардан бири Теловда-Саржайлоқда Қўқмачит, Пискент ва Керовчида, Олмалиқ ёнидаги Парпиота зиёратгоҳида иккинчи катта масжид ишга туширилди. Бундай тадбирларга бош-қош бўлган Қурама ҳукмдори Пирмуҳаммад Мирзо эди.

Хонлар авлодининг санъат ривожига аҳамият бериши туфайли адабий муҳит жонланди. Халқ орасидан шоирлар, бахшилар, аскиячи ва қизиқчилар кўплаб етишиб чикди, байрамлар (Наврўз байрами)да дорбозлик, кўғирчоқ ўйини оммалашди, таниқли санъаткорлар (хофиз Ашурали Маҳрам) халқ меҳрини қозондилар.

Ҳар бири тарихий даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият ўз қаҳрамонларини етиштириб чиқаради. Бундай сиймолар Қўқон тарихида ҳам кўп бўлиб, уларнинг хизматини баҳолаш ўтмишимизнинг тўлақонли манзарасини яратишга олиб келади.

Ўзбек халқининг мустақиллик учун кураши тарихи, ўзбек давлатчилиги тарихида Қўқон хонлигининг ҳам аҳамияти ва зиддиятли томонлари билан муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу хонлик даврида ҳам фидойи инсонлар юрт ободли-

ги, тинчлиги, осойишталиги ва равнақи учун кураш олиб борганлар. Ана шундай инсонлардан бири Марказий Осиё ва Хитой (Шарқий Туркистон - Етти шаҳар давлати) ҳудудида катта ҳарбий ташкилотчилик ишларини олиб борган саркарда Ёқуббекдир.

Мард ўзбек ўғлони Ёқуббек (Мухаммад Қушбеги) Қурама туманига қарашли Пискентда 1820 йили туғилган бўлиб, отаси Пирмуҳаммад Мирзо туман ҳокими, онаси эса донгдор шайх Низомиддиннинг синглиси эди. Ёқуббек куёви - Тошкент вилояти ҳокими Нурмуҳаммадхон паноҳида Қўқон хони Худоёрхон хизматига киради. Қисқа вақт ичида ўзининг жасурлиги туфайли Худоёрхоннинг хос маҳрамига айланади.

Эл-юртнинг меҳнаткаш, фидойилиги, ўлканинг қулай ерда жойлашганлиги сабаб, Қурама туманининг Қўқон хонлигида ўзгача ўрни бор эди, чунки Тошкент, Чимкент ва Сирдарё бўйига асосий йўлларнинг бири Қурама воҳаси, хусусан Олмалик орқали ўтган. Хонликка мўлжалланган турли юк ва бойликларнинг Қўқонга бешикаст етиб бориши Ёқуббек бошчилигидаги лашкарлар зиммасига юклатилган эди. Кўп ўтмай Ёқуббек Оқмасжид (Ҳозирги Қизил Ўрда)га ҳоким этиб тайинланди. Фидойи саркарда Чор Россияси аскарларининг Оқмасжидга ва бутун Қўқон хонлигига уруш очиши мумкинлигини англаб етди. 1847-1848 йиллар Хива хонлигига қарашли Жонхўжа ва Хўжа Ниёз қалъаси рус аскарлари томонидан забт этилгач, Ёқуббек Худоёрхондан Оқмасжид мудофаасини мустаҳкамлашга мадад сўради, лекин ёрдам ололмади. 1850 йили Қўқон хонлигига қарашли Қўшқўрғон, Кумушқўрғон ва Чимқўрғон босиб олинади, 1851 йили Сибир казакларидан таркиб топган замонавий қуролланган аскарлар Тўйчибек қалъасини вайрон қилиб, майор Энгман бошчилигида Оқчабулоқ яқинидаги Ёқуббек лашкарларига зарба бердилар.

Биринчи маротаба рус қўшинларига қарши мардонавор жанг қилган Ёқуббек ўзини йўқотиб қўймади. Орқага чекиниб, Оқмасжид қалъасини ҳарбий истеҳкомга айлантирди. Чор Россияси қўшинлари полковник Бларамберг ва граф Перовский бошчилигида Оқмасжидга ҳужум уюштирдилар. Мудофаачилар - лашкар ва бутун халқ ҳужумни қайтариб, чор аскарларини чекинишга мажбур этдилар. Улар бир йиллик тайёргарликдан кейин 1853 йилнинг ёз ойида 17 та тўп, уч минг замонавий қуролланган аскарлар билан яна Оқмасжидни қамал қилдилар. Шиддатли

жанглاردан сўнг қалъа эгалланди, лекин мудофаачилар охирги кучлари қолгунча курашиб, таслим бўлмадилар, мардлик, фидойилик намуналарини кўрсатдилар, чунки мудофаада турган жуда кўп аскарлар Оҳангарон, Олмалиқ, Пискент туман қишлоқларидан бўлиб, Ёқуббекнинг бирга ўсган дўстлари, ака - укалари, ёр - биродарлари эди. Ёқуббек Саид Муҳаммад Муллахон (1858 - 1862) хонлиги даврида Хўжанд ҳокими бўлди. Саид Султон (1862 - 1866) Ёқуббекдан 1864 йили хонликнинг таянч шахарларидан бири Чимкент мудофаасини ташкил этишини сўрайди. Бош вазир ва истеъдодли лашкарбоши Алимқул билан бирга Ёқуббек Чимкент мудофааси учун бор кучини аямайди. Кучлар тенг бўлмаганлиги сабабли саркардалар Тошкентга чекиниб, куч тўплайдилар. Истилочилар дастлабки хужум (1864 йил сентябр)да мағлубиятга учраб, Чимкентга чекинадилар. Бу ғалабадан сўнг Ёқуббек Хўжандга, Алимқул Қўқонга қайтиб кетади.

Марказий Осиёдаги маданият ўчоқларидан бири саналган Қўқон шаҳри ва бу билан турли даражада боғланган мамлакатлар, воҳалар тарихини атрофлича ўрганиш, ўтмиш воқеаларини холис баҳолаш, ҳозирги кун ва келажак учун тўғри хулосалар чиқариш имконини беради. Ана шундай хулосани чиқаришга аجدодларимизнинг буюк, мардонавор хизматлари ҳам ундаб турибди.

Умуман олганда, Ўзбекистон шаҳар ва минтақалари билан Қурама воҳаси орасидаги ижтимоий - иқтисодий, лисоний - этнографик, жой номлари ва бошқа соҳалардаги алоқа, яқинлик ва ўхшашликларни ўрганиш фанимизнинг долзарб масалаларидан саналади.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

МАЎДАНЧИЛИК, ДУНЁҚАРАШ ВА ЖОЙ НОМЛАРИ ТАРИХИ

1. Тункент атамаси

Олмалиққа ёндош, унинг ўрнида бўлган шаҳар қадимда Тункент деб номланган. Қурама воҳаси табиий бойликлари билан жаҳонга машҳурдир. Искандар Зулкарнайн, хитойликлар, араблар ва мўғуллар босқини туфайли маҳаллий халқ азоб-уқубат ва талофатларга дучор бўлган. Босқинчилар ва улар билан келган тарихчилар ҳам ҳатто жой номларини ўз тилларида ифодалаганлар. Шу сабабдан, Марказий Осиё, жумладан, Қурама воҳасидаги кўпгина жой номлари ажнабий тилларга сўзма-сўз таржима қилиниб, дунёнинг географик хариталаридан ўрин олган, маҳаллий номлар эса унутилишга маҳкум этилган. Бу усул ҳам халқнинг тарихий хотирасини йўқотишга қаратилган усуллардан биридир.

Ўлкамиз миллоддан олдинги даврда ва миллодга тегишли дастлабки асрларда хитойликлар ҳукмронлигини бошидан кечирган. Бу ҳукмронлик натижасида қазилма бойликларимиз ташиб кетилган. "Ўзбекистон халқлари тарихи" (Тошкент, 1992 й., 44-бет)да қайд этилишича, шу даврларга оид маълумотлар кўпроқ хитой манбаларида сақланиб қолган, шаҳар, дарё, давлатлар номи хитойча аталган. Ана шундай номлардан бири Тункент атамасидир. Тункент ҳозирги Оҳангарон туманидаги Обиз қишлоғи ўрнида жойлашган эди. Тункент ота-боболаримиз фойдали қазилмалардан олтин, кумуш, мис, қўرғошин каби турли нодир металллар эритиб олинадиган марказ ҳисобланган. Бу ерда ўша замонларда юксак технология талабларига жавоб берадиган эритиш печлари қурилган, фойдали қазилмалар эса сараланиб печларга жойланган ва юқори қимматга эга бўлган эритмалар олинган. Тункент эса ана шу эритмалардан хилма-хил металллар, жумладан, мис ажратиш олиш маскани бўлган. "Тункент" атамасидаги "тун" сўзи хитойча бўлиб, мис маъносини англатади ("кент" форсча "шаҳар" демакдир).

"Тун" сўзи олтин сўзида ҳам сақланган бўлиб, бу ўринда ҳам "мис" деганидир. Ол, ал сўзлари қадимги туркий сўз ҳисобланади

ва "қизил" (ол ранг-"қизил ранг") маъносини билдиради. Демак, олтин - "қизил мис".

Олмалиқ ва унинг атрофи конларга бой бўлган. Буни қадимдан ишлатилиб келинаётган қуйидаги номлардан ҳам билиш мумкин: Кумуштоғ, Қўрғошинкон, Олтинтопкан, Мискон, Кумушкон, Чўянсой, Сарикчўққи, Мунчоқтапа, Оқтош ва бошқалар.

Маълум бўладики, Олмалиқнинг қадимги номларидан бири-Тункент-"мис шаҳри" маъносини билдириб, халқнинг қадимги турмуши, ҳўжалик юритиш фаолиятидан дарак бериб турибди. Тил кишилиқ маънавий олами, турмуш тарзини ифодаловчи асосий восита бўлиб, унда қадимги давр кишиларининг ҳаёти, дунёқарashi ҳам муҳрланиб қолади. Қурама воҳасида ҳам кон ишлари, фойдали қазилмалар, ҳар хил минераллар билан боғлиқ кўплаб сўзлар борки, уларни турли манбалар, халқ тили бойликлари асосида ўрганиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Қурама воҳаси жой номлари махсус, монографик тарзда ўрганилмаган. Ҳолбуки, "Жой номлари халқимиз кўп асрлар давомида ижод қилган улкан лисоний ҳамда маданий-маънавий бойлиқдир. Уларда халқнинг ўта қадимий даврлардан тортиб шу кунларгача бўлган ноёб кузатишлари, тажрибалари, уларнинг дунёқарashi ва турли эътиқодлари ўз ифодасини топган" (Қаранг: А. Ҳасанов ва бошқалар Кўҳна ва навқирон Олмалиқ. Тошкент, 2000 й., 9-бет.)

Ҳақиқатан ҳам, жой номларида халқнинг улкан истеъдоди, синчковлиги ва топқирлиги намоён бўлади. Бу жиҳатдан Қурама воҳасидаги жой номларини маълум гуруҳларга таснифлаш мумкин:

1) ўсимликлар билан боғлиқ жой номлари - фитонимлар: Олмалиқ, Олмазор, Жийдали, Теракли, Жилгинчи, Ковулди, Иргайли, Накпайсой;

2) уруғ, қабила атамалари билан боғлиқ жой номлари - этнонимлар: Чамбил, Телов, Тақали, Элтамғали, Ойтамғали, Кўштамғали, Сартамғали, Қорақўйли, Ачамайли.

3) Маълум маъдан билан боғлиқ жой номлари: Олтинтопкан, Мискон, Чўянсой, Қўрғошинкон, Кумушкон Оқтош ва б.

Юқорида қайд этилган гуруҳ номларига айрим изоҳлар келтирамиз. Жаҳондаги бир қанча халқларда бўлгани каби турли халқлар ва ўзбек халқида ҳам инсон аجدодлари ва авлодлари ўртасидаги боғланиш дарахтга ўхшатишган. Кўҳна ўтмишдан етиб келган тарихий - мифологик қарашларга кўра, олам дарахтининг учи (боши) осмон (Темир қозиқ юлдузи)га, илдизи ер остидаги Эрликхон подшолиги мулкига туташиб кетади.

Дарахт тирикчилик ва озуқа манбаи сифатида муқаддас ҳисобланган. Олимларнинг кўрсатишича, туркий-мўғул халқлари тарихида уруғ герби (белгиси) тўрт унсурдан таркиб топган:

1) шажара дарахти; 2) шажара қуши 3) тамға (моллар белгиси, Қурама воҳасида молларга эн солмоқ; 4) ўран (ҳар бир уруғнинг ўзига хос яширин шартли сўзи ё ибораси).

Шажара дарахти шу уруғ учун муқаддас бўлиб, бахт-саодат, тўкинлик, бало-қазодан сақланиш рамзи сифатида қадрланган, унга сифинганлар, турли латта-буюмлар осиб, тагига чироқ ёққанлар.

Этнонимлар хусусияти шундаки, ҳар бир қабила, уруғ, халқ ўз номи, аввалги яшаган жойи номи унутилиб кетмаслиги учун янги келган ерга ўз номини беради. Бундай жой номлари Қурама воҳасида ҳам анчагина миқдорни ташкил этади.

2. Арашон - тириклик суви

Арашон муқаддас жой бўлиб, инсонлар зиёрат қиладиган қадамжолардан бири ҳисобланади. Ном булоқдан олинган, унинг сувлари Оҳангарон дарёсининг бир ирмоғини ташкил этади. Булоқ сувининг шифобахшлиги туфайли одамлар унинг сувидан баҳраманд бўлиб, чўмилиб дарддан фориғ бўладилар.

Арашон қадимги ҳинд адабий тили - санскритдан олинган ва "муқаддас сув" маъносини билдиради. Бу сўз Осиёдаги кўплаб ҳудудларда Тибет, Мўғулистон, Узоқ Шарқ, Марказий Осиё ҳудудларида сув ҳавзаси булоқ билан боғлиқ номлар (гидронимлар) ҳосил қилган. Кўрсатилган ҳудудларда "шифобахш (минерал) сув", "нектар", "иссиқ булоқ", "даволовчи булоқ", "илиқ булоқ", "олтингургуртли сув" ("серный источник") каби маънолар билан булоқ табиатидан келиб чиқиб номланган.

3. Олмалиқ олмазорми ?

Олмалиқ шаҳри номининг келиб чиқиши хусусида бир қанча фикрлар мавжуд. Шулардан асосийси, албатта, жой номининг меваги дарахт - олмага нисбатан номланиши ҳисобланади: Олмалиқ-олма дарахти кўп ўсадиган жой. Дунё халқларида жойларни ўсимликлар билан боғлиқ ҳолда номлаш кўп учрайди. Ўзбек халқи, жумладан, Қурама воҳаси аҳолиси ҳам жойларни аташда шу усулдан кенг фойдаланиб келган: Олмазор, Жийдали, Теракли, Ирғайли, Бурганли, Жилғинчи, Нокпайсой... Номдан айтиш жойда ўсимликнинг кўп, гўж бўлиб ўсиши англашилади. Тош-

кентда Чилонзор, Ўрикзор; Наманган вилоятида Олмалибулоқ, Олмасой каби жой номлари ҳам худди шу усулга кўра номланган.

Олмалиқ номи иккинчи фикрга кўра, "ололмадик" сўзидан келиб чиққан. Душманлар қайта-қайта ҳужум қилиб, шаҳарни қўлга киритолмай, охири "ололмадик, ололмадик" деб қочган ва кейинчалик "ололмадик" сўзи қисқариб, "олмадик", сўнг "олмалиқ" шаклида шаҳар номига айланган. Албатта, бу халқ талқини, халқнинг ўз қаҳрамонона тарихига бўлган чексиз ҳурмати нишонаси. "Кўҳна ва навқирон Олмалиқ" китобида қайд этилишича, Қурама тоғи этагида мисли кўрилмаган олмазор бўлганлиги халқ оғзаки ижодидан маълум (10-бет).

Қурама тоғи маъданларида қумушнинг кўплиги табиий равишда сувнинг таркибида ҳам акс этган. Бундай сув билан суғорилган экинлар, мевали дарахтлар, жумладан, олма дарахтлари ҳам кўп ҳосил берган, меваларга турли қурт-ҳашаротлар зарар етказа олмаган.

Учинчи фикрга кўра, Олмалиқ номи XII асрнинг ўрталари — XIII асрнинг бошларидан, аниқроғи, мўғуллар истилосидан кейин пайдо бўлган. Маълумки, мўғуллар қўшини таркибида кўплаб туркий қабил ва уруғлар ҳам хизмат қилганлар.

Мирзо Бобур Фарғона вилояти ҳақида ёзар экан, унинг шимолида жойлашган шаҳарларни ҳам қайд этади: "Шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур, мисли: Олмолиқ ва Олмоту ва Янги ким, кутубларда Тарозкент битирлар, мўғул ва ўзбек жиҳатдин бу тарихда бузулутур, асло маъмура қолмабдур" ("Бобурнома", Тошкент, 1989, 5-бет.).

Мўғуллар таркибида келган қабилалардан бири — жалойирлар асли туркий қабилалардан бўлган ва улар Оҳангарон водийсида ҳукмронликни қўлга киритадилар. XIV асрда яшаган машҳур тарихчи Рашидиддин "Жомеъат-таворих" китобида жалойирларнинг туркий элат бўлганлигини, лекин мўғулларнинг сиёсий бирлашмасига қўшилганликлари учунгина "мўғул" деб аталганликларини таъкидлаб, уларнинг кўп сонли эканлигини, бу қабил ўн бўлакдан иборатлигини кўрсатади. Жалойирлардан Чингизхон даври ва ундан кейин ҳам амир ва беклар чиққан.

Жой номлари бўйича таниқли олим, Қарши Давлат университети профессори Т.Нафасовнинг ёзишича, жалойирлар XII аср охири — XIII аср бошларида Марказий Осиёдан Ўрта Осиёга келиб ўрнашганлар. Улар "Қашқа - Сурхон воҳасида ўзларини

хўжа деб аташадилар. Хўжа - уларга нисбатан берилган кейинги ном. Улар чигатой хўжалар билан яқин муносабатда бўлганликларини учун қишлоқ ва ерларини қадимги уруғ номи билан аташган".

Минтақада мўғул - туркларнинг дастлабки, асосий қишландиган жойлари Хонобод (Оҳангарон) атрофлари бўлган, чунки бу ерлар кунгай, тошлоқ жойлардир. Уларнинг ёзлик - яйлов жойлари Олмалиқ ва унинг атрофидаги ўт-ўланларга бой ерлар бўлиб, терскай томонида жойлашган. Турк қабилаларининг қадимги манзили — Или дарёси қирғоғидаги Олмалиқ номи улар учун янги маскан — Қурамадаги жойга бириктирилган бўлса, ажаб эмас. Бу усул ҳам жой номлари аталишида кўп учрайди ва бир қabila, уруғ, халқ ўз номи аввалги яшаш жойи номи, қаердан келиб чиққанлиги унутилиб кетмаслиги учун янги келган ерга ном беради.

Профессор И.Ёрматовнинг фикрича, Илоқ водийсининг Оҳангарон деб атала бошлаши ва бу ерда ўзбек-қурамаларнинг пайдо бўлиши мўғуллар истилоси даврига тўғри келади. У давом этиб, "Чигатой ўзбеклари деган тушунчанинг юзага келишига сабабчи бўлган Муборақшоҳ (Чингизхоннинг невараси, Чигатойнинг ўғли) 1226 йили ҳозирги Оҳангарон шаҳри яқинидаги Шавкат (қадимий номи Сакокат) деган шаҳарчада қароргоҳ қуриб, мўғул ҳукмдорлари орасида биринчи бўлиб мусулмонликни қабул қилади ва маҳаллий аҳоли билан жуда яқин қавм-қариндошлик алоқасига киришади. У ҳатто ўзи мансуб бўлган олмалиқ уруғи вакилларининг катта қисмини Мўғулистондан кўчириб келтириб, Шавкатнинг қаршисидаги - дарёнинг сўл соҳилидаги серўт адирларга жойлаштиради. Ўша қавм туфайли Олмалиқ деган шаҳар ҳозир Мўғулистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам мавжуд" (И.Ёрматов "Илоқ тарихи", Тошкент, 2005, 82-бет). Ушбу фикр сўнгида олим В.В.Бартольд каби олимларнинг ишларига ҳавола беради. Бу фикрга биноан, Олмалиқ номи мўғул уруғларининг янги жойга кўчиб келиши билан боғлиқ.

Олмалиқ шаҳри номланишидаги учинчи фикр ҳам маълум даражада асосли бўлиши мумкин, лекин у зарур далиллар билан янада асослангандагина эътирофга сазовор бўлади. Аммо бундай далиллар қанчалик кўп бўлмасин, улар Олмалиқ шаҳрининг мевали дарахт (олма) билан тарихий боғланишини акс эттирувчи халқ дунёқарашини ўзгартира олмайди.

Демак, шахримизнинг номланиш тарихи ҳам унинг ўзи каби сирли, шукуҳли, долғали ҳамда воқеаларга бой бўлиб, кўҳна та-

рих қаъридан келаётган жозибали садо ҳам сокинлик, ҳам жўшқинлик бахш этаётгандек туюлади.

4. Ойдин сўзи ҳақида

Ҳар бир жой номининг ўзига хос келиб чиқиши, номланиш тарихи ва асоси бор. Даврлар ўтиши билан номланиш асоси унутила боради. Шаҳримиздаги асосий бозор Ойдин деб аталади. Қадимда ҳам Ойдин сўзи бозор маъносини англатганми? Албатта, йўқ.

Ойдин сўзи тилимизда ҳар қанча маъноларга эга: Ойдин - киши исми; ойдин - уруғ номи: ойдин - ёруғ кеча ва бошқалар.

Жой маъносини англатувчи Ойдин сўзи, олимларнинг кузатишларича, ўй (чуқур) ва дўнг (кичик баландлик) қисмларидан таркиб топиб, нотекис, паст-баланд жой маъносини билдирган. Кейинчалик Ойдин сўзи сув ҳавзалари билан боғлиқ атамага ҳам айлана борган: баҳорги ёғинлар натижасида тўпланган сувнинг тиниқлиги, миқдорининг кўплиги, юза қисмининг тозаллиги ва чуқурлиги каби маънолар. Ўзбек халқ шевалари, масалан, шимолий Хоразмда бу сўз кўлнинг чуқур, ўсимликсиз очиқ жойи, ўртаси маъносини билдирса, Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида Ойдин - доимо қамиш ўсадиган кўлнинг қамиши бўлмаган жуда чуқур жойи, Қашқадарё қипчоқ шеваларида кўл сувининг тиниқ, тоза ҳолати.

Қадимги вақтларда ўй сўзи чуқур, чуқурлик, ернинг ўнқир-чўнқир жойи маъносини билдирган. Қурама шеваларида бу маъно ўйдим сўзидан сақланиб келмоқда.

Юқоридаги изоҳлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, шаҳримизда бозор маъносини англатувчи бу сўз қадимда паст - баландлик ер; қир тепаликка туташган жой; ёғин ва булоқ сувларининг тўпланиши натижасида турли - туман халқоб - кичик кўллар ҳосил бўладиган жой маъноларини англатган. Қулай ерда жойлашганлиги сабабли дастлаб бозорга ва шаҳарнинг асосий маҳалласига айланиб, янги маъно касб этган.

5. Сарикчўкки атамаси қандай пайдо бўлган?

Нарса ва буюмларни, ўсимликлар ва тирик мавжудотларни ранг - тусига кўра номлаш жаҳон халқларида кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Масалан, рус тилида голубь, тожик тилида қабутар (қуш номи) ранги (голубой, кабуд - кўк)га кўра номланган. Ўзбек тилидаги бўр, бўри, бўз сўзлари ҳам қадимда "оқиш-қулранг" маъносидаги сўздан келиб чиққан. Қадимги туркий тилда кўкар-

чин (кўккуш). Яна солиштиринг: кўкча — қовуннинг бир тури; қизилча — лавлаги ранг тусига кўра номланган. Бунда умумийликни англатувчи, маъноси кенг икки сўзнинг бирикуви фарқлаш талаби билан аниқ нарсанинг номини билдирувчи яхлит сўзга айланади: оқ қовун "оқ рангли ҳар қандай қовун" > оққовун — "қовуннинг махсус бир тури"; оқ қуш — "оқ рангдаги ҳар қандай қуш" > оққуш "қушнинг махсус бир тури" (лебедь); оқ тош — "оқ рангдаги ҳар қандай тош" > "Оқтош" — "оқ рангли тош кўп бўлган жой ва кон номи".

Олмалиқдан 23 км узоқликда жанубий шарқ томонда жойлашган Сариқчўққи кони номи ҳам халқ онгида амал қилувчи ранг-тусига кўра номлаш тамойили асосида келиб чиққан.

Сариқчўққи ҳудуди қадимда Саржайлоқ деб аталган. Олим И. Ёрматов тарихчи М. Е. Массоннинг фикрини келтиради: "Остатками города Илак именуют пожилые кураминцы и обширные развалины у кишлака Сарзаяляк" ("Джайлаунинг баши"): ("Илоқ тарихи", 43-бет).

Бу ердаги кон захиралари 1933 йилда аниқланган бўлиб, 1973 йил декабрь ойида Сариқчўққи конидан маъдан ортилган биринчи поезд мис бойитиш фабрикасига йўл олди ва Олмалиқда мис рудалари қазиб олиш 15% га кўпайди. Сариқчўққи конидан олинadиган руда таркибида мис-молибден моддаси асосий миқдорни ташкил этса-да, кумуш, олтин, селен, теллур, рений, каби моддалар ҳам маълум миқдорда учрайди. Маъдан таркибининг хилма-хиллиги, чўққининг сариқ ранги уни бошқа чўққилардан фарқловчи белгига айланган ва ана шу белги номлаш учун асос бўлган.

Кон номи манбаларда Сари чўққи, Сари чўқи, рус тилида эса Сары-Чёку каби кўринишларда ёзиб келинмоқда. Уни ўзбек тилида Сариқчўққи, рус тилида Сариқчукки каби ёзиш адабий метёр нуқтан назаридан тўғри ҳисобланади.

Сариқчўққи атамаси икки сўздан ташкил топган бўлиб, биринчи қисми - сариқ (шевада сари) сўзи (сифат), иккинчи қисми - чўққи (от) сўзлари бирикиб, "сариқ, сарғиш рангдаги чўққи" маъносини ҳосил қилган.

6. Ковулди — жой номи

Олмалиқ ҳудудидаги асосий конлардан бири Ковулди деб номланади. Бу коннинг номланиши ўсимлик дунёси билан боғлиқ. Жаҳон халқларида бирор ўсимлик билан жой номини аташ кенг тарқалган усуллардан биридир. Ковул, кавил сўзи қадимги

туркий сўзлардан бўлиб, Марказий Осиё, Сибирь ерларидан Волгабўйигача бўлган ҳудудларда қайд этилган. Бу сўз халқлар ва тилларнинг ўзаро алоқаси, таъсири масалаларини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таниқли туркийшунос олим Н.А.Баскаков "Тюркская лексика в "Слове о полку Игореве"(М., 1985, 109-бет) асарида бу сўзнинг "Игорь жангномаси" китобида по ковилю, на ковылу шаклларида учрашини қайд этиб, сўзнинг славян тилларига туркий тиллардан олинганини таъкидлайди.

"Ўзбекско-русский словарь" (М.,1959,196,216-бет)да ковул - кавар ботанический каперс қолючий тарзида изоҳланган. Ковулди сўзидаги -ди қисми -диқ, -лик, -лик, -лиғ қўшимчасининг тарихан фонетик ўзгаришга учраган ва муайян нарсанинг кўп учраши маъносини англатувчи қўшимчадир. Солиштиринг: кумлик- "қум кўп жой", қадимги ўзбек тилида: емиш (мева) - емишлик (мевазор), экин (ўсимлик) — экинлик (экин экиладиган жой). Солиштиринг: Бўстонлик — жой номи.

Ковул аччиқ, тахир анор доналарига ўхшаш қизил рангдаги, пўстлоқ ичида жойлашган мевалардан иборат бўлиб, Қурама воҳасида ҳам кўп учрайдиган ўсимликлардан биридир. Яна солиштиринг: -ли, -лик, қўшимчалари кумлик, қирлик, адирлик, текислик каби сўзларда кум, қир, адир текис сўзлари англатган нарсга эга, шундан иборат деган маънони англатади. Демак, Ковулди - "ковул кўп ўсадиган жой".

Ҳозирги кунда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ихтиёрига Чодак, Учқулоч, Хондиза кон ҳудудлари ҳам берилди. Кўплаб илтимосларга кўра, Хондиза жой номининг келиб чиқиши ҳақида ҳам маълумот беришни зарур деб ҳисобладик.

7. Хондиза - хон қўғоними?

Ўзбекистондаги жой номлари келиб чиқиши (аталиши)нинг хилма-хил асослари бўлиб, улар аҳолининг турмуши, касб - ҳунари, урф - одатлари, тафаккур тарзи, борлик ва дунёга муносабатига каби турли омиллар билан боғлиқдир. Жой номларининг келиб чиқишида умумийлик билан бирга, уларнинг ҳар бирида ўзига хослик, кишини ҳайрат ва таажжубга солувчи халқ донолиги ва топқирлигининг ажойиб бир намунаси сифатидаги хусусийлик ҳам намоён бўлади. Ватанимиздаги жой номларининг асосий қисмини ўзбекча сўзлар ташкил этса-да, ўрни билан бошқа тиллардан олинган сўзлар ҳам жой номлари таркибида учраб туради. Ана шундай номлардан бири - Хондиза (Хондиза, Хонжиза, Хонжизза) жой

номидир. Бу атама икки қисм-хон ва диза қисмларидан тузилган сўздир. Хўш, бу қисмлар қандай маънони англатади ?

Дунё тан олган буюк аллома, туркий тилларнинг улкан тадқиқотчиси М. Кошғарий (XI аср) "Девону луғотит турк" асарида ёзишича, бу сўз форс тилларидан олинган бўлиб, диз — "қалъа" маъносини билдиради.

Диз, диза, дизак шакллари Мовароунаҳр ва Хуросондаги турли жой номлари таркибида сақланиб қолган. Ватанимиздаги энг қадимги шаҳарлардан бири - Жиззах шаҳри номи ҳам айнан шу сўзга бориб тақалади.

Араб сайёҳлари Ибн Хавқал ва Муқаддасий асарларида бу шаҳар Дизак шаклида қайд этилган: сўғдча (сўғд тили эроний тиллардан бири) диз - "қалъа, истеҳком, девор билан тўсилган жой"; - ак - кичрайтиш маъносини билдирувчи қўшимчадир.

А. Навоий асарларида диз сўзи "қўрғон, қалъа" (оҳанин диз - темир қўрғон, мустаҳкам қўрғон маъносиди келади) (қаранг: "Навоий асарлари луғати", Тошкент, 1972, 190 - бет).

Жой номлари бўйича таниқли олим С. Қораевнинг кўрсатишича, XII - XIII асрларда Хуросонда Юқори Дизак, Қўйи Дизак қишлоқлари, Марв атрофида номли қишлоқлар бўлган. Зарафшон водийсида диз (диза) қисми қатнашган қишлоқ, маҳалла, шаҳар ва ариқ номлари ҳам анчагина миқдорни ташкил этган: Шаҳардиза, Сангдиза, Сафардиза ва б.

Жой номлари бўйича бошқа бир таниқли олим, профессор Т. Нафасовнинг қайд этишича, "Диза" - ясама сўз, у "қўрғон" маъносини англатган. Жиззах номига асос бўлган Дизак сўзи ҳам ясама сўз. Қарши ва Косон туманларидаги Жизза қишлоқларининг номи ҳам диза сўзидан. X - XIII асрлар Нахшаб (Қарши) ва Кеш (Шаҳрисабз), Бухоро вилоятидаги бир қанча қишлоқ номлари охирида диз. диза сўзи бўлган.

Ҳозирги Лаганди, Каманди, Апарди номларининг сўнгги қисми (- ди) ҳам диз. диза сўзига дахлдор. Диза сўзи "қўрғон" маъносинигина эмас, "қишлоқ" маъносини ҳам англатади.

Диз, қалъа (русча - крепость - "қўрғон, истеҳком") тушунчасини ифодаловчи сўзлар қадимдан дунёнинг барча минтақаларида ишлатилган. Ҳатто англизларда "менинг уйим - менинг қалъам" мақоли ҳам келиб чиққан.

Ўзбекистон ҳудудининг ҳам айрим минтақаларида диз сўзига тенг келувчи қалъа сўзи кенг ишлатилади. Хоразмда қадимги даврларда қала (қалъа) деганда, ички ҳовлиси бўлган ва қалин девор билан ўралган турар

жой тушунилган. Солиштиринг: Ичанқала – Дишанқала; Бўзқала, Чигатойқала, Дошқала, Юқориқала ва б.

Хуллас, жой номлари оламига уюштирилган кичик бир "саёҳат" дан шундай хулоса чиқаришимиз мумкин: Хондиза жой номидаги иккинчи қисм "қалъа, қўрғон, истеҳком, қишлоқ, маҳалла" каби маъноларда ишлатилган.

Маълумки, давлат тузилиши билан боғлиқ турли амал, мансаб унвон, гуруҳ ва табақаларга хос атамалар ҳам жой номлари таркибида ўрнашиб қолади. Булар тарихда хон, амир, бек, қози, арбоб, эшон, хўжа, тўра, шайх, бой каби атамалардир, чунки аниқ бир мулк (хусусий мулкни) номлашда унинг эгасининг номи асосий фарқловчи белгига айланади.

Бундай жой номлари ҳам азалдан сақланиб келмоқда: Амиробод, Қозиқўрғон, Эшонқишлоқ, Хўжаобод, Тўрақўрғон, Бекобод, Бекравот, Бойовул, Бойчеки, Боймаҳалла каби.

Хон атамаси ҳам жой номларига маълум ижтимоий талаблар асосида бириктирилган бўлади: Оҳангарон ўрта асрларда Хонобод деб аталган, Хоразмдаги Хонобод сув йўли (канал) Хоразм хони Муҳаммад Амин томонидан (1846 - 1855 йиллар) қурилган. Учқулоч қони яқинидаги Хонбанди қишлоғи ўз номини хон томонидан қурилган сув омбори (тўғони) - Хонбанди номидан олган. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида Хонобод, Хончорбоғ, Хонкўрик, Хонарик каби жой номлари ҳам маълум тарқалишга эга.

Аниқ бўлишича, Хондиза жой номини "хонга қарашли қўрғон, истеҳком, қалъа, қишлоқ" каби талқин қилиш мумкин. Унинг аниқ (конкрет) номланиши сабабларини эса махсус тарихий изланишлар асосида янада ойдинлаштириш қўшимча ўрганишни талаб этади. Бу жой номининг Хондиза, Хандиза, Хонжиза, Хонжизза каби турли шаклларда ёзилишига келадиган бўлсак, асл тарихий шаклни сақлаб қолиш тамойилига кўра Хондиза деб қатъийлаштириш, меъёрга келтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қадимдан тилимизда бошқа тиллардан ўзлашган айрим сўзлар ҳам учрайди. Бу сўзлар халқлар орасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқаларни акс эттиради. Ана шундай сўзлардан бири инжу сўзидир.

8. Чжень - чжудан инжу ва жемчутгача

Қадимги даврлардан кишилиқ жамиятида нодир металллар, қимматбаҳо тошлардан бир неча мақсадларда фойдаланишган. Улар тақинчоқ воситаси, безак, турли бало - офатлардан сақловчи "сеҳрли" буюм ҳамда мол (товар) айирбошлаш воситаси сифатида хиз-

мат қилган. Илмий - тарихий ва адабий манбалар, бадиий асарларда олтин, кумуш, мис, ёқут, кимсон (бронза), дур, лаъл, олмос, зар, зумрад, забаржад, марварид, ложувард, яшм, нукра, сийм, гавҳар, садаф, ақиқ(а), инжу каби қимматбаҳо, нодир металлларнинг номлари учрайди.

Оламнинг яхлитлиги, коинотнинг бирлиги ғоясини олға сурган А.Навоий ўз асарларида "ўн саккиз минг олам", "етти қават осмон", "етти сайёра" каби тушунчалардан фойдаланади. Тўрт унсур - сув, ҳаво, олов, тупроқ нурнинг маҳсули, ҳосиласи эканлигини алоҳида қайд этади:

Чарх еткурди ою кундан хишт,
Ясанур деб ер узра етти биҳишт.

Нодир металллар нафақат безак воситаси, балки бойлик эканлигини англаб етган халқ ва миллатлар уларни излаб топиш, қўлга киритиш учун интиланлар. Бир вақтлар Европа халқлари онгини "олтин васвасаси" эгаллаб олганлигини эслаш кифоя. Улар бошқа қитъаларда гўё уқулиб ётган олтин тоғларини кемаларга юклаб, Европага олиб келиш мақсадида дунё бўйлаб, жумладан, Ҳиндистон сари йўл олганлар. Мавжуд қитъаларнинг "кашиф этилиши", Америка, Африка, Ҳиндистоннинг мустамлакага айланиши бир маънода ана шу интилиш- "васваса"ларнинг оқибатидир.

Қадимда ҳукм сурган турк ҳоқонликлари билан Хитой ўртасида муносабатлар бир хил бўлмаган. Турк ҳоқонлари доимо Хитойга катта хавф солиб турган, бу мамлакат душманлардан сақланиш учун "Буюк Хитой девори"ни қуришга мажбур бўлади.

Марказий Осиё ҳам "ер узра етти биҳишт яратувчи" нарсалар - қимматбаҳо тошлар, маъданларга бой ўлка сифатида қадимдан машҳур бўлган. Тинчлик ва осойишталик замонларида мамлакатлар ва қитъалар ўртасида савдо - сотиқ авж олган. Қоғоз пуллар бўлмаган даврларда қимматбаҳо нарсалар ва тошлар, сўнг олтин, кумуш, мис каби металллардан ишланган тангалар муомала воситаси сифатида хизмат қилган.

Шарқ - Хитойдан бошланган "Буюк ипак йўли" турли ўлка ва ҳудудлар оша Фарбий Европа мамлакатларигача етиб борган.

Савдо - сотиқ азалдан халқлар ва мамлакатларни ўзаро яқинлаштирувчи бир омилдир. Ана шу жараёнда халқлар бир-бирларидан нафақат нарса - буюмларни балки, уларнинг номларини ҳам олганлар. Ҳозирги ўзбек тилидаги чой, манги, шийпон каби сўзлар хитой тилидан олинган сўзлардир.

ИНЖУ сўзи ҳам қимматбаҳо нарсa - марварид маъносидаги хитойча **ЧЖЕНЧЖУ** сўзининг тилимиз табиатига маъно ва товуш жиҳатидан мослашган кўринишидир. М.Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" (XI аср) асарида бу сўз йунжу, йинжу, бошқа тарихий асарлар, жумладан, А.Навоий асарларида йунжу, йинжу, инжу каби шаклларда учрайди.

Ҳозирги туркий тиллардан тува тилида **ЧИНЧИ**, туркман тилида **ХУНЖИ**, уйғур тилида **УНЖА**, татар тилида **ЭНЖЕ**, турк тилида **ИНЖИ** **ЙИНЖИ** каби кўринишларда ўрнашиб қолган.

Олимларнинг қайд этишича, бу сўз туркий тиллар орқали рус тилига ҳам ўзлашган. XII асрда яратилган "Игорь жангномаси" ("Слово о полку Игореве") асарида бу сўз **ЖЕНЧЮГ**, **ЖЕМЧЮЖНУ** тарзида учрайди. Ҳозирги рус адабий тили тиркибига тарихий тараққиёт натижасида **ЖЕМЧУГ**, **ЖЕМЧУЖИНА** сўзлари марварид, дур, марварид донаси, дурдона каби муҳим тушунчаларнинг номи сифатида қатъий ўринлашди. В.Сигединнинг Олмалиқ тоғ - металлургия комбинати тарихига бағишланган бир китоби "Алмалыкская жемчужина" (Тошкент, 1999) деб номланиши юқорида маъноларда Ватанимизнинг, жумладан, Қурама воҳасининг бойликларига ҳам ишора этади. Улкан аллома, академик, адиб ва шоир Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек айтганларидек:

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

БУЮКЛАР ҚАТОРИДАГИ БУЮК ИНСОН

А.Навоий 1441 йилнинг 9 феввалида Темурийлар салтанатининг бош шаҳарларидан бири Ҳиротда туғилган. Отаси Фиёсиддин Муҳаммад замонасининг илғор ва донишманд кишиларида бўлиб, Темурийлар хонадонига яқин шахслардан бўлган.

У ҳаммактаб дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзо (1469-1506 йиллари ҳукмронлик қилган) саройида 1472-1489 йиллари олий ижроия мансабларида ишлайди. Бу ҳақда у "Маҳбубул қулуб" ("Кўнгилларнинг севгани") асарида шундай ёзади: "Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим".

Алишер Навоий ана шу йиллари ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашиш билан бирга, ўзбек тили ва адабиётини, ўзбек маданиятини ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқди. Амир Темур салтанати туфайли иқтисод, сиёсат, маънавиятда эришилган улкан ютуқларини ўз асарлари билан мустаҳкамлади. Буюк мутафаккир асарларида борлиқ ва унинг моҳияти, шахс ва жамият, давлат ва унинг бошқариш усуллари, комил инсон, яхши хулқ-одоб, умуминсоний ва миллий қадриятлар ўз ифодасини топган. Даҳо инсон умри давомида 30 дан ортиқ асарлар ёзган. Бу асарлар, айниқса, беш дostonдан иборат "Ҳамса" асари жазон адабиётининг энг мукамал, тенги йўқ асарлари сирасига қиради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" асарида: "Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил билан то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтган эмас" деб, Навоий ижодига юксак баҳо беради. Бу улўғ инсон фазилатлари, хайрли ишлари ҳақида Абдураҳмон Жомий, Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд ва Хондамир каби алломалар махсус китоблар ёзганлар. Хондамир "Макоримул-ахлок" ("Яхши хулқлар") асарида "олий мартабали, ҳидоят насабли, покиза табиатли, соф ниятли, салтанат суянчиги, мамлакат устуни, ҳоқоний давлатининг ёрдамчиси, султон ҳазратларининг яқини", деб буюк бобомизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кўрсатиб ўтади.

Бу буюк зот инсонларни тўғри сўз,инсофли, меҳр-мурувватли, иймон-этиқодли бўлишга чақирар, амалдор ва мансабдорларга насиҳат тариқасида мактублар ҳам ёзар эди. Бир мактубда: "Пок ва улуғ тангри бу давлат ва мартабани бахш этган подшога яқинлик шарафини марҳамат қилган кишиларга илтимос шуки, ўзларини ғурур ва ғафлатга солмасинлар, дунё ва охират зарарларини ўзларига раво кўрмасинлар. Кучсизлар ва бўйсунувчиларга шафқат, меҳрибонлик кўрсатсинлар. Ҳар бир ишда ихлос ва ростликни касб қилсинлар... Бирор ишда подшо маслаҳати бўлганда, ўз маслаҳатларини ўртага қўймасинлар", деб йўл-йўриқ беради.

Алишер Навоий наздида инсон мавжудотлар орасида энг аъло-си - "ганжи роз" дир:

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Ана шундай шарафланган мавжудот — инсон ўзини эзгу ишларга бағишлаши лозим. Саодатга эришишнинг бош йўли - яхшилик қилиш, яхши ном қозонишдир:

Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Навоийнинг фикрича, "Ҳамма таълимотларда ва ҳамма миллат кишилари қошида - яхшиликка яхшиликдан бошқа мукофот йўқлиги исботланган". Шу билан бирга,"Ёмонларга лутфу қарам қилмоқ яхшиларга зарар ва озор бермакдир".

Меҳнат ва бойлик, мол-мулкни қадрлайдиган инсон ўз маблағларини эл манфаати, фаровонлиги учун сарфлар экан, бу сарф нафақат элга, балки ўзига ҳам катта фойда келтиради:

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзингга кўпрак дурур.
Жонинг учун махзан эшигини оч,
Нақдин олиб сочу ўз ўрнига соч.
Бу дуру серобни хор айлама,
Бухл ҳисобида шумор айлама.

Алишер Навоийнинг таъкидлашича, саховат, меҳр-мурувват, инсоф ва иймон инсон умрини безар экан, умрни ва маблағни асрамаслик, уни исроф қилиш манманликка, ўзидан кетиш ва такаббурликка олиб боради. Муҳтож бўлмаган одам-

ларга дастурхон(супра) ёйиш, тўн бериш, юз йилқиси бор одамга йилқи(от) тортиқ қилиш, қуёшга ёрдам бўлсин деб кундузи саноқсиз шам ёқиш ана шундай ёмон хислатлардандир:

Ёяр анга супраки, ул оч эмас,
Берур анга тўнки, яланғоч эмас.
От анга тортарки, юз илқиси бор,
Сийм анга берурки, юз илғиси бор.
Шамъни кундуз ёритур беадад,
Меҳр зиёсига берай деб мадад.

Алишер Навоийнинг барча асарларида инсоний фазилатлар улуғланади, тўғрилиқ, ростлик, ғайрат, шижоат, мардлик каби хислатлар туфайли инсон комиллик босқичларидан ўтиб, ўз умрини безайди.

Инсоният учун табаррук зотлардан бири бўлган бу буюк мутафаккирнинг асарлари, ибратли ишлари халқлар ва миллатларни яқинлаштириб, истиқлол эрк ва мустақилликка эришган Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилмоқда.

Хурматли Президентимиз Ислом Каримов Навоий шаҳрида, улуғ бобокалонимиз ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқларида шундай деган эдилар: "Аввало, Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бугун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир... Агар шоир асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида "халқ", "эл", "улус", "юрт", "раият" деган сўзларнинг "мурувват", "оқибат", "саховат", "садоқат" сўзлари билан узвий боғланиб кетганини кўрамиз."

Юртбошимиз давом этиб яна бир ҳолатни таъкидладилар: "...ўзингиз бир ўйлаб кўринг, умр бўйи етим-есир, бева-бечора, ногирон ва муҳтожларга мурувват кўрсатиб келган, эл-юрт учун ўз ҳисобидан мактаб-мадрасалар, шифохона ва ҳаммомлар, йўл ва кўприклар, боғ-роғлар бунёд этган, илм-фан ва маданият аҳлининг чинакам ҳомийси бўлган бу беназир зотнинг мана шундай савобли ишларида ҳар биримиз учун ибрат ва сабоқлар бор эмасми?"

Ўзбекистонда меҳр ва мурувват замирида халқимизга хос бағрикенглик, олийжаноблик, беминнат ёрдам, қўллаб-қувватлаш каби инсоний фазилатлар ўз мужассамини топган.

Халқимизнинг буюк фарзандлари, айниқса, Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятида бунӣ яққол кўришимиз мумкин. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Навоий мансабдорлик йилларида факир ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариб ва мусофирларнинг фароғати учун Хуросон атрофларида кўп миқдорда хонақоҳ, рабоб, ҳовуз ва ҳаммомлар қурган.

Шаҳардаги энг катта бозор - Малик дарбозасидан бошланувчи Шимолий бозорда Навоий томонидан "Чорсу" бунёд этилади. Ана шу даврда ҳаёт ва илмнинг адабиёт, сиёсат, тарих, иқтисодиёт, бинокорлик, наққошлик, хаттотлик, мусиқа каби соҳаларини қамраб олган ўзига хос маскан - Навоий академияси пайдо бўлдики, бу Шарқ Уйғониш (Ренессанс) даврининг юксак чўққиси эди.

Алишер Навоий ижодий фаолиятида ҳам халқчиллик, инсонпарварлик, эзгулик ва саховат туйғуларига содиқ қолди. Унинг "Одам Ато ва Момо Ҳаво наслидан эсанг, халқ ғам- ташвишларини ўзиники деб билмайдиган кимсаларни бу наслдан деб ҳисоблама" мазмунидаги:

Одами эрсанг демагил одами,
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами

мисралари умумхалқ мулкига айланиб қолди.

Навоий наздида ота-онага меҳр ва фарзандлик бурчи энг улуг туйғу ва муқаддас бурч саналади:

Бошни фидо қилғил ато бошиға,
Жисмни қил садқа ано қошиға.

Хайр-саховат, меҳр-мурувват ҳар кишининг эътиқод ва иймонидан келиб чиқадики, хайр-саховат бойликнинг кўпайишига, иймоннинг мустаҳкам бўлишига олиб келади, дейди Навоий. Ва яна у "Ҳимматли инсонлар обрў орттирадилар, доимо эл назарида юрадилар" дея таъкидлайди.

Алишер Навоий тузлук (тўғрилиқ) ҳақида фикр юритар экан, фойда ва сармоя нопок йўллар билан топилса, унга қурилган амаллар ҳам охири барбод бўлиши муқаррарлигини (чунки эгри кўнгил, эгри қилиқли кишининг юриш-туриши ҳам эгри бўлади) алоҳида таъкидлайди.

Навоий ҳар бир инсон ирода эркинлигига эгаллиги ва ўз фаолияти оқибати учун масъул эканлиги ҳақидаги фалсафий-ижтимоий таълимотни ривожлантирди. Бу таълимот нафақат ислом ғоялари, балки тарихий ўтмишга хос умуминсоний ва умумба-

шарий қадриятларни ҳам ўзида ифодалаган эди.

Ўзбекистонда Навоий ижоди ва фаолияти айни кунларда юксак қадрланмоқда. Улуғ бобомиз ижодини холис тамойиллар асосида ўрганиш имкони юзага келди. Ана шу имконни яратиш йўлида минг-минглаб мустақиллик фидойилари кураш олиб борган эдилар. Буюк бобомиз ҳам ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек маданияти, ўзбек миллий мафкуриси, ўзбек давлатчилиги учун ўз жони ва молини аямаган, бутун бир жамиятни тўғрилиқ ва эзгулик сари йўллаган фавқуллодда бир истеъдод соҳиби эди. Қалби меҳр ва мурувватга тўла бўлган бу инсон дини, тили эътиқодидан қатъи назар, дунё аҳлининг эътирофи ва ҳурматиغا сазовор бўлди.

Алишер Навоий ўзбек тилининг ҳеч бир тилдан кам эмаслигини ўз асарлари ва фаолиятида исботлади. Бу йўлда, яъни ўзбек халқининг ўзи ҳам хабардор бўлмаган, бошқалар эса тан олишни истамаётган миллий, маънавий бойликни кўрсатишда кўп ранж ва машаққатлар тортди, лекин бу ишни олий даражада уддалаш шарафига муяссар бўлди. Ватан ва халқ равнақи, осойишталиги учун курашган фидойи инсон сифатида Алишер Навоий ҳамма вақт халқнинг юксак ҳурматиغا сазовор бўлиб, ибрат ва сабоқ намунаси бўлиб келмоқда.

Темурийлар салтанати, хусусан, Хусайн Бойқаронинг кўмаги ва мадади Алишер Навоий учун оламшумул асарлар яратиш, илм-фан, маданият аҳлига бош ҳомий бўлиш учун имкон яратди. Алишер Навоий Ҳирот ва унинг атрофларида ўз маблағи ҳисобидан ободончилик ишларини олиб борган.

Жамият ривожига беминнат хизмат кўрсатувчи саҳий инсонлар доимо эл назарида юрадилар:

Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур олам аҳли аро аржуманд.

Алишер Навоий саҳийлик ва мурувват билан биргаликда, бойликни беҳуда ишлар, таъмағирликка сарфлашни қўғалайди, турли дабдабали маросимлар, исрофгарчилик, ношукурлик эканини, бундай ишларнинг оқибати хорликка олиб келишини таъкидлайди.

Навоий асарларида тан ва руҳ мутаносиблиги, уларни парвариш қилиш инсонни комилликка етказишини кўрсатади. Тан соғломлиги, унинг ривожини учун макон бўлиши кераклигини, турли номақбул одатлар билан танга азоб бериш руҳнинг қийна-

лишига, азоб чекишига, инсон таназзулига олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди. Инсон ҳам тан (бадан) тарбияси, ҳам руҳ (жон) тарбияси билан машғул бўлиши лозим. Бу ўринда табибларнинг ҳам ўзига хос заҳматли меҳнатига эҳтиёж бордир. Навоийнинг айтишича, "Табиб ўз фанининг моҳир билимдони бўлиши, беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилиши; асли тиб илмига табиати келишмоғи, донишмандлар сўзига риоя қилиб, уларга эргашмоғи; мулойим сўз ва бемор қўнглини қўтарувчи; андишали, хушфеъл бўлмоғи керак. Ўткир ва шафқатли табиб Исога ўхшайди. Исонинг иши чиққан жонни дуо билан танга киритиш бўлса, бунинг иши эса тандан чиқмоқчи бўлган жонни даво билан чиқармасликдир... Унинг юзи нажот келтирувчи Хизрни, берадиган шарбати эса тириклик сувини эслатади".

Истиқлол Ўзбекистон халқи, ўзбек миллати учун ривожланиш, тараққиётнинг тамомила янги бир даврини бошлаб берди. Қадимги ўзбек давлатчилиги анъаналарини давом эттирувчи, умуминсоний ва миллий қадриятларга таянувчи давлат — Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида пайдо бўлиши тасодифий бир ҳол бўлмай, аجدодларимизнинг минг йиллар давомида мустақиллик учун олиб борилган ғалаба ва фожиаларга, армон ва изтиробларга тўлиқ курашлари, интилишларининг қонуний ва мантиқий натижасидир.

Ўзбекистон халқининг тенглар аро тенг эканлиги, ҳеч бир халқ ва миллатдан қолишмайдиган улкан салоҳиятга, мислсиз ва туганмас миллий-маънавий куч-қудратга эгалиги ўз даври ва кейинги авлодлар учун бор қўлами билан кўрсатган буюк аجدодларимиз қаторида улуғ инсон Алишер Навоийнинг ҳам ўз муносиб ўрни бор.

Маълумки, араб итилобидан сўнг IX-XII асрларда туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи ҳаётида улкан тикланиш - биринчи Уйғониш даври юз берган бўлса, иккинчи ана шундай тикланиш буюк бобомиз Амир Темур номи билан боғлиқ.

Амир Темур салтанатининг куч-қудрати ва шукуҳи барча соҳаларда ривожланиш ва тараққиётга олиб келади. Алишер Навоий бор кучини Темурийлар салтанатини мустаҳкамлашга, мамлакатда тинчлик ва бирдамлик ўрнатишга сарфлади.

Шоир наздида инсон мавжудотлар аълоси, тириклик гултожидир. Ана шундай номга муносиб бўлиш учун ҳар бир инсон комилликка интилиши, ғафлат ва жаҳолатда қолиб кетмаслиги,

бойлик ва мансабга мағлуб бўлмаслиги, ҳаёт гулшанидан келаётган ҳар нафаснинг қадрига етиши зарур:

Лутф ила айлади инсон сени,
Дин йўлида қилди мусулмон сени.
Берди кўрар кўзу эшитар қулоқ,
Айтур тил, атрни англар димоғ.
Андоқ илик доғики, тутгай таом,
Андоқ аёқ доғики, қилгай хиром.

Мукамаллик тимсоли бўлган инсон ўзини асраши, ўзгаларга зиён-захмат етказмаслиги, бу дунёга меҳмон эканлигини унутмаслиги лозим:

Асра ўзингни биров озоридин,
Кимсага озурдалиқ изҳоридин.
Ким чаман ичра хиромон эрур,
Барчаси бир-бирига меҳмон эрур.

Эзгулик йўлида моли-ю жонини аямайдиган камтар, мурувватли инсонлар яхшилиқнинг "гадосидир"

Барча гадо олдида бўлгил гадо,
То санга шаҳ қурбини бергай худо.
Бўлса гадо тенгридин огоҳлиги,
Бордур анга икки дунё шохлиги.

Алишер Навоий асарлари у ҳаётлик давридаёқ кўп ўлкаларга етиб борган эди. Унинг беш дostonдан иборат "Хамса" асари Шайх Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавийларнинг "Хамса"лари қаторида жаҳон адабиёти дурдонасининг мумтоз асарлари сирасига киради.

Алишер Навоийнинг шон-шухратини таратган яна бир фазилати ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай ёзади: "Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлгай... Мунча бинойи хайр ким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлгай..."

Замонасининг бир қанча алломалари шоиру донишмандлари билан ва санъат аҳллари унинг бевосита моддий ва маънавий ёрдами билан элга танилдилар. Алишер Навоий бу инсонларнинг қобилияти ва салоҳиятини илму маърифат ривожланиши йўлига йўналтирди.

Навоийнинг буюртмаси билан олимлар турли мавзуларда 50 дан ортиқ китоб ёзганлар. Биргина Жомийнинг ўзи Навоийнинг илтимоси ёинки унга бағишлаб 27 та асар ёзган.

Навоий ўз маблағи ҳисобидан Ҳиротда 20 га яқин ҳовуз, 9та катта ҳаммом, 15 та кўприк қурдирган. Шаҳардаги Инжил ариғи бўйида илмга ихлос қўйган ёшлар учун "Ихлосия" мадрасасини, дарвешлар учун "Халосия" хонақоҳини, беморларни даволаш ва табобатдан дарс ўтиш учун "Шифоия" масканини бунёд эттирди.

Тарихчи Мавлоно Хондамирнинг маълумот беришича, толиби илмлар учун Алишер Навоий ҳисобидан ҳар йили икки мингга яқин пўстин, чопон, кўйлак ва оёқ кийими берилган, мударрислар ва талабаларга доимий маош белгиланган. Қосим Анвор, Фаридуддин Аттор каби кўплаб буюк зотлар мазорлари устига ёдгорликлар ўрнатган.

Чашмаи чил сувини Машҳад шаҳрига олиб келиб, аҳолини сувсизлик азобидан қутқарган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қайд этишича, Навоий ҳатто Бойқарога ҳам кўмак берган эди: "Мирзодин ҳеч нима олмас, балки йилда Мирзога куллий маблағлар пешкаш қилур эрди".

Донишманд бобомиз даромадларининг жуда кичик бир қисмини, ўртаҳол бир одамнинг тирикчилик қилиш учун зарур бўлган қисминигина олиб қолар, ўз даромадини деярли ҳаммасини мамлакат ободонлиги учун сарфлар эди. Бу ҳақда ўзининг "Вақфия" асарида: "...ўз маошига соир авомдин бирининг маоши ўтгунча иссиқ-совуқ дафъи учун..." деб ёзади.

Алишер Навоий бир асарида ҳиммат, ғайрат-шижоат, меҳрмурувват, мардлик ва фидойилик буюкликдан нишона эканлигини куйидаги мисраларда муҳрлаган эди:

Бийклик келди ҳимматдин нишона,

Ки ҳимматсизни паст этди замона.

Миннатдор халқимиз Алишер Навоийнинг хизматларини юксак даражада қадрламоқда. Буюк бобомиз шу кунларда ҳам истиқлол, эрк ва мустақиллик, умуминсоний ва миллий қадриятларнинг муаззам тимсоли сифатида яшаб, эл-юртнинг хайр дуоси ва олқишига сазовор бўлмоқда.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕК ТИЛИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Юртбошимиз Ислом Каримов "Фидокор" газетасидаги суҳбатда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда бир қанча муқаддас туйғулар, хусусан, она тилига муҳаббат туйғуси алоҳида аҳамиятга молик эканлигини таъкидлаб, шундай деган эдилар: "Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади... Она тили бу миллатнинг руҳидир, ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлитидан жудо бўлиши муқаррар".

Шу маънода 1989 йилнинг 21 октябрида "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқи ҳаётидаги буюк ижтимоий сиёсий, маданий-маърифий воқеалардан бири бўлди. Бу қонуннинг қабул қилиниши моҳиятида халқимизнинг, фидойи зиёлиларимизнинг кўп минг йиллик кураши тарихи акс этган. Бу кураш айни даврда она тилининг мавқеи ва мақомини ўз ўрнига қўйиш, миллий онг, миллий тафаккур, миллий ғурур ва қадриятларни тиклаш йўлидаги фожиали ва мардонавор ҳаракатларнинг мантикий давоми сифатида кўринади. Халқ ҳаётидаги иқтисодий-сиёсий мустақилликни маданий-маърифий мустақилликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қадимда Евроосиё кенгликлари, Марказий Осиёда кучли марказлашган турк ҳоқонликлари, жумладан, Шарқий ва Ғарбий турк ҳоқонликлари ҳукм сурган. Бу ҳоқонлик халқи турк будун (турк эли) деб юритилиб, унинг таркиби ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, озарбайжон, татар, бошқирд, уйғур каби ўтгиздан ортиқ халқларнинг аجدодларидан иборат бўлган. Бу элнинг ўз ери ва Ватанини, тили ва эътиқодини авайлаб-эъзозлагани аجدодларимиз томонидан яратилган битиктошларда ҳам муҳрланган.

Араблар босқини "Авесто"да ўз ифодасини топган минг йиллик тарихга эга бўлган салоҳият(менталитет)имизни йўқ қила олмади. Бу даврда ҳам мустақиллик учун аёвсиз кураш кетди. Араб ва форс тили билан бўлган рақобатда туркий тил ҳам ўз йўлини топиб олди. Араблар босқинига барҳам берилиб, туркий халқлар ва давлатларнинг кучайиши муносабати билан Маҳмуд Кошғарий

саводли кишиларни туркий тилларни ўрганишга чақирди. У: "Худо давлат қўёшини турклар буржида яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни турк деб атади, мулкка эга қилди. Уларни замонамизнинг ҳоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жиловини шулар қўлига топширди. Халққа бош қилди, буларни тўғри йўлга юришга қодир қилди. Буларга қарашли кишиларни ғолиб қилди... Ишончли бир бухоролик олимдан ва нисобурлик олимдан шундай эшитган эдим, улар бу сўзни пайғамбарга нисбат бериб айтган эдилар: пайғамбар қиёматнинг белгилари, охир замон фитналари ва ўғуз туркларининг хуружи ҳақида гапирганда, шундай деган эди: "Турк тилини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этади". Ҳадиснинг тўғри ёки нотўғрилиги айтган кишилар гарданига. Агар тўғри бўлса, турк тилини ўрганиш вожиб, зарурдир: ҳадис тўғри бўлмаган тақдирда ҳам уни ўрганиш зарурлигини ақл тақозо қилади", дейди. Шу билан бирга, Маҳмуд Кошғарий она тилининг тозаллиги ва софлиги учун курашиш муҳимлигини айтган эди.

Мўғул истилоси Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тараққиётига кучли зарба берди. Шунга қарамай, улкан тарихий-маънавий қадриятга эга бўлган халқ фидойи фарзандларининг матонати ва жасорати буюк соҳибқирон Амир Темури бошчилигида мустақилликни тиклаш имкониятини яратди. Миллий мустақиллик ва миллий уйғониш даврининг жаҳонда янги ва тақдорланмас ўзига хос босқичи ва кўриниши намоён бўлди. Бу мустақиллик нафақат иқтисод ва сиёсатда, балки илм-фан, тил ва адабиёт тараққиётида ҳам бемисл натижаларга, Темурийлар салтанатининг мавқеи ва шукуҳи эса ўзбек тилининг давлат тилига айланишига олиб келди. Маълумки, тил халқни, давлатни бирлаштирувчи вазифани ҳам бажаради. Навоий асарларининг шон-шухрати туфайли ўзбек тили қўлланилиш ҳудудларини кенгайтириб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда мавқеини абдий мустаҳкамлади, Кавказ, Волгабўйи, Дашти Қипчоқ ерларига ҳам бориб етди. Шу сабабдан, Навоий фахр билан қуйидаги мисраларни битган:

Тахти фармонимга олибмен осон,
Черик чекмай Хитодан то Хуросон.
Турк назмида чу тортиб мен алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам.

Хуллас, буюк бобомиз Алишер Навоий ўзбек тилига жаҳон

тиллари сирасидан ўрин олиб берди. Бу ўрин - туркий тил бойлиги - халқ оғзаки ижоди, жаҳондаги энг яхши фалсафий-адабий анъаналар асосида қўлга киритилган эди. Мустақилик йилларида она тилимиз ўзининг тарихий илдизлари билан яна боғланди. Ҳозирги кунда адабий тилимизда чуқур ижтимоий жараёнлар - янгиланиш ва имкониятларнинг қайта "кашф этилиши" жараёнлари кечмоқда. Бу иқтисод ва сиёсатда, тафаккур ва дунёқарашда миллий истиқлол ғояларининг тобора мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради.

Кишилиқ жамияти ва давлатлар пайдо бўлгандан бошлаб тил қурилиши, тил сиёсати, давлат тили масалалари ҳам алоҳида аҳамият касб эта борган. Мустамлакачилик, зулм ва ўравонликка асосланган жамият ва давлатларда ҳукмрон халқнинг тилига катта имтиёзлар берилиб, ерли ва маҳаллий халқларнинг тиллари эса аста-секин ишлатилишдан қолиб, "ўлик" тилларга айлана боради. Бунга тарихдан Шимолий ва Жанубий Америка, Африка ва Ғарбий Европа мамлакатлари ҳаётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айрим ижтимоий-сиёсий шароитларга кўра, Европада латин тили, ўрта асрларда Яқин Шарқда араб тили, XVII асрдан бошлаб португал, испан, француз, немис, сўнг инглиз ва рус тиллари жаҳонда етакчи мавқега чиқиб олдилар. Ўзбек тили кучли ижтимоий маънавий салоҳияти туфайли дастлаб араб тили ва форс тили, сўнг рус тилининг таъсирига қарамасдан, миллий моҳияти, миллий руҳиятини сақлаб, жаҳондаги ривожланган тиллар қаторидан ўрин олиб келмоқда. Келиб чиқишига кўра тили туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, бу оилага ўзбек тили қатори турк, озарбайжон, туркман, қозок, қирғиз, татар, бошқирд, ёқут каби ўттиздан ортиқ тиллар киради. Туркий оламнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни ўзига хос ва бетакрор бўлиб, бу ўрин қадимги ўтроқлашиш маданияти, шаҳарсозлик, деҳқончилик ва ҳунармандчиликка хос ноёб тажриба, бошқа моддий-маънавий бойликлар билан белгиланади. Ўзбек миллати асрлар оша ўз тили ва урф-одатлари, қадриятларини авайлаб сақлаб келди. Унинг М.Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атоий, Саккокий, Лутфий, А.Навоий, Мирзо Бобур, Огаҳий, Фурқат, Муқимий, А.Қодирий, Ойбек, А.Каҳҳор, Фафур Гулом каби минглаб фидойи ва донишманд фарзандлари она тилининг эътибори, мавқеи, тозалиги, тушунарли бўлиши, миллий асосдан узоқлашмаслиги учун кураш олиб бордилар, ўзбек тилининг нафақат миллий, балки умуминсоний, умумбашарий тушунча

ва қадриятларни ҳам ифодалай олиш қобилияти ҳеч бир тилдан қолишмаслигини амалда исботладилар. Она тилимиз - ўзбек адабий тилининг яқин янги ва юксак тараққиёт босқичига кўтарилишида Темурийлар салтанатининг хизматлари беқиёсдир. Амир Темур, Мирзо Улугбек, Ҳусайн Бойқаронинг фармон ва кўрсатмалари, моддий ва маънавий ёрдамлари туфайли ўзбек тили шу даврда расмий давлат тилига кўтарилган дейиш мумкин. Бу даврда ўзбек шоирлари орасида форс тилида ижод қилувчилар камайиб, она тилида ижод қилувчилар миқдори кўпайиб борди, тожик-ўзбек икки тиллилиги ("зуллисонайнлик") ўрнига ўзбек-тожик икки тиллилиги нуфузи орта борди. Бунга буюк даҳо А.Навоийнинг ижоди яққол мисол бўла олади. Айнан шу даврда ўзбек тили қўлланилиш ҳудудларини кенгайтириб, Мовароуннаҳр ва Хуросон билан бирга, Яқин Шарқ, Кавказ, Волгабўйи, Сибир ва Хитой ерларигача етиб борди. Бу ҳақда А.Навоий ўзбек тили("турк алфози")нинг имконияти ва бойликлари нақадар кенглигини, тўрт девон ("Ҳазойинул-маоний") ва панж ганж ("Ҳамса") асарларини шавқ ва завқ билан ёзганини, ўзбек назмида байроқ(қалам) кўтариб, мамлакатни бир тил (қалам) остига бирлаштирганини, қўшин тортмай (черик чекмай) Хитойдин Хуросонгача бўлган ерларни ўз фармони (адабий-маданий бирлик) остига олганлигини фахр ва гурур билан шеърий сатрларда баён этади.

А.Навоий даври ўзбек маданияти ҳақида фикр юритар экан, бу маданиятнинг жаҳоншумул аҳамияти хусусида атоқли адиб Чингиз Айтматов ўтган асрнинг 80-йилларида эълон қилинган "Яшнаб-яшариш дарахти" мақоласида: "Византия маданияти славян маданиятига қай даражада таъсир ўтказган бўлса, ўзбек маданияти ҳам Марказий Осиё халқлари маданиятига шу даражада таъсир ўтказган", - деб таъкидлаган эди. Жаҳон ҳамжамияти бўстонида улкан чинордек яшнаб-яшараётган маданиятимиз, она тилимиз теран илдизлари билан бир неча минг асрлар қаърига бориб тугашади. Бу тил қадимги анъаналар, халқ оғзаки ижоди, халқ шева ва лаҳжалари, кўҳна ёзув ёдгорликлари, оғзаки нутқ, илмий-бадий адабиётнинг энг яхши ютуқларини ўзига сингдирган бой миллий-адабий тиллардан биридир. Ўзбек тили кўпмиллионли аҳоли учун она тили, ардоқли ва эъзозли тилдир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон жамиятида нафақат ўзбек тили, балки мамлакатимизда яшаётган бошқа миллат ва халқларнинг тиллари ва маданиятлари ривожини учун ҳам тенг ва эркин шарт-шароит яратиб берилган. Бу қонунларимизнинг ин-

сонпарварлик ва демократик тамойилларидан келиб чиқади.

Тил — миллат ҳаёти, турмуш тарзи, тафаккур олами, ўй-фикрлари, маънавий-маданий қобилиятининг ажралмас қисми, ўзига хос инъикоси ёки кўзгусидир. Тил жамиятда алоқа, ахборот алмашув воситаси бўлиш билан бирга, аввалги авлодлар тажрибасини кейинги авлодларга етказувчи ҳамда жамият аъзоларини тарбияловчи, таълим ва сабоқ берувчи асосий воситадир. Ўзбек тили ҳам кўп асрлар давомида юқорида кайд этилган бу уч вазифани мукамал ва тўла-тўқис адо этиб келмокда.

1991 йил 31 августда миллий истиқлол эълон қилиниб, унинг сиёсий, ҳуқуқий, иктисодий, маънавий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил 8 декабр)да ўз ифодасини топди. Ҳаётимизнинг асосий Қонуни 4-моддасида шундай дейилади "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир". Шу билан бирга, "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади".

Мана шу ихчам, мазмунли жумлаларда халқимизнинг кўп асрлик орзу-интилишлари, мақсад ва ниятлари акс этган. Жаҳондаги бошқа халқлар каби ўзбек халқи кўпминг йиллик тарихга эга. Бу тарих бошқа ёдгорликлар қатори, она тилимиз ўзбек тилида даврлар ошз миллий ғурур, ўзликни ва дунёни англаш, миллий руҳ ифодачиси сифатида сақланиб, тараққий этиб келмокда.

Халқнинг, миллатнинг асосий белгиларидан бўлган тил унга шодлик кунларда ҳам, ғам-ғуссага, ташвишга ботган кунларда ҳам доимий йўлдошдир, унинг фикрлари, ҳис-туйғулари ифодасидир.

Араблар босқинида юксалиб келаётган маданиятимиз, давлатчилигимиз оғир зарбага учради. Берунийнинг ёзишича, араблар халқимизга тегишли бўлган минглаб қўлэзмаларни Бухоро шахрининг марказий майдонида ёндириб юборганлар. Лекин мустақиллик учун кураш тинмади. X асрдан бошлаб Марказий Осиё ва унинг ташқарисида ҳам кучли туркий давлатлар (Қорахонийлар, Хоразмийлар, Салжукийлар, Ғазнавийлар) пайдо бўлиб, илм-фан, маданият юксалиши мустақиллик шарофатидан эди. Айни шу даврда халқимиз фарзандлари - Форобий, Беруний, Ибн Сино, Хоразмий ижтимоий ва аниқ фанлар соҳасида жаҳоншумул кашфиётлар қилдилар. XI аср ва бундан кейинги асрларнинг паҳлавон тилшуноси Маҳмуд Кошғарий (XI аср) ўзининг "Девону луғотит турк" асарида туркий халқ ва қавмларнинг Хитойдан араб ерларигача, Рум ерларидан Русия ерларигача

тарқалганлигини қайд этар экан, бу ўлкаларда туркий тилларнинг мавқеи баландлигини, бошқа халқлар учун муомала воситаси бўлаётганлигини кўрсатди.

Алишер Навоий кўп ранж ва машаққатлар муқобаласида ўзбек тилига жаҳон тиллари қаторидан фуқаролик ҳуқуқини олиб берди. Жаҳоншумул "Хамса" асари, "Ҳазойинул-маоний" шеърлар девони, кўплаб тарихий-илмий асарлар билан ўзбек тилининг дунёдаги бирор тилдан қолишмаслигини, улардан бирор жиҳатдан кам эмаслигини, айб халқ тилида эмаслигини, айб ўз она тилининг ички имкониятларини оча билмаган, бошқа тилларга "маҳлиё" бўлиб, она тилисига бефарқ, лоқайд қараган олиму ижодкорларда эканлигини исботлаб берди. Шу сабабдан, Алишер Навоий ижоди ва маънавияти барча замонлар учун ибрат ва сабоқ мактаби бўлиб қолаверади.

Президентимиз Ислом Каримов Навоий шаҳрида улуғ бобомизга хайкал очилиши тантанасида шундай деб қайд этдилар: "Она тилига муҳаббат, уни улуғлаш, беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу тафаккуримизга, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келган".

Мустақиллик йилларида унутилган, унутилиб бораётган ёки кемтик бўлиб қолган кадриятларимиз, миллий-тарихий хотирамиз қадамбақадам тикланди, манкуртлик, қарамлик, тобелик мафқураси чекинмоқда, ўзлигини англаш, қадр-қимматини билиш, ягона давлат ва миллатга мансублик туйғулари онгимизга тобора сингиб бормоқда. Бир вақтлар "кўча тили", "уй тили", "бозор-ўчар тили" деб ҳақоратланган она тилимиз бўй-бастини, қаддини тикламоқда, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида эркин қўлланмоқда, халқаро минбарларда янграмоқда.

Тилимизнинг луғат таркибида эски деб номланган сўзлар қайта ишлатилишга кириб келди, унинг ички имкониятлари асосида кўплаб сўзлар яратилди. Тилимизнинг товуш қурилишини нисбатан мукамал акс эттирадиган ёзув — лотин ёзувига ўтилди.

Орта қолган истиқлол тарихимизга мурожаат қилар эканмиз, тил истиқлоли ҳам миллатимизни, давлатимизни, маънавиятимизни бирлаштирувчи, сафарбар этувчи улкан омиллардан бири бўлганлигини қайд этмоқ лозим. Бу омил биз учун Ватан бўлган Ўзбекистонда она тилига ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг буюк натижаси деб биламиз.

Ўзбек тили Республикамизнинг етакчи илмий муассасаларида, барча олий ўқув юртларида янги тамойиллар асосида тадқиқ этилмоқда. Тилимизнинг миллий табиатидан келиб чиқувчи тад-

қиқотлар сони ортиб бормоқда, ўзбек тилининг янги беш жилдлик изоҳли луғати нашр этилди. Бу луғат тузувчилари она тилимизнинг бойлиги, мукамаллигини тўлиқ бир тарзда кўрсата олдилар ва унинг нашр этилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Луғатнинг Давлат мукофотига тавсия этилиши ҳам она тилига бўлган ҳурматнинг бир кўринишидир. Она тилимизга бўлган қизиқиш жаҳонда кундан кунга ортиб бораётир. АҚШ, Германия, Франция, Англия каби мамлакатларда ҳам ўзбек тилига бўлган қизиқиш йилдан йилга ортиб бормоқда.

Она тилимизнинг тозалиги, аниқлиги, мукамаллиги, тушунарли, содда ва раван бўлиши ҳар биримизга ҳам боғлиқлигини унутмаслигимиз зарур. Ўзбек тили туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, ҳозирги даврда бу оилaga 30 дан ортиқ тиллар киради. Гаплашувчи аҳолининг сони жиҳатидан бу оилada ўзбек тили турк ва озарбайжон тилларидан кейин учинчи ўринда туради. Айрим ҳисобларга кўра, жаҳон миқёсида ўзбек тилини 25 млн. дан ортиқ киши ўз она тили, деб ҳисоблайди. Бошқа туркий тилларга қараганда ўзбек тили кўп шевали тилдир. Милoddан олдинги тарихий-этногенетик жараёнлар, араблар босқинигача турк ҳoқонликлари даврида ўзбек халқини ташкил этувчи қабилалар (ўша даврларда қабилалар халқлар уюшмаси эл, турк эли деб юритилган) бирлашуви кучаяди. Қорлуқ, чигил, қипчоқ, ўғуз каби кўп сонли ва нуфузли қабилалар ўзбек халқининг шаклланишига асос бўлади. Ана шулар таркибидаги уруғ ва қабилалар миқдори кўпинча 92 бов (уюшма, шажара)дан иборат деб айтилади.

Ўзбек миллати ва она тилимиз кейинги минг йиллик давомида уч Уйғониш даврини бошидан кечирди. Уйғониш даври иқтисод, сиёсат ва маданиятнинг юксак даражада ривожланиш даври бўлиб, IX-XI асрлар ўзбек халқининг халқ сифатида шаклланиш жараёнлари ўз тугаллигига эришган бир даврдир. Марказий Осиёда IX-XII асрлар Уйғониш маданий юксалишининг биринчи босқичи сифатида тавсифланади. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий каби алломалар худди шу даврда яшаб, жаҳон илмига улкан ҳисса қўшдилар.

Иккинчи Уйғониш даври Амир Темур салтанати билан боғлиқдир. Бу салтанатнинг шукуҳи, куч-қудрати, жаҳон сиёсатидаги беқиёс мавқеи ўзбек тилининг тақдирига ҳам улкан ижобий таъсир кўрсатди. Худди шу даврда тилимиз биринчи марта рас-

мий давлат тили даражасига кўтарилди, дейиш мумкин. Давлатнинг она тили ривожини қўллаб-қувватловчи сиёсати туфайли жаҳон маданияти майдонида буюк Алишер Навоий пайдо бўлди. Алишер Навоий ўзбек тилининг ривожланишини янги кенгликларга олиб чиқди, адабий тилимизнинг асосларини белгилаб берди. Камситилган, таҳқирланган айрим кимсалар томонидан "қўпол тил", "уруш ва қилич тили", деб номланган ўзбек тилининг мавқеини тиклади, бу тилга жаҳон тиллари - орасидан "фуқаролик ҳуқуқи"ни олиб берди. Алишер Навоий айб халқ тилида эмаслигини, балки уни ўрганишни ор деб билган айрим аслзодалар, енгил-елпи, халқ меҳрини қозонмайдиган асарлар ёзادиган шоирлар ва санъаткорларда эканлигини ўзининг оламшумул ижоди билан исботлаб берди.

Учинчи Уйғониш даври - 1991 йилдан бошланган янги давр — миллий истиқдол ва мустақиллик даври арафасида, яъни 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши тарихимиздаги улкан воқеалардан биридир.

Мустақиллик йилларида тилимиз ўз миллий асосларига қайта бошлади, ўзбек тили миллат ҳаётининг иқтисод, сиёсат, маънавият ва маърифат каби соҳаларида ўзининг теран илдиэлари билан туташмоқда, ўзга тил таъсири остида фикрлаш одати сусайиб, миллий тилимизга хос руҳ, сўзлаш одоби, нутқий дид тикланмоқда, шунга биноан, айрим зиёлиларимиз онгида гап қуришнинг ўзга тил қолиплари ўрнини миллий тил - ўзбек тили қолиплари эгалламоқда.

Янги даврда ўзбек тилининг мулоқот воситаси бўлиш, ахборот алмашиш вазифаси билан бирга, сафарбар этувчилик, бутун жамиятга маърифий-тарбиявий таъсир кўрсатиш, аввалги авлодлар тажрибасини ҳозирги авлодларга етказиш каби вазифалари жуда фаоллашди. Тарихан ноҳақ, унутилган, "эски" тамғаси урилган, иймон, фуқаро, муҳаррир, суғурта, ислоҳот, таътил, фоиз, мумтоз, алифбо, бадал (взнос), манзил (адрес) каби кўплаб сўзлар яна ишлатила бошланди, сўровнома (анкета), нархнома (прейскурант), тавсифнома (характеристика), чегирма (скидка), жўнатма (посылка), божхона (таможня) каби сўзлар нутқимиздан доимий ўрин олмоқда.

Ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан бири - зиёлиларимизнинг тил ривожига онгли аралашиши, адабий меъёр, нутқ маданияти, нутқ одоби масалаларига доимий эътибор ва талаб-

чанлик кўрсатишлари ҳисобланади. Айрим соҳаларда бошқа тилларга оид сўзларни ноўрин ишлатиш ҳоллари давом этмоқда. Радио, телевидение, газета ва журналларда адабий меъёр ва услубга мос келмайдиган, мантиқсиз жумлаларни, шеваларга оид сўзларни қўплаб эшитиш, учратиш мумкин. Булар она тилига, умуммиллий маданиятимизга нисбатан лоқайдлик аломатидир.

Тил - миллатнинг борлиғи, миллий-маънавий қиёфаси, руҳиятидир. Бу қиёфа, бу руҳият миллатнинг тани ва жони экан, у парвариш, эътибор ва ғамхўрликка доимо муҳтождир. Зеро, она тилимиз она каби суюкли, ота каби ўқтам, Ватан каби ардоқли бўлиб қолаверади.

ХУЛОСА

Минтақада ўз даврида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан кучли Илоқ давлати пайдо бўлган. Ана шу давлатнинг тузилиши, бошқарув таркиби, иқтисодиёти ва маънавиятини тадқиқ этиш шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу давлатнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни, иқтисоди, айниқса кон-металлургия соҳасидаги тарихий тажрибасини атрофлича тадқиқ этиш, умумлаштириш халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини янада аниқроқ кўрсатиш имконини беради. Халқнинг ижтимоий турмуш тарзи, иқтисодий ҳаёти, албатта, унинг руҳияти, маънавиятида ўз ифодасини топади. Олмалиқ-Оҳангарон минтақаси аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик билан бирга маъданлардан металл олиш, улардан турли нодир буюм ясашга ихтисослашган. Шу сабабдан, минтақани ижтимоий-тарихий ўрганишда халқ касб-ҳунарлари тарихини ҳам ўрганиш зарур. Ҳунармандчилик тарихида шаҳарлар муҳим мавқени эгаллайди, шаҳар маҳаллалари бирон бир ҳунарга ихтисослашади. Илоқ давлатидаги шаҳарлар тарихини ўрганишни касб-ҳунарлар тарихини ўрганиш билан зич боғлиқликда олиб бориш талаб этилади.

Халқ тилида касб-ҳунарга оид кўплаб сўзлар тўпланиб қолган. Уларни йиғиш, соҳалар бўйича таснифи ва изоҳини бериш муҳим вазифа саналади. Касб-ҳунарга оид сўзларнинг тарихи халқ тарихининг узвий қисми бўлиб, уларнинг изоҳи тарихий даврлар бўйича олиб борилиши керак. Тегишли далиллар тўпланиб, тизимга туширилиб, маълум соҳалар, жумладан, металлургия соҳасига оид сўзларнинг тарихий-этимологик, изоҳли луғатини яратиш давр талабидир.

Олмалиқ-Оҳангарон воҳаси халқи оғзаки ижоди намуналари тўпланган бўлса-да, улар етарли эмас. Мустақиллик туфайли халқнинг тарихий хотирасини тиклаш, миллий қадриятимизнинг узвий қисми бўлган фольклор асарларини ёзиб олиш бу хотира ва қадриятнинг йўқолиб кетиши олдини олган бўлар эди. Курама воҳаси этнографик жиҳатдан атрофлича ўрганилиши керак, чунки бу ерда телов, чамбил, корахитой, тақали, элтамғали, ойтамғали, қорақўйли, ачамайли, яллама, жалойир, тома каби 92 бовли ўзбек уруғларига мансуб кишилар азалдан яшаб келганлар. Бу қабила ва уруғларнинг ўзбек халқи таркибидаги ўрни ва мавқеини тадқиқ этиш миллий тараққиётимиз тарихини чуқурроқ

ўрганишга имкон яратади. Умуман олганда, Курама воҳаси аҳолисининг ижтимоий-фалсафий, иқтисодий-маданий қадриятларини умуммиллий қадриятларимизнинг таркибий қисми сифатида ўрганиш миллий истиқлол ғоясининг теран илдизларга эгалигини, аجدодларимизнинг эзгулик ва яхшилик тантанаси учун курашганликларини кенг қўламда кўрсатишга хизмат қилади.

Тил кишилиқ маънавий олами, турмуш тарзини ифодаловчи асосий восита бўлиб, унда қадимги давр кишиларининг ҳаёти, дунёқараши ҳам муҳрланиб қолади. Курама воҳасида ҳам кон ишлари, фойдали қазилмалар, ҳар хил минераллар билан боғлиқ кўплаб сўзлар борки, уларни турли манбалар, халқ тили бойликлари асосида ўрганиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Курама воҳаси жой номлари махсус, монографик тарзда ўрганилмаган. Ҳолбуки, жой номлари халқимиз кўп асрлар давомида ижод қилган улкан лисоний ҳамда маданий-маънавий бойликдир. Уларда халқнинг ўта қадимий даврлардан тортиб шу кунларгача бўлган ноёб кузатишлари, тажрибалари, уларнинг дунёқараши ва турли эътиқодлари ўз ифодасини топган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, "Маънавият", 2008. - 176 б.
2. Навоий асарлари лугати (тузувчилар: Шамсиев П., Иброҳимов С.) Тошкент, 1972. - 784 б.
3. Алишер Навоий. Муҳокаматул - лугатайн. Асарлар, ўн беш томлик, ўн тўртинчи том. Тошкент, 1967. - 272 б.
4. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Тошкент, 1999. - 400 б.
5. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент, 2007. - 276 б.
6. Ёрматов И. Илоқ тарихи. Тошкент, 2005. - 92 б.
7. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугати. Тошкент, 1988. - 288 б.
8. Радлов В.В. Из Сибири (страницы дневника). М., 1989. -749 б.
9. Кляшторный С.Г. Гуннская держава на востоке. - В книге: История древнего мира. М., 1989. - с. 243-254.
10. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. Тошкент, 2005. - 240 б.
11. Мирзобоев М., Қажум М. Илоқдан-Оҳангаронгача. Тошкент, 2006. - 90 б.
12. Иброҳимов У., Қажумов М. Оҳангарон саркорлари. Тошкент, 1999. -80 б.
13. Костецкий В. Ангрен-кеча ва бугун. Тошкент, 2006. -140 б.
14. Костецкий В. Ангрен-город из легенды. Ташкент, 2006.-160 б.
15. Баскаков Н.А. Тюркская лексика в "Слове о полку Игореве". М., 1985. - с.208
16. Наджип Э.Н. Исследования по истории тюркских языков (XI - XIV вв.). М.,1989. - с.283.
17. Абдурахмонов Ф. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиш муаммоси. - "Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари". Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий мақолалар тўплами. №2, Тошкент, 2008. 3-6-бет.
18. Кляшторный С.Г. Кипчаки в рунических памятниках. - Сб. "TURCOLOGICA-1986". К восьмидесятилетию академика А.Н. Кононова. Л.,1986. -с.153-164.
19. Баскаков Н.А. Тюркизмы-социальная терминология в "Слове о полку Игореве". Сб. "TURCOLOGICA-1976". К семидесятилетию академика А.Н. Кононова. Л.,1976.-с.225-234.

20. Гумилев Л. Древние тюрки. М., 2007. - с.575.
21. Буряков Ю.Ф.; Қосимов М.Р.; Ростовцев О.М. Тошкент облас-тининг археологик ёдгорликлари. Тошкент, 1975. - 120 б.
22. Климачев В.Ф.; Мухамедов В.М.; Хасанов К.Х.; Алмалык. Тош-кент, 1981. - с.118.
23. Косгомаров Н.И. Русская история в жизнеописаниях её глав-нейших деятелей. М., ЭКСМО, 2009. - с. 360.
24. Ўзбек халқ шевалари луғати (масъул муҳаррир акад. Ш.Шоаб-дурахмонов). Тошкент, 1971, - 409 б.
25. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1-12 жилд, Тошкент, 2001-2006.
26. Мустақиллик: изохли илмий - оммабоп луғат, Тошкент, 1998.
27. Ўзбекистон халқлари тарихи, I - қисм, Тошкент, 1997.
28. Хасанов А. ва бошқалар. "Кўҳна ва навқирон Олмалиқ", Тош-кент, 2000.
29. Мирзақулов Т., Хасанов А., Муталов А. Курама воҳаси жой номлари тарихидан. "Таълим тизимида янги технологияларнинг қўлла-ниши" мавзусидаги Республика илмий конференциясининг маъру-залари. Тошкент вилоят давлат педагогика институти, Ангрен, 2004, 43-44 -бет.
30. Мирзақулов Т., Хасанов А. Қўқон шаҳрининг Курама воҳаси ва Олмалиқ билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларига доир. "Қўқон асрлар сиёсатларида" халқаро илмий-назарий конференция матери-аллари. Қўқон, 2004, 287-288-б.
31. Холбеков И., Хасанов А.С. XIX асрда Фарғона водийси аҳоли-сининг этник таркибига доир маълумотлар талқини.
"Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда" мавзусидаги Рес-публика илмий анжумани материаллари. Фарғона, 2009 йил, 71-75-б.
32. Кучкаров О., Сирожидинов И.Ф. Наконечники стрел скотово-дов Средней Азии в середине I тысячелетия до н.э. (на примере Фер-ганской долины). - Юқоридаги китоб, 13-18-бет.
33. Акбаров Р., Мирзақулов Т.Ў. 1917 йилда Фарғонадаги ижтимо-ий - сиёсий воқеалар - юқоридаги тўплам, 333-337-б.
34. Хасанов А.С.; Санақулов Қ.С.; Юсупходжаев А.А.; Рангли металлар металлургияси. ФАН, Тошкент, 2009. -288 б.

Мундарижа

Кириш.....	3
1. Курама воҳасини ижтимоий -тарихий ўрганишнинг долзарб масалалари.....	3
2. Курама воҳаси маънавияти билан боғлиқ Айрим урф-одат ва маросимлар	6
3. Курамада болалар ўйинлари.....	12
4. Шева сўзлари ҳам бойлик, Маънавий-тарихий мерос.....	16
5. "Олмалиқ" энциклопедиясини Яратиш тамойиллари ҳақида.....	24
Асосий қисм.....	26
Биринчи бўлим.....	26
1. Илоқ давлати ҳақида.....	26
2. Марказий осиё маъданчилиги.....	31
2.1. Қадимий давр маъданчилиги.....	31
2. 2. Кўҳна илоқда мис маъданчилиги.....	33
Иккинчи бўлим.....	57
Маъданчилик, дунёқараш ва жой.....	57
Номлари тарихи.....	57
Учинчи бўлим.....	69
Буюклар қаторидаги буюк инсон.....	69
Тўртинчи бўлим.....	77
Ўзбек тили ҳақида мулоҳазалар.....	77

5200 сўм

**Абдурашид Солиевич Ҳасанов
Турсунали Ўтаевич Мирзақулов**

Истиқлол: тарих ва тақдир

Илмий услубий қўлланма

*Навоий давлат кончилиқ институти илмий-услубий
Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.*

Муҳаррир:
профессор И.Ёрматов

Техник муҳаррир:
Д.Норматова

Саҳифаловчи ва нашрга тайёрловчи:
Дилрабо Норматова

1000 нусха
"Offset Print" босмаҳонасида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Б.Иноятов кўчаси, 20 а уй.